Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги

Тошкент Юридик коллежи

Отахонов Ф.Х.  Бурханходжаева  Х.В.

Мирдадаева М.

# ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ

## ДАРСЛИК

Тошкент 2006

**Масъул муҳаррир:** **проф. Ш.Ш.Шорахмедов**

**Тақризчилар:**

**Алламуратов А.А.** ю.ф.н. ТДЮИ жиноят ижроия кафедраси мудири

**Муҳаммедова Н.** Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланади**

# К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб ўз Конституциясини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Контитуциясида мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимояловчи ва улардан амалда эркин фойдаланишни таъминловчи Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатларни тартибга солувчи, мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган янги қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, аввало уларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича иқтисослашувини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Контитуциясининг 111-моддасига мувофиқ "Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва Хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади" деб белгиланган.

Республикамизда босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ислоҳотлар натижасида хўжалик судларида ишлар биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриб чиқилиши жорий қилинди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришда амалга оширилаётган ишлар ичида хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларнинг мухофазасини процессуал ҳуқуқий жиҳатдан янада мукаммаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги 2005 йил 15 июн қарори, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони алоҳида ўрин тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ёш авлодни тарбиялаш ва уларни муайян касбга йўналтиришда касб-ҳунар таълими муассасалари катта рол ўйнайди. Хўжалик процессуал ҳуқуқи фанидан тайёрланган ушбу дарслик ҳам касб-ҳунар муассасаларининг юридик бўлимлари ва факультетларида таҳсил олаётган талабаларни бу соҳадаги билимларини ошириш ва келажакда уларни амалиётда қўллашлари учун ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ёрдам беради.

Дарсликда хўжалик процессининг умумий қоидалари хўжалик процессуал ҳуқуқининг тушунчаси, тамойиллари, ишларнинг хўжалик судларига тааллуқлилиги, хўжалик процессида исботлаш ва далиллар, хўжалик процессуал муддатлар ҳамда биринчи инстанция судида иш кўриш, суд буйруғи, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича иш юритиш хусусиятлари, ҳал қилув қарорини апелляция, кассация ва назорат судларида қайта кўриш суд ҳужжатларини ижро этиш ҳамда бошқа масалалар ёритилган.

## АННОТАЦИЯ

Дарслик Тошкент юридик коллежи Илмий педагогик Кенгашининг 2005 йил 29 ноябрдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган «Хўжалик процессуал ҳуқуқи» фанининг дастури асосида тайёрланган.

Дарсликда Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал ҳуқуқининг барча асосий институтлари ҳозирги кун талаблари, амалдаги қонунчилик, суд амалиётини таҳлил қилиш асосида ёритилган.

Ушбу дарслик юридик коллеж талабалари, ихтисослашмаган бошқа ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун, шунингдек хўжалик процессуал қонунчилиги билан қизиқувчи бошқа шахслар учун мўлжалланган

## АННОТАЦИЯ

Учебник подготовлен на основании программы утвержденный решением Ученного педагогического совета Ташкентского юридического колледжа за ---3 от 29 ноября 2005 года.

В учебнике освещены все основные институты на основании анализа современных требований, действующего законодательства, судебной практики.

Настоящий учебник предназначен для студентов юридических колледжей, неспециализированных других среднеспециальных учебных заведений, а также для лиц интересующихся хозяйственным процессуальным законодательством.

## ANNOTATION

The textbook has been prepared on the basis of the programme approved by the scientific pedagogical Council of Tashkent Law College signed on November 29, 2005.

All basic institutions are enlightened in the textbook due to modern requirements, current legislation, court practice.

It is directed to students of law colleges, non-specialized secondary special educational, establishments, and also for all those interested in economic procedural legislation.

# 1 – БОБ. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тушунчаси,предмети,тизими.

## 1-§. Хўжалик процесси тушунчаси ва унинг босқичлари.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилинганидан кейин бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлини танлади. Бу эса ўз навбатида, давлат органлари функцияларига янгича ёндашишни талаб этди. Иқтисодий низоларни хал этадиган органлар фаолиятининг методи ва шаклини аниқлаш асосий масалалардан бирига айланди. Шунинг учун суд тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш масаласи юзага келди.

Президентимизнинг "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" деб номланган маърузасида: "биз хокимиятнинг учинчи тармоғи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳт қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз... Ўтган йиллар мобайнида мамалакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди"[1]-деган эди.

Конституциясининг 107-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисидаги» Қонунининг 1-моддасида курсатилишича Ўзбекистон Республикасининг суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди,Олий суди, Олий Хўжалик суди, Коракалпогистон Республикаси Олий суди, хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шахар суди, туман (шахар) судлари, харбий судлар, вилоят ва Тошкент шахар хўжалик судларидан иборат булиб, уларнинг барчаси уз иш фаолиятларини мустакил амалга оширадилар. Бинобарин, ана шу Қонуний судлардан ташкари бошқа бирор бир махкама судлов ишини амалга оширишга ёки фавкулодда судлар тузилишига йул куйилмайди.

Хўжалик судлари суд ҳокимиятини амалга оширувчи суд идораларининг алоҳида туридир. Унинг ваколатига иқтисодий, тадбиркорлик ва бошқа низоли ишларни кўриб ҳал этиш вазифаси юклатилган бўлиб, судда иш юритиш тартиби Хўжалик процессуал кодекси асосида одил судловни процессуал ҳаракатларни татбиқ қилиш билан амалга оширади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, хўжалик процессига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **хўжалик процесси** бу давлат номидан иқтисодиёт соҳасида одилсудловни амалга оширувчи хўжалик судлари фаолиятининг тизимли ҳаракатлари шаклидир.

---

[1] Каримов И.А. "Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир". "Халқ сўзи" 2005 йил 29 январь.

Хужалик процессуал хукуки эса иктисодиет сохасида вужудга келадиган ,тадбиркорлик фаолиятии билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар уртасидаги , давлат бошкарув органлари ва хокимият бошкарув органлари уртасидаги хужалик низоларини хал этишдаги хукукий муносабатларни тартибга солади.

Хўжалик процесси бир қанча босқичларга бўлинади.

Бу босқичлар қуйидагилардан иборат: 1) хўжалик судида иш қўзғаш; 2) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш; 3)биринчи инстанция судида иш юритиш; 4) апелляция инстанциясида иш юритиш; 5) кассация инстанция судида иш юритиш; 6) назорат тартибда иш юритиш; 7) суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайтакўриш, 8) суд ҳужжатларини ижро қилиш.

Апелляция, кассация, назорат тартибда,суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш инстанциялари босқичларида ишнинг кўрилиши манфаатдор шахсларнинг аввалги босқичларда кўрилган ишни якунидан қаноат хосил қилганлигига боғлиқ бўлади, яъни хўжалик процессининг бу босқичлари суд хужжатларини қайта кўриш босқичлари бўлиб, бу босқичлар мажбурий характерга эга эмас..

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси хўжалик судларида кўриладиган ишларнинг турларини ажратиб, уларга қуйидагиларни киритган:

**-даъво тартибида қўзғатилган низоли ишлар**
- **суд буйруқларини бериш**
- **юридик шахслар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар**
- **юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги арзлар .**

Даъво тартибида юритиладиган ишлар даъвогарнинг жавобгарга нисбатан бузилган ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги талаби даъво қўзғатиш йўли билан амалга оширилади.

Алоҳида тоифада (тартибда) кўриладиган хўжалик ишларида ҳуқуқ ҳақида низо бўлмайди, унда фақат юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар кўрилади. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларга, қонун ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги ҳақидаги ишларни ва юридик фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни киритади.

**Назорат саволлари**.

1. Ўзбекистон Республикаси суд тизимига қайси судлар киради?
2. Хўжалик судларига қандай вазифалар юклатилган?
3. Хўжалик процесси деганда нимани тушинасиз?
4. Хўжалик процессининг қандай босқичларини биласиз?
5. Хўжалик судларида кўриладиган ишларнинг қандай турларини биласиз?

6. Даъво тартибида кўриладиган ишлар қандай ишлар?

7. Алоҳида тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
8. Алоҳида тоифадаги ишларга қандай ишлар киради?

## 2-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи предмети ва унинг тизими.

Хўжалик процессуал ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи бўлиб,хўжалик судларининг одилсудловни амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат.

**Хўжалик процессуал ҳуқуқининг предмети-** хўжалик процесси босқичларида суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида одилсудловни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардан иборат.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тизими умумий ва махсус қисмларга бўлинади.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг умумий қисми Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 1 бўлимига кирган "Умумий қоидалар" га бағишланган нормаларни ўз ичига қамраб олади.Унга;хўжалик судлов ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик,унинг вазифалари,хўжалик судлов ишларини юритишнинг асосий тамойиллари,хўжалик судининг таркиби,судловга тааллуқлилик ва судловлилик масалалари,ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари,хўжалик судида вакиллик,далиллар,иш юритишни тугатиш ва тўхтатиб туриш,даъвони кўрмасдан қолдириш,суд харажатлари.суд жарималари,процессуал муддатлар билан боғлиқ нормалар киради.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг махсус қисмида эса хўжалик процесси билан боғлиқ холда тегишли босқичларини тартибга солиниши билан боғлиқ нормалар,яъни :биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш,суд хужжатларини қайта кўриш билан боғлиқ жараён,суд хужжатларини ижро этиш,чет эл ташкилотлари,халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш билан боғлиқ жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиниши ўрганилади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқи қандай ҳуқуқ соҳаси?
2. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг предмети нималардан иборат?
3. Хўжалик процессуал ҳуқуқи қандай тизимга эга?
4. Хўжалик процессуал ҳуқуқи умумий қисмида нималар ўрганилади?
5. Хўжалик процессуал ҳуқуқи махсус қисмида нималар ўрганилади?

## 3-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи фанининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Барча ҳуқуқ соҳалари ўзаро боғлиқликда ривожланади.Жумладан,хўжалик процессуал ҳуқуқи ҳам, ҳуқуқнинг қатор соҳалари билан боғлиқ. Масалан, хўжалик процессуал ҳуқуқи давлат ҳуқуқи билан боғлиқ бўлиб,, уларнинг иккиси ҳам давлат ҳокимияти органи бўлган судлар фаолиятини тартибга солади.

Хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган тақдирда, суд ўзига берилган ваколат доирасида давлатнинг мажбурлаш чораларини қўллайди.Бунда суд хўжалик процессуал кодекси нормаларида ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган ваколотлар доирасида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан ҳал этади.

Хўжалик процессуал ҳуқуқи фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Аввало, уларнинг боғлиқлиги ҳар иккала ҳуқуқ соҳаси ҳам одилсудловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишида кўринади. Шунингдек улардан бири фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган, иккинчиси эса хўжалик муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўришлигидадир.

Хўжалик процессуал ҳуқуқини фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан боғлиқлик томонларидан яна бири шундаки, уларнинг асосий институтлари ва тамойилларининг бир-бирига жуда ҳам ўхшашлигидир.

Хўжалик процессуал ҳуқуқи шунингдек жиноят процессуал ҳуқуқи билан ҳам боғлиқ. Бу ҳуқуқ соҳаларининг ҳам ўхшашлик томони шундаки,уларнинг ҳар иккаласи ҳам асосий қонунимиз билан белгилаб қўйилган доирада бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш,уларни тиклаш билан боғлиқ бўлган жараённи ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқи қандай ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқ?
2. Хўжалик процессуал ҳуқуқи давлат ҳуқуқи билан қандай жиҳатларга кўра боғлиқ?

3. Хўжалик процессуал ҳуқуқи фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан боғлиқлиги нималарда номаён бўлади?
4. Хўжалик процессуал ҳуқуқи жиноят процессуал ҳуқуқига боғлиқлиги нимада?

## 4-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари тушунчаси ва турлари.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тизимининг манбаи бу ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган қонунлар ва чиқарилган норматив хужжатлардир**.** Юқоридаги қайд этилган қоидага мувофиқ равишда **хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбаи деб,** ваколатли органлар томонидан хўжалик процессуал соҳада қабул қилинган қонунлар ва норматив хужжатларга айтилади.Хўжалик ҳуқуқининг манбалари қонунларда кўрсатилган. Хусусан, ХПКнинг 4-моддасида ва бошқа қонунларда белгиланганидек, хўжалик суд ишларини юритишга оид ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида қабул қилинган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларига асосан ҳал қилинади. Шунингдек, суд давлат ҳокимиятининг бошқа органлари томонидан ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида чиқарилган актларни ҳам татбиқ қилади. Суд қонунга мувофиқ чет эл ҳуқуқ меъёрларини ҳам татбиқ этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари қуйидагилардан иборат:

Барча ҳуқуқ соҳаларига асосий манба бўлгани каби **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** хўжалик процессуал ҳуқуқи учун ҳам энг асосий манба ҳисобланади.Айнан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хўжалик судларининг мустақил суд ҳокимияти эканлигини белгиловчи,хўжалик судларининг одилсудловни амалга оширувчи орган сифатида ваколотларини, хўжалик суди судьяларининг мустаққиллиги ва дахлсизлиги,суд хужжатларини бажарилиши мажбурийлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва суд ҳимоясининг кафолатланганлиги билан боғлиқ асосий қоидалар белгиланган.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунидир**[1].Бу қонун одил судлов вазифаларини, унинг демократик принцип асосида амалга оширилиши усулларини, одил судлов органларининг тузилиши, ташкил топиши ва фаолияти принципларини белгиловчи муҳим қонун ҳужжатидир;

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг махсус манбаси **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик Процессуал Кодексидир**. Хўжалик процессуал кодекси иқтисодиёт соҳасидаги ишлар бўйича одил судловни амалга оширишнинг процессуал тартибини батафсил белгилаб берувчи қоидаларни ўзида жамлаган.Хўжалик процессуал кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 август ойида қабул қилиниб, 1998 йил 1январдан эътиборан амалга киритилган.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбаларига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган процессуал

[1] +аранг: Ызбекистон Республикаси «Судлар ты\рисида»ги =онуни

масалалар юзасидан ҳуқуқий меъёрларни ўзида акс эттирган **Ўзбекистон Республикасининг қонунлари** ҳам киради.(Масалан,Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун,Банкротлик тўғрисидаги,Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ва бошқалар).

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари жумласига **Ўзбекистон Республикаси Президенти** томонидан қабул қилинган **Фармонлари** ҳам киради. Уларга мисол тариқасида 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва бошқа фармонларни кўрсатиш мумкин.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Пленумининг қарорлари ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланмаса ҳам, аммо бу қарорларда процессуал қонунларни тўғри татбиқ этиш юзасидан берилган тушунтиришлар муҳим аҳамиятга эгадир.Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленуми қарорларида моддий ва процессуал қонунчилик нормаларини бир хилда қўллаш,тўғри тадбиқ этиш юзасидан тушунтиришлар берилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг қарорлари судлар ва бошқа манс абдор шахслар учун мажбурийдир (Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунининг 48-моддаси).

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари деганда нимани тушинасиз?
2. Қайси қонунлар хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари ҳисобланади?
3. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг махсус манбаси деганда нимани тушинасиз?
4. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари сифатида қандай Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини биласиз?
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Пленумининг қарорлари хўжалик процессуал ҳуқуқ манбаи бўлиши мумкинми?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Пленумининг қарорлари хўжалик процессуалт ҳуқуқида қандай аҳамиятга эга?

# 2– БОБ. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари(принциплари)

## 1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг (принциплари) моҳияти ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ыз аксини топганлиги,

Бу мавзуни очишдан олдин, аввало, «принцип»(тамойил) сўзининг маъносини англаб олиш лозим. « Принцип» термини лотин тилидан олинган бўлиб, «асос», «дастлабки» деган маънони англатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг ҳам ўзига хос фундаментал қоидалари, шу ҳуқуқ соҳасига оид қонунларнинг қоидалари мазмунида акс эттирилган ғоялари ётади ва ҳуқуқ соҳалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларида белгиланган қоидаларга таянади. Худди шунингдек хўжалик процессуал ҳуқуқи ҳам Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунида ва хўжалик процессуал қонунчилиги нормаларида ўз аксини топган қоидаларга асосланади..Шундай қилиб, х**ўжалик процессининг тамойил (принцип)лари деб**, хўжалик процессуал ҳуқуқининг асосий, раҳбарий қоидаларига айтилади. Ўзининг мазмуни бўйича бу тамойил (принцип)лар суднинг хўжалик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги вазифалари ва фаолиятидан ва қайси қонунда ўзининг ифода этилганлигидан келиб чиқиб тизимлаштирилган.

**Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг тизими** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси,«Судлар тўғрисида»ги қонунда ва хўжалик процессуал кодекси меъёрларида ифодаланган бўлиб, амалда бўлиши, тадбиқ этилиши юзасидан бир-бирлари билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда икки гуруҳга: биринчидан, суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий( конституцион) ва иккинчидан, фақат суд ишларини юритишга хос тамойилларга бўлинади.

***Биринчи гуруҳга доир тамойилларга қуйидагилар киради:***

1) одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;

2) одил судловни сайланган (тайинланган) судьялар томонидан амалга оширилиши;
3) хўжалик суди судьяларининг мустаққиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши;
4) суд ишларининг миллий тилда юритилиши;
5) судда иш кўришнинг ошкоралиги;
6) Процесс иштирокчиларининг қонун ва суд олдида тенглиги принципи;
7) суд хужжатларининг мажбурийлиги тамойиллари.

***Иккинчи гуруҳга оид тамойилларга қуйидагилар:***

1) ишларнинг амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши;
2) диспозитивлик,яъни процессдаги эркинлик ҳуқуқи;
3) ишларни якка ва коллегиал тартибда кўрилиши ;
4) Объектив ҳақиқат тамойили;
5) хўжалик ишларида иштирок этувчи тарафларнинг процессуал тенг ҳуқуқлилиги; ;
6) тортишувлик;
7) ишнинг ёзма ҳужжатлар асосида, оғзаки кўрилиши;
8) иш кўришнинг бевоситалиги;
9) суд ишининг узлуксиз кўрилиши тамойиллари киради.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессининг тамойил (принцип)лари деганда нимани тушинасиз?
2. Хўжалик процессини қандай тамойил (принцип)ларини биласиз?
3. Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг тизими деганда нимани тушинасиз?
4. Биринчи гуруҳга қандай тамойиллар киради?
5. Иккинчи гуруҳга қандай тамойиллар киради?

## 2-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи асосий тамойилларининг таснифи.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг биринчи гуруҳ тамойиллари **суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий(конституцион) тамойиллар** бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

***1. Одил судловни фақат судлар томонидан амалга оширилиши принципи..***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида-ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ республикамизда одилсудловни амалга ошириш фақат суд органларининг ваколатига киритилганлиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Суд ўз

фаолиятини амалга оширишда муайян процессуал ҳаракатларни бажаришда белгиланган процессуал нормаларга асосланади. Бу нормалар чин ҳақиқатни аниқлашга, адолатли қарор чиқаришга имконият беради.

Суд вазифаларини бошқа органлар ўз зиммаларига олишлари одил судлов тўғрисидаги Конституцияда белгиланган тамойилларнинг бузилиши сифатида кўрилади.

***2.* Одил судловни сайланган (тайинланган) судьялар томонидан амалга оширилиши тамойили.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияга кўра, суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди, қорақалпоғистон Республикасининг Олий Суди, қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди ва шу муддатга тайинланадиган вилоят хўжалик судлари, Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат тузилиб бу судлар Президент томонидан тайинланади.

Конституциянинг 93-моддасининг 10-11-бандларида Олий Мажлисга Президент Конституциявий суд раиси ва судьяларини, Олий суд раиси ва судьяларини, Олий хўжалик суди раиси ва судьяларини номзодларини тавсия этиши ва Олий Мажлис томонидан сайланиши; вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьяларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг Раиси тавсиясига мувофиқ Президент томонидан тайинланиши ва лавозимларидан озод этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

***3. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципи.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, судьялар мустақил иш кўришлари, фақат қонунга бўйсуниши, одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишлиги тўғрисидаги махсус қоида белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ).

Давлат идоралари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар судьяларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари, судьяларга ҳурматсизлик билдириб, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилинган тақдирда амалдаги қонунларга асосан жавобгарликка тортилиши ҳам қонунчиликда белгиланган.

Судьялар низоларни ҳал қилишда, хал қилув қарорлари, қарорлар қабул қилишларида холисона, ўз билимлари ва фақат қонунга таянган ҳолда иш кўрадилар. Уларнинг фаолиятига ҳеч ким ,хатто юқори турувчи суд органлари ҳам аралашишларига йўл қўйилмайди.

***4. Суд ишларининг миллий тилда юритилиши принципи.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасида ва ХПКнинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларга таржимон орқали иш

материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

***5. Судда иш кўришнинг ошкоралиги принципи.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига мувофиқ, қонун билан белгиланган айрим истиснолардан ташқари, барча ҳолларда, ишларнинг ҳамма судларда очиқ кўрилиши кафолатланган. Хўжалик суд ишлари ошкора равишда, фуқаро ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида кўрилади (ХПКнинг 8-моддаси).

Бунда баъзи истиснолар белгиланган. Чунончи: қонунда белгиланишича, давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш мақсадида суднинг асосланган ажримига биноан, иш кўриш бутунлай ёки қисман ёпиқ равишда ўтказилади

***6. Процесс иштирокчиларининг қонун ва суд олдида тенглиги принципи.***

Ўзбекистон Республикасида одил судлов процесс иштирокчиларининг қонун ва суд олдидаги тенглиги асосида амалга оширилади.

Хўжалик судида низоларни ҳал қилиш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлиги, кимга бўйсинишидан қатьи назар, фуқароларнинг эса-жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Суд процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тенглиги тамойилини бузилганида ҳуқуқ бузувчиларга нисбатан давлат, жамият, суд олдида жавобгарлиги, қонунларни бузувчи бу шахслар хизмат вазифаларидан ва кўрсатган хизматларидан қатъий назар, тенг жавобгарликка тортилиши ифодаланган.

***7. Суд хужжатларининг мажбурийлиги.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111–моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал Кодексининг 14-моддаси қоидаларига мувофиқ суд ҳокимиятининг хужжатлари ҳамма учун мажбурийлиги белгиланган. Хўжалик судлари ҳал қилув қарори, қарор,

ажрим ва суд буйруғи шаклидаги суд хужжатларини қабул қилади. Суднинг қонуний кучга кирган хужжати давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, бутун Ўзбекистон худудида ижро этилиши шарт эканлиги қонуний белгилаб қўйилган. Акс ҳолда, бу хужжатларни бажармаган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Назорат саволлари.**

1. .Хўжалик процессуал ҳуқуқининг умумконституцион тамойиллари.
2. Одил судловни фақат судлар томонидан амалга ошириш принципи деганда нимани тушинасиз?
3. Судда иш кўришни ошкоролиги принципи деганда нимани тушинасиз?
4. Судьянинг мустақиллиги принципининг моҳияти нимада?
5. Процесс иштирокчиларининг қонун ва суд олдида тенглиги принципи деганда нимани тушинасиз?
6. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги деганда нимани тушинасиз?

## 3-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқида суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган тамойиллар.

Суд ишларининг юритилишини белгилайдиган иккинчи гуруҳ тамойил (принцип)лар тубандагилардан иборат:

**1.Ишларни амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиш тамойили.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида республикада Конституция ва қонунларнинг устуворлигини белгилайди.Шунга мувофиқ давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларга риоя қилишга мажбурдирлар. ХПК нинг 12-моддасининг 1-қисми мазмунида ушбу конституцион норма ўз ифодасини топган бўлиб, унда суд ишлари Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан ҳал қилиниши лозимлиги белгилаб қўйилган. Суд шунингдек, қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларини ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди. Хўжалик суди ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органнинг хужжати қонунга тўғри келмаслигини , шу жумладан у ваколат доирасидан чиққан ҳолда чиқарилганлигини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади. ХПКнинг 12-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шу муносабатга ўхшаш муносабатни тартибга соладиган қонунни тадбиқ этади. Бундай қонун ҳам бўлмаган тақдирда эса суд, Республика қонунларининг умумий асослари ва маъносига таянади

Хўжалик жараёнида ишларнинг амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши тамойили-хўжалик судлов ишларининг процессуал ҳуқуқ нормаларига аниқ риоя қилган ҳолда кўрилиши, ишларнинг ҳал қилинишида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъиян амал қилиниши, суднинг чиқарган ҳал қилув қарорларининг қонунга мувофиқ бўлиши,акс ҳолда аппеляция, кассация ва назорат тартибида текширилишининг кафолатланганлиги, суднинг ўз ташаббуси билан баъзи процессуал ҳаракатлар қилишга ҳуқуқли ва мажбур бўлишлиги, қонунларнинг айрим

фуқаролар ва ташкилотлар томонидан бузилиши ҳоллари аниқланганда- суднинг бу тўғрида хусусий ажримлар чиқариши билан таъминланади.

***2.Диспозитивлик,яъни процессдаги эркинлик ҳуқуқи.***

Бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонуен билан қўриқланадиган манфаатларини сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг тадбиркорлик, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг алоҳида муҳим тури хисобланади. Бундай ҳолларда моддий ҳуқуқ ҳамда уни ҳимоя қилиш воситалари бўлган процессуал ҳуқуқ меъёрларини ишлатиш ҳуқуқи хўжалик жараёнининг эркин ҳуқуқлилиги, яъни жараёндаги диспозитивлик (эркинлик ҳуқуқи) деб аталади.

Процессдаги диспозитивлик (эркинлик ҳуқуқининг) мазмуни қуйидагилардан:

1) даъво қилиш ҳуқуқи; 2) даъводан воз кечиш ҳуқуқи ёки даъвони эътироф этиш (тан олиш) ҳуқуқи; 3) ўзаро келишиб ишни тамомлаш ҳуқуқи; 4) суднинг қарори устидан шикоят қилиш; 5) суд қарорини мажбурий равишда бажартиришни талаб қилиш ҳуқуқларидан иборат бўлади.

Процессдаги диспозитивлик тамойили даъво ишининг қўзғатилишидан бошлаб то даъво юзасидан чиқарилган қарорларнинг ижро этилишигача бўлган босқичларда қўлланилиб, ишда иштирок этувчиларга тегишли процессуал ҳуқуқларнинг қонунлар билан белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, **диспозитивлик (эркин ҳуқуқ) тамойили деб**, манфаатдор шахсларнинг қонунларда белгиланган моддий ва процессуал ҳуқуқларидан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқи тушунилади.

***3. Ишларини якка ва коллегиал тартибда кўрилиши тамойили.***

Хўжалик судларида ишлар биринчи инстанция судида кўрилганда судьянинг якка ўзи томонидан,Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан кўрилганда эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Аппеляция, кассация, шунингдек назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда (уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат таркибда) кўрилади.

Иш биринчи инстанция судида якка судья томонидан кўрилганда ҳамма масалалар судьянинг якка ўзи томонидан, иш ҳайъатда кўрилган ҳолларда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Кўрилаётган ҳар бир масала юзасидан қарор қабул қилинганида овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Бунда судьяларнинг биронтаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Бошқа судьяларнинг қарорига қўшилмаган судья бу қарорга имзо чекишга мажбур ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга қўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди (ХПКнинг 16-моддаси).

Амалдаги ХПКнинг 15-моддасининг 2-қисмида, ишнинг моҳиятига қараб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг қарорига мувофиқ, ҳар қандай иш ҳайъат томонидан кўрилиши мумкинлиги белгиланган

**4) объектив ҳақиқат тамойили**

Хўжалик процессининг объектив ҳақиқат тамойили одилсудловлилик, қонунийлик тамойиллари билан узвий боғлиқ бўлган тамойилдир.

Бу тамойил мазмунида хўжалик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суд ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаш учун барча чораларни кўриши, тарафлар ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаши, суднинг қарори суд мажлисида ҳар тарафлама текширилган ва аниқ исботланган ҳолатларга ва далилларга асосланган бўлиши тўғрисидаги қоида ётади. Суд хўжалик процессининг бу тамойилига процесснинг барча босқичларида амал қилиши лозим.

***5) Хўжалик ишларида иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи.***

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, дини,ижтимоий келиб чиқиши,жинси, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар иктисодий, сиёсий, социал ва маданий ҳаётимизнинг барча сохаларида тенг ҳуқуқли эканлигини кафолатлайди.

Ушбу конституцион тамойилга мувофиқ хўжалик ишида иштирок этувчи шахслар хўжалик процессида тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улар ХПК нинг 35-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан тенг ҳуқуқлилик асосида фойдаланадилар.. Хўжалик ишида ҳар икки тараф ҳам тенг даражада даъво қўзғатиш-қўзгатмаслик, даъво талабларига эътироз

билдириш-билдирмаслик, даъвони бутунлай ёки қисман тан олиш ёки бутунлай тан олмаслик ҳуқуқига эгадирлар. қонун даъвогарга қандай ҳуқуқлар берган бўлса, масалан, даъво қўзғатиш ёки даъводан тўла ёки қисман воз кечиш ҳуқуқлари берилган бўлса, жавобгар ҳам ўз навбатида даъвога қарши бўлиш, даъвони рад этиш учун далиллар келтириш, даъвони тўла ёки қисман тан олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тарафлар суд мажлиси давомида ҳам тенг даражада бўлиб, сўзга чиқиш, кўрсатувлар, баёнотлар бериш ҳуқуқларига эга бўладилар.

***6) Тортишувчилик тамойили.***

Хўжалик жараёнининг бу тамойили тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили билан узвий боғлиқ бўлиб, у хўжалик низоси иштирокчиларининг

моддий-ҳуқуқий манфаатларининг қарама-қаршилиги билан шартлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам суд ишларини юритиш бошидан охиригача тарафларнинг процессуал қарама-қаршилигидан иборат.

Тортишувлик тамойилигага мувофиқ, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни исботлаши керак, шунинг учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар зарур далилларни судга келтирадилар. Агар тақдим этилган далиллар етарли бўлмаса, суд тарафларга ва ишда иштирок қилувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади.

Юқоридагилардан маълумки, тортишувчилик тамойилига мувофиқ судда хўжалик ишининг бориши тарафларнинг фаоллигига боғлиқ, яъни ишда қатнашувчи тарафлар низоли муносабат юзасидан ўзлари учун ижобий бўлган ҳал қилув қарорига эришишни истасалар, хўжалик судига низони ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларни тақдим этишлари,шунингдек, ўзларининг ҳақлигини тасдиқловчи ҳаракатларни амалга ошириши лозим.Тарафларнинг талаблари ва эътирозларини исботлаш учун келтирилган далиллар суд томонидан текширилади ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа фактлар билан солиштирилади ҳамда зарур ҳолларда тарафлардан бошқа қўшимча далиллар келтириш талаб қилинади (ХПКнинг 55-моддаси).

Суд ишда иштирок қилаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш, процессуал ҳаракатлар қилиши ёки қилмаслигининг окибатлари тўғрисида уларни хабардор қилиши ҳамда ишда иштирок қилаётган шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиши лозим.

***7) Судда иш кўришни оғзаки ва ёзма далилларга асосланиши.***

Бу тамойил судда иштирок этувчи тарафлардан процессуал ҳаракатларни оғзаки ва асосан ёзма равишда ифодалашни талаб қилади. Суд ишни оғзаки кўрганда тарафлар, экспертлар, мутаҳассислар, таржимонлар, шунингдек ишда иштирок этувчи прокурор билан бевосита муносабатида бўлиш имкониятига эга бўлади.

Хўжалик иши бўйича кўра тақдим этиладиган хужжатлар ёзма равишда берилади, суд эса иш материалларини ва ёзма хужжатларни текширади. Суд мажлисида оғзаки ва ёзма текширилган, аниқланган, тасдиқланган материаллargина суд қарорига асос қилиб олинади. Суд мажлисида айтилган сўзларнинг ҳаммаси суд мажлисининг баённомасига ёзилиши оғзакилик принципига хилоф келмайди. Аксинча суд мажлисида айтилган сўзларнинг баённомага ёзилмаслиги суд қарорининг қонуний ва асосли бўлишини текшириш имкониятидан маҳрум қилади.

Хўжалик жараёнининг оғзакилиги принципига мувофиқ суд тарафларнинг оғзаки баёнотлари, изоҳларини, экспертлар ва мутахассисларнинг оғзаки фикрларини эшитади. Суд мажлисида кўриладиган барча масалалар (ёзма далиллар) оғзаки муҳокама қилинади.

Бундай усул судьяларга иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ва уларда иш юзасидан тўғри ички тушунча пайдо булишига имкон беради. Судга тақдим этилган барча ёзма ҳужжатлар, чунончи экспертларнинг ёзма ҳулосалари ва бошқа ёзма далиллар оғзакилик принципи талабларига кўра суд мажлисида кўрилиши, оғзаки муҳокама қилиниши лозим бўлади. Хўжалик судларида аксарият ишлар ёзма равишда тузилган ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб ҳал этилади. Хўжалик процессига нисбатан фуқаролик процессида иш кўрилишида оғзакилик принципига кўпроқ эътибор берилади.

***8) Судда иш кўришнинг бевоситалиги принципи.***

Бу принципга биноан хўжалик ишларини текширувчи ва иш юзасидан қарор чақирувчи судьялар иш материаллари билан шахсан танишишлари, гувохларнинг берган гувоҳлигини, экспертлар ҳулосаларини, мутаҳассисларни фикрини эшитишга ёзма далиллар билан танишишга, ашёвий далилларни кўздан кечиришга (ХПКнинг 11-моддаси) далилларни суд мажлисида бевосита ўзлари, шунингдек ишда қатнашувчиларнинг иштирокида текшириши лозим бўлади.

Бу принципга мувофиқ, суд хўжалик ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда тарафларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугаши билан боғлик бўлган фактларни бевосита аниқлайди. Суд умумий қоида бўйича топширилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини кўради, фақат истесно тариқасидаги бундай ҳужжатларни суд мажлисига топшириш мумкин бўлмагандагина, ҳужжатларнинг иккинчи нусха (копия)ларидан фойдаланиши мумкин.

Хўжалик жараёни бевоситалик принципига асосланган бўлса ҳам, аммо айрим ҳолларда, бу қоидадан четга чиқишга қонун йўл қўяди. Масалан, гувоҳ иш кўрилаётган судда бевосита сўроқ қилиниши лозим бўлса ҳам, аммо у иш кўраётган шаҳар ёки тумандан узоқ жойда яшаганида, ишни кўрувчи суднинг махсус топшириғи буйича, бу гувоҳ ўзининг турадиган жойдаги суд томонидан мазкур иш мазмуни бўйича сўроқ қилиниши мумкин.

***9) Ишнинг узлуксиз кўрилиши принципи.***

Бу принцип суд ишининг бошланишидан то охиригача, яъни суднинг

ҳал қилув қарори чиқарилишига қадар узлуксиз суд мажлисида ва суднинг ўзгармаган таркибида кўрилишини ва бу иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилмагунча бошқа ишларнинг кўрилмаслигини талаб қилади.

Процесснинг узлуксизлиги принципига биноан ишнинг кўрилиши тамом бўлган замон дарҳол қарор чиқарилиши ва уни эълон қилиниши лозим бўлади. Кўрилган иш юзасидан чиқарилган қарорни эълон этмасдан туриб бошқа ишни кўришга суд ҳақли бўлмайди.

Суд қарори чиқаришда фақат судни мазмунан бошидан оҳиригача кўришда иштирок этган судьялargina қатнаша оладилар. Ҳар бир иш бўйича суд мажлиси, дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади. Суд узлуксиз бошланган ишнинг кўрилишини тамомланмасдан ёки уни кўришни бошқа вақтга қолдирмасдан туриб бошқа ишни кўришга ҳақли

эмаслар. Агар ишнинг кўрилиши давомида суд таркиби ўзгарса-ишнинг кўрилиши янгидан бошланади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессида қонунийлик тамойили қандай таъминланади?
2. Диспозитивлик тамойилининг мазмуни нимадан иборат.?
3. Ишлар кассация тартибида кўрилганда масалаларнинг ҳал қилиниши қандай тамойил асосида амалга оширилади.
4. Объективлик тамойили нимада?
5. Судда иш кўришнинг бевоситалиги, узлуксизлиги тамойилининг мазмуни нимадан иборат?

# 3 - БОБ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИГА ИШЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВЛИЛИГИ

## 1-§. Хўжалик судларига тааллуқли ишлар тушунчаси, турлари ва мезони.

Хўжалик судларига тааллуқли ишлар тушунчасини аниқлашдан олдин тааллуқлилик тушунчасини англаб олиш лозим.

Тааллуқлилик деганда, ҳуқуқ ҳақидаги низоларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан у ёки бу давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлиги тушунилади.

Хўжалик судларига тааллуқли ишлар деганда эса,қонунларга мувофиқ белгиланган ишлар доирасини кўриб чиқиш ва ҳал этиш вазифаси хўжалик судлари ваколотига киритилган ишлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, хўжалик судларининг ваколат доираси белгиланган бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақил бўғини сифатида иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган келишмовчиликларни кўриб ҳал қилади.

Айнан шу қоида хўжалик судларининг ваколатларини аниқлаштириб беради ва унинг бошқа давлат органлари, хусусан, умумий юридикция судлари ваколат доирасидан фарқини белгилайди

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида хўжалик судлари ваколатига киритилган низоли ва бошқа ишларнинг қайси турдагилари киритилиши конкретлаштирилган (23-модда).

Ишларни қайси органга тааллуқлилигини чегараловчи мезон сифатида низоли ҳуқуқий муносабатнинг учта белгисини ажратиш мумкин, яъни: а) низолар вужудга келадиган соҳа; б)низоли ҳуқуқий муносабатларнинг характери ва в)субъектив таркиби.

Хўжалик судларига тааллуқли ишларни чегараловчи мезонларнинг биринчи белгиси низолар вужудга келадиган соҳа, яъни иқтисодиёт соҳасидаги ишлардир.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий соҳа хўжалик фаолиятини юритиш билан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Бу мезон хўжалик судлари билан умумий юридикция судларини ваколатларини чегаралайди.

Хўжалик судларига тааллуқли ишларни чегараловчи мезонлардан яна бири бу низоли ҳуқуқий муносабатларнинг характеридир.Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 23-моддасига мувофиқ иқтисодиёт соҳасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа муносабатлардан келиб чиққан низоли ишлар хўжалик судларига тааллуқли эканлиги белгиланган. Демак,низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери низонинг қандай муносабатдан, яъни фуқаровий,маъмурий ёки бошқа муносабатлардан келиб чиққанлигига боғлиқ экан.

Хўжалик судларига тааллуқли ишларни чегараловчи мезонларнинг учинчиси бу низоли ҳуқуқий муносабат субъектларининг таркиби. Хўжалик судларига юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасида келиб чиқаётган низолар тегишлидир.

Булардан ташқари, хўжалик судларида ишларни тааллуқли бўлишни қўшимча мезонига ҳуқуқни низоли ва низосиз тарафларнинг келишуви, шунингдек низоли ҳуқуқнинг мазмуни (характери) яъни унинг ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши ёки солинмаслиги аҳамиятлидир.

Хўжалик ишларини судга тааллуқли бўлиш турларига аҳамият бериш зарур. Ишларни хўжалик судларига тўғридан-тўғри тааллуқли эканлиги қонунда кўрсатилган бўлиши керак, шунга кўра тааллуқлилик мустасно ва кўп турдаги кўринишда бўлади, масалан банкротлик тўғрисидаги ишлар қонун билан фақат хўжалик судларига тааллуқли эканлиги қонунда ўз ифодасини топган. Бошқа қатор хўжалик ишлари судсиз ҳал этилмагандан кейингина судга тааллуқли бўлади.

Кўп органларга тааллуқли ишлар шартномавий, бир неча идораларга тегишли (императив) тааллуқлиликка ва альтернатив тааллуқлиликка бўлинади.

Юқорида қайд қилинганидек, шартномавий тааллуқлиликка кўра, тарафларнинг ўзаро келишувлари асосида тааллуқлик масаласи ҳал этилган бўлади.

Агар, қонунда хўжалик ишларини судга қадарли судсиз ҳал этиш тартиби белгиланса (императив) масалан претензион талаб бўйича иш ҳал этилмаса ёки маъмурий тартибда кўрилган иш етарли даражада ҳал этилмаган бўлса ва ҳ.к.

Альтернатив тааллуқлиликка кўра ҳимояга мухтож бўлган манфаатдор шахс ўзининг ҳохишига асосланган ҳолда тегишли органга мурожаат этишлик тушунилади.

Суд амалиётида иқтисодий масалалардан келиб чиқадиган айрим низолар умумий судларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Шу туфайли умумий судларга тааллуқли бўлиши учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, жумладан: 1) умумий судларга фуқаролар ўртасида келиб чиққан низолар, агар улар тадбиркорликдан келиб чиқмаган бўлса;

2) ташкилотлар ўртасида келиб чиққан низолар, улар ҳам тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаганлиги талаб қилинади. [1]

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлардан хулоса қилиб, хўжалик судлари фақат ўзининг ваколатига киритилган ишларни,яъни фақат хўжалик судларига тааллуқли бўлган ишларнигина кўриши мумкин**.**

ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ хўжалик судларга қуйидаги ишлар тааллуқли :

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаро ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юртилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;
2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;
3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Булардан ташқари, қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестциялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак.

қонунга мувофиқ ва судга тааллуқлилик қоидасига асосан хўжалик судларига ҳамма шаклдаги мулк турига асосланган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шу жумладан хусусий, қўшма корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва халқаро бирлашмалар, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар ташкилотлари ўзларининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

**Назорат саволлари.**

---

[1] +аранг:Ш.Ш.Шоращметов. Ызбекистон Республикасининг хыжалик процессуал щу=у=и.Дарслик.Т. «Адабиёт жам\армаси».2001й.35-б.

1. Хўжалик ишларининг тааллуқлилиги деганда нимани тушунасиз?
2. Ишларнинг қайси органларга тааллуқлилигини чегараловчи мезонларни айтиб беринг.
3. Хўжалик судларига тааллуқли ишларни чегараловчи мезонларни ажратинг.
4. Хўжалик судларига ишларнинг тааллуқлигининг қўшимча мезонлари..
5. Хўжалик судларига қандай ишлар тааллуқли?
6. Хўжалик судларига тааллуқли ишлар кимларнинг иштирокида кўрилиши мумкин?
7. Ҳам умумий суднинг, ҳам хқжалик судининг ваколатига кирган масалалар қайси суд томонидан кўрилади.?

## 2-§. Хўжалик судларида кўриладиган низолар. Тааллуқлиликка қўйиладиган процессуал ҳуқуқий қоида талабларига риоя этмасликнинг оқибатлари.

Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига асосан хўжалик суди қуйидаги низоларни ҳал этади:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10)ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11)давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12)агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарима ундириш тўғрисидаги низолар;

13)текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

Ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилган шахс уларни ҳимоя қилинишини сўраб қайси давлат органига мурожаат этишини билиши лозим. Акс ҳолда бу ҳуқуқ ва қонуний манфатларнинг тикланилишида:

низони ҳал этишдан бош тортишга, ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоя қилинишининг кечикишига олиб келиши мумкин.

Тааллуқлилик қоидасига риоя этиш катта аҳамиятга эга.

Тааллуқлилик қоидасига риоя этган ҳолда хўжалик судига мурожаат этиш бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг ўз вақтида ҳимояланишига ва тикланишига,одилсудловни амалга оширилишига, ҳуқуқбузарликни бартараф этишга асос бўлади.

Хўжалик судларига тааллуқли бўлмаган ишлар юзасидан мурожаат этилган тақдирда, хўжалик судлари даъво аризасини қабул қилишни рад этишлари мумкин(ХПКнинг 117-моддаси).Бу эса манфаатдор шахснинг жавобгарга нисбатан бўлган талаблари хўжалик суди томонидан қаноатлантирилмаслигини англатади.Аммо бу бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар тикланмайди, деган сўз эмас. Бунда ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган шахс тааллуқлилик қоидасига риоя қилган ҳолда

бундай ишларни кўриш ваколатига эга бўлган органларга мурожаат этмоғи лозим.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судлари томонидан қандай низолар ҳал этилади?
2. Давлат рўйхатига олишни рад этганлик устидан берилган шикоятлар қайси судларга тааллуқли?
3. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар хўжалик судларига тааллуўли бўлиши мумкинми?
4. Тааллуқлилик қоидасига риоя этишнинг аҳамияти.

5. Хўжалик судларига тааллуқли бўлмаган ишлар юзасидан хўжалик судига мурожаат қилиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.?

## 3-§. Судловлилик тушунчаси ва турлари. Ишларнинг турлари бўйича судловлилик. Худудий судловлилик ва унинг турлари.

Олдинги мавзуларимизда кўриб ўтилган тааллуқлилик тушунчаси судловлилик тушунчаси билан узвий боғлиқ тушунчалардир.Аммо бу тушунчаларни биридан иккинчисини ажрата билиш лозим. Маълумки, тааллуқлиликка кўра давлат органларининг бир-биридан ваколатига кўра ажратилиши белгиланади.Судловлиликка кўра эса, бир суд тизимидаги судларнинг ваколати аниқланилади.

Судловлик икки маънода тушунилади. Агар судловлик: биринчидан-айрим хўжалик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли (тегишли) бўлишлигини англатади; иккинчидан, судловлик ягона суд тизимига кирадиган судларнинг (шаҳар, вилоят, республика судларининг) қайси бири муайян хўжалик ишини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли (ҳуқуқли) бўлишини билдиради[1].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, **судловлик деб**, хўжалик судларининг ваколатига кирган ишларнинг хўжалик судлари тизимидаги қайси суд кўриб ҳал этилишлигини тушунилади.

Хўжалик процессида қуйидаги судловлилик турлари мавжуд:

1) турдош;
2) ҳудудий.

Турдош судловлиликка кўра, ишнинг турига,низонинг предметига,тарафларнинг кимлар бўлишига ҳам эътибор қаратилади.Бу судловлиликка кўра ягона суд тизимидаги турли судлар ўртасидаги ваколат ажратилади.Бунда судларнинг ваколат доираси қонун билан чегараланади.

Хўжалик судлари судловига тегишлилик хўжалик процессуал кодексининг 26-моддаси қоидалари билан белгиланган. Унга мувофиқ, хўжалик судига тааллуқли ишлар қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади

Олий хўжалик суди қуйидаги ишларни кўради:

республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи

инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли.

қонунчилик ҳудудий судловликни ҳам ажратади.Бу судловлилик қоидалари (ХПКнинг 27-31-моддалар) бир поғанадаги хўжалик судлардан қайси бири муайян ишни кўра олиши мумкин эканлигини назарда тутади. Ҳудудий судловликка кўра бир поғанадаги хўжалик судларининг ваколатларини уларнинг жойлашган жойига кўра ажратишга имкон беради. Демак, **ҳудудий судловлилик деб**, хўжалик ишларининг, жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судлари томонидан кўрилишига айтилади.

Ҳудудий судловлиликнинг умумий қоидалари шундан иборатки, даъвогар тегишли хўжалик ишларини кўрилиши учун даъвони жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этади..

Ҳудудий судловлик қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий худудий судловлик;
- танлаш бўйича(муқобил) судловлик;
- алоҳида судловга тегишли (мустасно)судловлик;
- келишилган (шартномавий) судловлик
- бир-бири билан боғлиқ ишларнинг судловлиги
- ҳудудий судловлиликнинг маҳсус қоидаларига кўра судловликка бўлинади.

Хўжалик процессуал кодексининг 27-моддасида ҳудудий судловлиликнинг умумий қоидалари белгиланган.

Унга мувофиқ судловлиликни аниқлашда ишга жавобгар сифатида жалб этилган корхона, ташкилот, муассасанинг жойлашган жойи, фуқаронинг яшаш жойига эътибор қаратилади, яъни иш жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судининг судловига тегишли бўлади.

**Танлаш бўйича (муқобил) судловлик деганда**, низоли муносабат бўйича бир нечта жавобгарга нисбатан даъво қўзғатилиши лозим бўлса ва улар турли ҳудудларда жойлашган бўлсалар, даъвогар улардан биттаси жойлашган жойдаги хўжалик судига мурожаат этиши мумкинлиги тушунилади. ХПКнинг 28-моддаси қоидаларига мувофиқ, турли ерларда бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади, деб белгилаб қўйилган. Бу норма даъвогарнинг ҳудуд жиҳатдан ўзига

яқин, қулайини танлаш имкониятини беради.

қаердалиги номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган жойдаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охирги турар жойдаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.Аммо бунда ХПКнинг 31-моддасида назарда тутилган(алоҳида судловга тегишлилик)холатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасига қарашли ташкилот ёки Ўзбекистон фуқароси айни пайтда бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар, даъвогар жойлашган, яшайдиган жойдаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган жойда тақдим этилиши мумкин.

Хўжалик процессида судловлиликнинг **алоҳида судловга тегишли (мустасно) судловлик** тури ҳам мавжуд..

Бундай ишлар тоифаси ХПКнинг 31-моддасида белгиланган.

Бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда тақдим этилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда тақдим этилади.

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, бу тоифадаги ишларга нисбатан судловлиликнинг бошқа қоидаларини қўлланилишига, тарафларнинг келишувига мувофиқ ҳолда ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Хўжалик судлари судловига тегишли ишларнинг навбатдаги тури бу **шартнома бўйича судловга тегишлиликдир.**Бу судловлиликнинг характерли томони шундан иборатки, бунда тарафларга келишувга кўра низони кўриб чиқиш жойини аниқлаш имконини беради.Аммо бунда истисноли холатлар мавжуд, яъни бу қоидалар ХПКнинг 29,30,31-моддаларида кўзда тутилган судловлиликка нисбатан қўлланилмайди.

**Бир-бири билан боғлиқ ишларнинг судловлигида** ўзаро боғлиқ бўлган ишларнинг битта процессда кўриб чиқилишини тақозо этадиган ишлар тушунилади. Масалан, қарши даъво дастлабки даъво тақдим этилган хўжалик судига берилиши лозим.

**Ҳудудий судловлиликнинг маҳсус қоидаларига кўра судловлик** ХПКнинг 29,30-моддаларида белгиланган бўлиб, улар юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлардир.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг судловлиги бошқа турдаги судловликлардан фарқланиб, бунда

аризалар фақат аризачи турган жойда кўрилади. Аммо, бу қоидадан ХПКнинг 29-моддасида бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги ишлар мустасно бўлиб, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойдаги судда кўрилишини назарда тутади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар қарздор жойлашган жойдаги хўжалик судининг судловига тегишли.

**Назорат саволлари.**

1. Судловлилик билан тааллуқлилик ўртасидаги фарқни ажратинг.
2. судловлиликка таъриф беринг.
3. Судловлиликнинг қандай турларини биласиз?

4. Турдош судловлилик деганда нимани тушунасиз?
5. Олий хўжалик суди қандай ишларни кўради?
6. Ҳудудий судловлиликка таъриф беринг.
7. Ҳудудий судловлиликнинг қандай турларини биласиз?
8. Танлаш бўйича судловлилик қандай судловлилик?
9. Даъволар бино, иншоот ,ер участкаси жойлашган хўжалик судига тақдим этилиши қандай судловлиликка ҳос?
10. Шартнома бўйича судловлиликнинг ўзтга ҳос ҳусусиятлари нимада?
11. Қарши даъво қайси хўжалик судига тақдим этилади?
12. Қандай судловлиликда иш фақат аризачи турган жойда кўрилади?

## 4-§. Ишларни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш.

ХПКнинг 33-моддасига кўра, хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа хўжалик судининг судловига тегишли бўлиб қолса-да, аввалги хўжалик суди томонидан мазмунан кўрилиши лозимлиги белгиланган.Бу қоидага мувофиқ,судловлилик қоидаларига риоя қилинган ҳолда қабул қилинган ишни бошқа хўжалик судига ўтказилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидани белгилайди.Ҳатто ишни кўриш жараёнида судловлилик ўзгариб қолгани тақдирда ҳам иш шу хўжалик суди томонидан кўриб тугалланиши лозимлиги тўғрисидаги қоидани назарда тутади.

Хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина ўтказишига йўл қўяди. Уларга қуйидаги ҳоллар киради:

1) агар иш судловга тегишлилик қоидасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;
2) агар бир ёки бир неча судьялар рад қилинганидан кейин уларни ушбу судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олиниши керак.

Ишнинг бошқа судга ўтказилиши тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилади. Ажримда ишнинг бошқа судга ўтказилиши сабаблари, важлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмаслиги қонунда ўз ифодасини топган.

Тааллуқлилик қоидаларига риоя қилиш лозимлиги ҳақида олдинги мавзуларимизда гапириб ўтган эдик. Қонунчилик, худди шунингдек, судловлилик қоидаларига ҳам риоя этилиши лозимлигини тақозо этади.

Судловлилик қоидаларига риоя қилмасдан тақдим этилган даъво аризаларининг қайтарилишига олиб келади. Аммо тааллуқлиликдан фарқли равишда, судловлиликда даъво аризасини қабул қилишни рад этилмайди,балки қайтарилади. Даъво аризасининг қайтарилиши процессуал маънода яна хўжалик судларига мурожаат этиш ҳуқуқини инкор этмайди.

**Назорат саволлари.**

1. **.**Судловлилик қоидаларига риоя қилинган ҳолда қабул қилинган иш бошқа хўжалик судига ўтказилиши мумкинми?
2. Қандай ҳолларда ишларни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга йўл қўйилади?
3. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказилиши қандай расмийлаштирилади?
4. Судловлилик қоидасига риоя этилмаганда қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиқади?
5. Судловлиликни тааллуқлиликдан қандай фарқлаш мумкин?
6. Судловлилик қоидасига риоя этмаган ҳолда тақдим этилган даъво аризаси қайтарилгандан кейин яна қайтадан хўжалик судига тақдим этилиши мумкинми?

## 4 - БОБ. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат ва унинг субъектлари.

### 1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат тушунчаси, унинг таркиби (элементлари).

Давлат ва ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳуқуқий муносабат деб, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Бу муносабат иштирокчилари субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўладилар.

Хўжалик судлари ўзининг зиммасига юклатилган одилсудловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият жараёнида хўжалик процессининг бошқа иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Бу муносабатлар хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатлар деб аталади.

Бундай ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос ҳусусиятлари билан бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради. Бу ҳусусиятлар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларда хўжалик суди албатта иштирок этади.Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат хўжалик суди иштирокисиз вужудга кела олмайди. Процесснинг барча иштирокчилари фақат хўжалик суди билангина муносабатга киришади. Аммо, бу муносабатлар суд билан процесснинг барча иштирокчилари ўртасида бир вақтнинг ўзида вужудга келмайди. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатлар хужалик суди (хўжалик суди судьяси) билан процессда иштирок этувчи барча шахслар ўртасида иқтисодий низоларни ва бошқа ишларни кўриш ва ҳал қилиш, суд хужжатларини қайта кўриш ва уларни ижро қилиш жараёнида вужудга келади.

**Иккинчидан,** ишда иштирок этувчи шахслар ўзаро моддий-ҳуқуқий муносабатда бўлиши мумкин.Шу билан бир вақтда улар хўжалик судини четлаб туриб ўзаро хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатга кириша олмайдилар.

**Учинчидан,** хўжалик процессуал муносабатларда процесснинг барча иштирокчилари фақат суд билан процессуал муносабатларда бўлсалар ҳам, аммо бу холат ягона бир бутун процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди.

**Тўртинчидан,** хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларда асосий субъект бўлиб кўрилган хўжалик судининг одилсудловни амалга оширувчи субъект сифатидаги фолияти қонун хужжатларида белгилаб қўйилган. Хўжалик суди ва процессининг бошқа иштиокчилари ўртасидаги муносабатлар ҳам қонун хужжатлари доирасида, асосан хўжалик процессуал кодекс воситасида тартибга солинади. Демак, хўжалик судларининг манфаатлари процессуал ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектлари манфаатларига зид келмайди.

**Бешинчидан**, хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатлар процессуал нормалар асосида вужудга келади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби, хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳам юридик фактлар асосида

вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади.

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топган: хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг **объекти, мазмуни ва субъекти.**

**Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг объекти** бўлиб**,** бу муносабат нимага қаратилган бўлса, шу унинг объектини ташкил этади. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг **объектини** корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг иқтисодиёт соҳасидаги бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг ҳимоя қилиниши ҳисобланади.

**Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини** бу муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади.

Хужалик процессуал қонунчилик хўжалик суди ва процесс иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни қатъий белгилаган ҳолда, процесснинг ҳар бир иштирокчисини мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасига эга қилиб қўйган.

**Назорат саволлари.**

1. Ҳуқуий муносабат нима?
2. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат деганда нимани тушунасиз?
3. Хўжалик ҳуқуқий муносабатнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини айтиб бенринг.
4. Хўжалик суди – хўжалик процессининг асосий субъекти эканлигини қандай асослай оласиз?
5. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзаро муносабати хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат бўла оладими?
6. Хўжалик процессуал ўуқуқий муносабат қандай элементлардан ташкил топган?
7. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муеосабатнинг объекти нима?
8. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни нимадан иборат?

**2-§. Хўжалик процессида субъектлар тушунчаси ва таркиби.**

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат субъекти деганда, шу муносабатнинг иштирокчилари тушунилади**.**

Демак, х**ўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари** бўлиб, унинг иштирокчилари ҳисобланади. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъектларига хўжалик суди ва процесснинг бошқа барча иштирокчилари киради.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларини тўртта гуруҳга ажратилади:

1. Низоларни ҳал қилувчи орган сифатида хўжалик процессининг асосий субъекти бўлган хўжалик судлари.
2. Хўжалик процессининг якунидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлиб, ўзининг ёки ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини ёки қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган ишда иштирок этаётган шахслар (тарафлар,учинчи шахслар, юридик фактларни аниқлаш тўғрисидаги, банкротлик ишлари бўйича аризачилар ва бошқа манфаатдор шахслар).

3. Хўжалик судида ишда иштирок этишни таъминлаб, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг манфаатларини ифода этувчи вакиллар (прокурор,давлат ва бошқа органлар).
4. Хўжалик суди фаолиятига ўзиниг зиммасига юклатилган мажбурияти юзасидан ёрдам берувчи шахслар (вакил, гувоҳ, эксперт, таржимон).

Хўжалик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳар бири хўжалик процессида қатнашишларининг мақсадлари ва асосларига қараб, ХПКнинг 35-моддасида кўрсатилган процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар.. Унга мувофиқ: ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ХПКда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар ХПКда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга ҳам эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

**Назорат саволлари.**

1. Субъект деганда нимани тушунасиз?
2. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари нима?
3. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари ни қандай гуруҳларини биласиз?
4. Прокурор ва бошқа давлат органлари хўжалик процессида ўандай субъект сифатида иштирок этади?
5. Хўжалик процессида ёрдам берувчи шахслар кимлар?
6. Хўжалик процессининг иштирокчилари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

## 3-§. Хўжалик суди хўжалик процессининг иштирокчиси ва хўжалик судининг судьяларини четлаштириш (рад этиш) тартиби.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъекти бўлган хўжалик судларининг асосий вазифаси одилсудловни амалга ошириш ҳисобланади. Хўжалик судлари хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъекти сифатида икки гуруҳга ажратилади:

1. Ишни мазмунан кўриб ҳал қилувчи биринчи инстанция хўжалик судлари. Буларга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди,

қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари киради.

2. Суд хужжатларини қайта кўриш ваколатига эга бўлган хўжалик судлари. Буларга аппелляция, кассация инстанцияси, ишларни назорат тартибида кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати, янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўрувчи инстанция судлари киради.

Хўжалик судлари номидан ишлар судьянинг якка ўзи ёки ҳайъат (учта судьядан кам бўлмаган) таркибида амалга оширилади.

Биринчи инстанция хўжалик судларида ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида эса ҳайъатда кўрилади.

Хўжалик процессида ишларнинг мустақил, қонуний, холисона ва объектив кўрилишини таъминлаш кафолати сифатида ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқлари доирасига судьяни рад қилиш имконияти берилган. Бу қоида ХПК нинг 17-моддасида белгиланган бўлиб,улар қуйидагилардан иборат:

-ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

-шу иш илгари кўрилганда эксперт, таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса;

- ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита, ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Шунингдек ХПК ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьяларнинг киритилишини ҳам таъқиқлайди. Агар юқоридаги асослар мавжуд бўлса, судья ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги аризани бериши шартлиги қонунда белгилаб қўйилган.

Хўжалик суди судьясини рад қилиш учун асос мавжуд бўлган тақдирда ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган суднинг раисига, агар иш ҳайъатда кўрилаётган бўлса, ҳайъат раисига асослантирилган ариза билан мурожаат қилади. Ариза қонун хужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади ва бу аризани қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида ажрим чиқарилади.

## Назорат саволлари.

1. Хўжалик судлари хўжалик процессуал ҳуқуқнинг субъекти сифатида қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Хўжалик судларида ишлар қандай таркибда кўрилади?
3. Биринчи инстанция хўжалик судлари ишни қандай таркибда кўради?
4. Судьяларни рад этиш асосларини белгиланишидан асосий мақсад нимада?
5. Қандай ҳолларда судьяларни рад этиш мумкин?
6. Судьяни рад этиш тўғрисидаги ариза кимга берилади?

## 4-§. Хўжалик процессида тарафлар тушунчаси. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахслар ичида тарафлар алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки низоли муносабат айнан шу шахслар ўртасида вужудга келади. Улар низо предметига нисбатан қарама-қарши бўлган икки тараф сифатида майдонга кириб келади.

Улардан бири **даъвогар** иккинчиси **жавобгар** деб аталади. **Даъвогар** бу ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини суддан илтимос қилиб даъво қўзгатган ёҳуд манфаатини кўзлаб даъво тақдим этилган шахсдир.

**Жавобгар**, яъни даъво юзасидан даъвогарни ҳуқуқ ва қонуний манфаатини бузганлиги учун суд томонидан жавоб бериш учун жалб этилган шахс бўлади..

Хўжалик процессида тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгар сифатида фуқаролар (қонунда белгиланган тартибда тадбиркор мақомини олган) шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари бўлиши мумкин.

Хўжалик процессида даъво фақат даъвогар томонидангина тақдим этилмасдан, балки бузилган ҳуқуқларнинг барча ҳолларда ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонун судда даъво қўзғатиш ҳуқуқини бошқа шахсларга ҳам беради.. Бу шахсларни биз хўжалик процессининг субъектларини гуруҳларга ажратганда, хўжалик судида ишда иштирок этишни таъминлаб, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг манфаатларини ифода этувчи вакиллар сифатида белгилаган эдик(ХПКнинг 43-44-моддалари).

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъекти сифатида тарафлар процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқ қилиб, ўзларига хос ҳуқуқларга эга бўладилар. Жумладан, ХПК нинг 40;132-моддаси қоидаларида белгиланганидек, даъвогар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга ёҳуд даъводан воз кечишга, жавобгар эса даъвони қисман ёки тўла тан олишга ёки рад этишга ҳақли бўлади. Тарафлар жараённинг ҳар қандай даврида ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин.

Суд даъвогарнинг даъводан воз кечишини, жавобгарнинг даъвога икрорлигини башарти, бу ҳаракатлар қонунга хилоф бўлса ёки кимнинг бўлмасин ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди ва тарафларнинг келишув битимини тасдиқламайди.

Хўжалик процессуал қонунчилиги тарафларни процессуал жиҳатдан тенг ҳуқуқлигини кафолатлайди.Тарафлар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан виждонан, инсофли равишда фойдаланишга мажбурлар. Жараённи чўзиш ёки бузиш мақсадида ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар қилинишига суд йўл қўймайди.

**Назорат саволлари.**

1. Тарафлар деганда кимни тушунасиз?
2. Даъвогар ким?
3. Жавобгар ким?
4. Хўжалик процессида кимлар даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин?
5. Тарафларни процесснинг бошқа иштирокчиларидан қандай ажратамиз?
6. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги нимани англатади?

## 5-§. Процессуал шерик иштирокчилик тушунчаси. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш.Процессуал ҳуқуқий ворислик.

Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 37-моддаси ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштирок этиш қоидаларини белгилайди. Хўжалик процессида даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин.Бу процессуал шерик иштирокчилик деб аталади.

Шерик иштирокчилар ишнинг судда юритилишини ўз шерикларидан бирига топширишлари мумкин. Хўжалик суди даъвогарнинг розилигисиз бошқа шахсни жавобгар сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қила олмайди.

Хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиш мумкин.
Даъвогар шахс ҳуқуқининг бузилганлиги ва шу муносабат билан унинг ўзи даъвогар бўлиши ва бу низоли ҳуқуқни бузувчи жавобгар сифатида кўрсатилган шахснинг айнан ўзи жавобгар бўлишлиги хўжалик суди томонидан суд мажлисида, ишни атрофлича, холисона текшириш натижасида аниқланади.

Аммо айрим ҳолларда хўжалик суди процессдаги даъвогарни ёки жавобгар тарафни, ёхуд ҳар иккила тарафнинг ҳам хатолик билан ишга

жалб этилишлари туфайли дахлдор бўлмаган тараф бўлиб топилиши мумкин. Шундай холатларни назарда тутиб ХПК, ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан бошқа дахлдор тараф билан алмаштиришга йўл қўяди.

Суд ишни текшириш вақтида аризани талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан қўзғатилганлигини ёки жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан қўзғатилганлигини аниқласа, дастлабки даъвогарни ёки жавобгарни дахлдор (тегишли) даъвогар ёки жавобгар билан алмаштиришга йўл қўйиши мумкин.

**Ишга дахлдор бўлмаган даъвогар деб**, низоли ҳуқуқнинг ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатнинг ўзига тегишли бўлиши тўғрисида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлмаган даъвогарга айтилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланади.

Хўжалик процессининг муҳим институтларидан бири бўлиб процеесуал ҳуқуқий ворислик ҳисобланади.

Низоли ёки ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган ҳолларда (юридик шахснинг тугатилиши ёки уни қайта ташкил этилиши, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Хўжалик жараёнининг ҳар қандай боскичида процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади.

Ҳуқуқий ворисnúmнинг процессга киришганлигини хўжалик суди тегишли ажрим билан расмийлаштиради.

**Назорат саволлари.**

1. Шерик иштирокчилик ни қандай тушунасиз?
2. Хўжалик суди даъвогарнинг розилигисиз бошқа шахсни ишга жалб қилиши мумкинми?
3. Қандай ҳолларда даъвогар ва жавобгар алмаштирилиши мумкин.
4. Даъвогарнинг даъвогарлигини жавобгарнинг жавобгарлиги қачон ва ким томонидан аниқланади?
5. Ишга дахлдор бўлмаган даъвогар деганда кимни тушунасиз?
6. Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд қандай ҳужжат чиқаради ?

7. Ҳуқуқий ворислик нима?
8. Ҳуқуқий ворисликка қачон йўл қўйилади?
9. Ҳуқуқий ворислик қандай расмийлаштирилади?

## 6-§. Хўжалик процессида учинчи шахслар. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар.

Хўжалик процессида шундай низоли муносабатлар ҳам учрайдики, уларнинг хўжалик судлари томонидан кўриб ҳал этилиши маълум даражада

процессга жалб этилмаган шахсларнинг моддий ҳуқуқига таъсир этиши, ишнинг хўжалик судида ҳал этилиши натижасида уларга нисбатан муайян ҳуқуқ ёки мажбурият вужудга келтирилиши мумкин. Шу туфайли бу шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошланган хўжалик ишига кириб бориши ёки бошланган процессда иштирок қилиш учун хўжалик суди томонидан жалб этилишлари мумкин. Бундай шахслар хўжалик процессида учинчи шахслар деб аталадилар.

Учинчи шахслар манфаатларининг мазмунига ва иш юзасидан чиқарилган қарор билан боғлиқ бўлган оқибатларга қараб иккига:

а) мустақил талаб билан арз қилувчи (мустақил даъво қилувчи) учинчи шахсларга;

б) мустақил талаб билан арз қилмайдиган (мустақил даъволари бўлмаган) учинчи шахсларга ажратилади.

Даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг предметига нисбатан бошқа шахс томонидан шу предмет (нарса)ни ўзига тегишли бўлиши тўғрисида арз қилувчи шахс-мустақил даъво қилувчи учинчи шахс деб аталади[1].

ХПКнинг 41-моддасига асосан низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар, шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган ёки шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустаснодир, деб белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики учинчи шахснинг процессуал ҳолати даъвогарникига тенглаштирилган.

Дастлабки даъвогардан учинчи шахснинг фарқи шундаки, агар даъвогар (аризачи) ишни даъво талаби билан бошласа, учинчи шахс эса бошқа шахс томонидан бошланган процессга кириб келади.

Хўжалик процессига учинчи шахсни иштирок этиш учун жалб қилишдан асосий мақсад, низоли муносабатнинг тўғри ва адолатли ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг битта суд мажлисида ҳимояланиши билан бир-бирига зид

бўлган қарорларнинг қабул қилинишини олди олинади ҳамда суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг вақти тежалади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессида учинчи шахслар кимлар?
2. Учинчи шахсларнинг қандай турлари бор?
3. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар деганда кимни тушунасиз?

4. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар қачонгача ишга киришиши мумкин?
5. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар даъвогардан қандай фарқ қилади?
6. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ишда иштирок этишидан асосий мақсади нимада?

## 7-§. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 42-моддасига мувофиқ, низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришиши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида мулкчилик шаклидан қатъий назар ,корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва тадбиркор фуқароларнинг ишга киришиши ёки жалб қилиниши масаласи хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар суд мажлисида кўриб чиқилиши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахслар сифатида ХПК нинг 35-моддасида белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланадилар.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар процессда тараф бўлиб ҳисобланмайди, шунинг учун даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низонинг предметини тасарруф қилиш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга, яъни даъво

предмети ёки асосини ўзгартиришга, даъво талаби миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли эмас.

## Назорат саволлари.

1. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга тушунча беринг.
2. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар процесснинг бошқа иштирокчиларидан қандай фарқ қилади?
3. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?
4. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тараф сифатида иштирок этиши мумкинми?

# 5- БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССИДА БОШКА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

## 1-§. Хўжалик ишларини судда кўришда прокурорнинг иштирок этиш асослари ва шакли

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳақида фикр юритганимизда, хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг учинчи гуруҳига, хўжалик судида ишда иштирок этишни таъминлаб, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг манфаатларини ифода этувчи шахслар (прокурор,давлат ва бошқа органлар)ни киритган эдик. Бу гуруҳ субъектлар ишнинг пировард натижасидан шахсий моддий-ҳуқуқий манфаатни кўзламайди. Уларнинг ишдан манфаатлари юридик характерга эга бўлиб, умумдавлат ва жамият манфаатларини ифода этади.

Амалдаги хўжалик процессуал қонунчилигимиз низоли ва алоҳида тоифадаги ишларни кўриш жараёнида прокурорга, давлат органлари ва бошқа органлар зиммасига манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатини юклаган.

Бундан ташқари, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи, ХПКнинг 6-моддасида кўрсатилганидек, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар даъво тақдим этишлари мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига биноан прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасидаги барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари,давлат назорати идоралари,ҳокимликлар,шунингдек бўйсунишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар,ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, мансабдор шахслар, шунингдекфуқаролар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назоратни амалга ошириши белгиланган. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 43-моддасида: «Прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига даъво аризаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига эса-тегишинча қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор томонидан ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

қонунда назарда тутилган ёки суд ишга прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт» эканлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокурорнинг хўжалик процессидаги иштирокининг:

а) прокурор томонидан ариза бериш йўли билан иш бошлашини;
б) манфаатдор шахс томонидан қўзғатилган ишни кўришда жараён бошланишидан бошлаб қатнашиши;

в) қонун ва суд томонидан ишда прокурорнинг иштироки шарт, деб белгиланган шаклларини эътироф этиш мумкин.

Демак, прокурор ХПКнинг 6-моддасига мувофиқ ўз ташаббуси билан ишга киришишидан ташқари, суд ташаббуси (қарори) бўйича ҳам, шунингдек қонуннинг маҳсус, тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан ҳам ишга жалб қилиниши мумкин экан.

Прокурор судларда ишни кўриб чиқишда, иштирок этишдаги ўз ҳуқуқ доирасида, ишни судда кўришга тайёрлашда, ишларни биринчи инстанция судида аппеляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишда қатнашиш ишларни кўриб чиқиш вақтида келиб чиққан масалалар юзасидан ўз хулосасини бериш, ҳуқуқига эга.

**Назорат саволлари.**

1. . Хўжалик ишларини судда кўришда прокурорнинг иштирок этиш и қандай мақсадни кўзлайди?
2. Хўжалик судларида прокурорнинг ваколат доираси қайси қонунда ўз ифодасини топган?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига мурожаат этиши мумкин бўлган прокурорни айтинг.
4. Тошкент шаҳар прокурори қайси хўжалик судига мурожаат этиши мумкин?

## 2-§. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки

Давлат органлари ва бошқа органлар қонунларда назарда ҳолларда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган

манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этишлари мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар даъвогарнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Ушбу органларнинг тақдим этилган даъволардан воз кечиши даъвогарни низони мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади (ХПКнинг 44-моддаси).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлат органлари ва бошқа идораларнинг хўжалик процессидаги иштирокининг процессуал ҳуқуқий ҳолати прокурорнинг процессдаги иштирокига ўхшаб кетади, яъни давлат органлари ва бошқа идораларининг хўжалик процессида қатнашишидан мақсад-давлат, ташкилотлар, хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва суд идораларига ҳолисона, қонуний ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқаришда ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади.

Давлат органлари ва бошқа органларнинг хўжалик процессидаги иштирокининг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

а) даъво тақдим этиш орқали;

б) ўз ташаббуси билан иш қўзғатиш орқали.

Иштирок этишнинг биринчи шаклига кўра, улар даъво билан судга мурожаат этиш орқали давлат бошқарув идоралари, муассасалар, корхоналар ҳамда жамоат ташкилотларининг қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Давлат органлари ва бошқа органлар давлат ва жамиятнинг ҳуқуқи ёки қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида маълумот олганларида бу идоралар ўз ташаббуслари бўйича хўжалик ишларини қўзғатишлари ҳам мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар хўжалик процессида иштирок этиш шаклларидан қатъий назар, суддаги субъектлар қаторида муайян процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 34-моддасида санаб ўтилган хўжалик процессининг иштирок этувчи шахслар жумласига бу шахсларни ҳам киритилган бўлиб, улар ҳам хўжалик процессининг барча иштирокчилари каби ХПК нинг 35-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўлиқ фойдаланадилар.

**Назорат саволлари.**

1. Қачон ва қандай мақсадларда давлат органлари ва бошқа органлар хўжалик процессида иштирок этиши мумкин?

2. Давлат органлари ва бошқа органларнинг хўжалик процессидаги иштирокининг қандай шаклларини биласиз?

3. Иштирок этишнинг даъво тақдим этиш шаклига кўра давлат органлари ва бошқа органларнинг хўжалик процессида ги иштирокининг мақсади нимадан иборат?

4. Қачон давлат органлари ва бошқа органлар хўжалик процессида ўз ташаббуслари бўйича хўжалик ишларини қўзғатишлари мумкин?

5. Давлат органлари ва бошқа органлар қандай процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга .

## 3-§. Хўжалик судида одилсудловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар. Судда вакиллик қилиш тушунчаси, асослари ва турлари.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъектларини гуруҳларга ажратган вақтимизда[1],уларнинг тўртинчи гуруҳини хўжалик суди фаолиятига ўзиниг зиммасига юклатилган мажбурияти юзасидан ёрдам берувчи шахслар (вакил, гувоҳ, эксперт, таржимон) ташкил этиши ҳақида гапирган эдик. Хўжалик процессининг бу субъектлари бошқа субъектлардан хўжалик судида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эмасликлари билан ажралиб турадилар, яъни бу шахслар бошқа иштирокчилар каби ўзларининг ёхуд ўзгаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб хўжалик судига мурожаат қилмайди.. Бу шахслар ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқли равишда ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмайдилар. Бу шахслар қонунчиликка мувофиқ ўзларининг зиммаларига юклатилган ваколатларига кўра хўжалик процессида одилсудловни амалга оширишда хўжалик судларига кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади. Буларга: гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар, вакиллар киради.

Хўжалик суди низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳаракатлардан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин. Аммо шуни қайд этиш лозимки гувоҳ сифатида ишга фақат вояга етган, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлган шахсларгина жалб этилиши мумкин.

Гувоҳ ўз кўрсатмалари билан тарафларнинг, учинчи шахсларнинг талабларини ёки раддияларини тасдиқлайдиган ёки рад қиладиган ҳолатларни, яъни юридик фактларни исботлайди. Гувоҳ хўжалик судининг чақирув хати бўйича суд мажлисига келиши ва иш юзасидан ўзига маълум бўлган маълумот ва холатларни маълум қилиши шартлиги қонун хужжатларида белгилаб қўйилган. Гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, кўрсатув беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган (ХПКнинг 46-моддаси)

1.**Қаранг:** дарсликнинг « хўжалик процессида субъектлар тушунчаси ва таркиби» мавзусини

Хўжалик процессининг хўжалик судида одилсудловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслари қаторига хўжалик процессуал қонунчилик **экспертларни** ҳам киритади.

**Эксперт** деб,хўжалик суди томонидан тайинланган хулоса бериш учун махсус билимга эга бўлган шахс тушунилади.

Хўжалик суди иш юзасидан зарур деб топган ҳолларда экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун муайян соҳада махсус билимга эга бўлган шахс эксперт сифатида ишга жалб қилиниши мумкин.Экспертиза ўтказиш топширилган шахс хўжалик суди чақирувига биноан келиши ва қўйилган саволлар бўйича судга холисона хулоса бериши шарт. Зарур бўлган ҳолларда эксперт иш материаллари билан танишиши,хўжалик суди мажлисларида иштирок этиши,саволлар бериши,суддан қўшимча материаллар беришни сўраш ҳуқуқларига эга. Экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, хулоса беришдан бош тортгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик судида одилсудловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар жумласига ХПК **таржимонни** ҳам киритади.

Хўжалик процессининг муҳим тамойилларидан бири бу миллий тил принципи ҳисобланади. Бу тамойилнинг асосида хўжалик процессида иштирок этувчи ҳар бир шахс ўзининг она тилида сўзлашиши, давлат тилини ёки суд мажлиси олиб борилаётган тилни билмагани тақдирда, таржимон билан таъминланиши шартлиги қонунчиликда белгиланган.

**Таржимон-**бу суд мажлисида аризалар, кўрсатмалар, илтимосномалар, раислик қилувчининг фармойишлари ва иш бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори, келтирилган материаллар, мазкур иш юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган хўжалик процессининг иштирокчисидир.

ХПК нинг 48-моддасида таржимоннинг процессуал ҳолати белгилаб қўйилган. Таржима қилиш учун зарур тилларни биладиган ,қонунда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган шахс таржимон сифатида ишда иштирок этиши мумкин.Аммо хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари,гарчи таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билсалар ҳам таржимонлик вазифасини ўз зималарига олишларини қонун таъқиқлайди.

Таржимон суднинг чақирувига биноан судга келиши ҳамда таржимани тўғри ва ўз вақтида амалга ошириши шарт. Таржимон бу ҳақда суд мажлиси бошланмасидан олдин огоҳлантирилади.

Таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган.

процессида иштирок этувчи юридик шахслар номидан уларнинг раҳбарлари ёки улар томонидан ваколат берилган шахслар-вакиллар иш юритадилар.

Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаролар суд ишида шахсан қатнашиб туриб, вакилни ҳам ишга жалб этишга ҳақлидир.

Хўжалик судида вакиллик деб, манфаатдор шахсларнинг топшириғига мувофиқ ёки қонунда назарда тутилган асосларга кўра хўжалик процессида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколат берилганлик тушунилади.

Хўжалик процессида вакиллик билан боғлиқ нормалар ХПКнинг 5-бобида ўз ифодасини топган.

қонун хўжалик процессининг ҳамма инстанцияларида кўриладиган хўжалик ишларида вакилларнинг қатнашишига йўл қўяди.

Хўжалик ишлари бўйича процессда қатнашувчи вакил, ваколат берувчининг турли процессуал ҳаракатларини амалга оширади. Вакилнинг ваколатлари ваколат берувчи хўжалик процессининг иштирокчиси томонидан берилган ваколатнома (ишончнома)да кўрсатилган бўлади.

Вакил фақат ваколатномада кўрсатилган ҳаракатларни бажаришга ҳақли. Ваколат берувчи ишда ҳамиша манфаатдор субъект бўлиб кўрилади.

Хўжалик процессида вакилликнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

**қонуний вакиллик**.

**Шартномавий вакиллик**.

**Юридик шахсларнинг вакиллиги.**

Хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини хўжалик судлов ишларини юритишда уларнинг қонуний вакиллари-ота-онаси, фарзандликка олганлар, васий ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. қонуний вакилликни вужудга келиши учун турли юридик фактлар-қариндошлик, фарзандликка олиш, васий ва хомий тайинлаш асос бўлади.

Белгиланган тартибда васийлар ва хомийлар барча муассасаларда, жумладан суд органларида ҳам, махсус ваколатнома олмасдан, васийликда бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

қонунда кўрсатилган ҳолларда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар, агар улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллансалар ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида процессда иштирок этишга ҳақлидирлар.

**Шартномавий (ихтиёрий) вакиллик.** Тарафлар томонидан ихтиёрий равишда белгиланган вакиллик уларнинг, яъни ваколат берувчининг эрклари бўйича белгиланиб, кўпинча топшириқ ёки меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилади.

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш

бўйича судда иш юритишни бошқа шахсга-вакилга топширади.Кўпгина ҳолларда адвакатлар иҳтиёрий вакиллар сифатида хўжалик процессида иштирок этадилар.

**Юридик шахсларнинг вакиллиги.** Хўжалик процессида юридик шахсларнинг вакиллиги уларнинг устави ёки Низом бўйича берилган ваколат доирасида ҳаракат қилувчи органлари ёки уларнинг вакиллари орқали амалга оширилади.

Юридик шахс органи сифатида ишда қатнашаётган ташкилотларнинг раҳбарлари, ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни судга тақдим этадилар. Ташкилотлар номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади (ХПКнинг 51-моддаси).

Ташкилотнинг раҳбари судга ўзларининг хизмат лавозимларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар (ХПК нинг 49-моддаси).

Юридик шахсларнинг кўпчилиги ўзининг таркибида юридик хизматни амалга оширувчи юристконсультларга ҳам эга бўлади. Юридик шахсларнинг ишлари бўйича судда вакиллик қилиш бурчи уларга юклатилади. Процессда юридик шахс вакилининг иштирок этиши хўжалик суди мажлисида ташкилот раҳбарининг ҳам бевосита иштирок этишига тўсқинлик қилмайди.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судида одилсудловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар деганда кимларни тушунасиз?
2. Кўмаклашувчи шахсларнинг ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқини айтинг.
3. Ким гувоҳ бўлиши мумкин?
4. Экспертга таъриф беринг.
5. Хўжалик поцессида экспертиза ўтказиш учун қандай шахс эксперт сифатида ишга жалб қилиниши мумкин?
6. Таржимон деганда кимни тушунасиз?
7. Хўжалик судида вакиллик деганда нима тушунилади?
8. Вакилнинг ваколатлари қандай аниқланади?
9. Хўжалик процессида вакилликнинг қандай турларини ажратиш мумкин?
10. Қонуний вакилликнинг бошқа вакиилликлардан фарқи нимада?
11.. Хўжалик процессида юридик шахсларнинг вакиллиги ким томонидан амалга оширилади ?

## 4-§. Вакилликни расмийлаштириш ва вакилнинг ваколатлари.

Судда вакиллик қилувчи баъзи махсус ҳуқуқларни тарафлар даъвогар, жавобгар, томонидан берилган ваколатномада ифода этилган бўлсагина амалга ошира олади.

ХПК нинг 52-моддасига мувофиқ, хўжалик судида иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлар судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, протест келтириш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш бундан мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Вакилга бериладиган ваколатнинг расмийлаштирилиши тўғрисидаги қоидалар ХПКнинг 51-моддасида берилган бўлиб, унга кўра вакилнинг ваколати қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ваколатномаларда (ишончномада) ифодаланган бўлиши лозим.

Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларидан шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Фуқаро томонидан берилаётган ишончнома нотариал тартибда, шунингдек ишончномани берувчи ишлаётган ёки ўқиётган ташкилот томонидан, яшаб турган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти томонидан ва у даволанаётган стационар муассасасининг маъмурияти томонидан, агар ишончнома ҳарбий хизматчи томонидан берилаётган бўлса-тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ишончномаси тегишли муассасанинг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Адвокатнинг ваколати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессида вакиллик қандай расмийлаштирилади?
2. Вакилнинг ваколатлари доирасини аниқланг.
3. Ташкилот номидан берилган ишончномани ким имзолайди ва бу имзо қандай тасдиқланади?
4. Қандай ҳолларда ишончнома нотариал тартибда имзоланади?

## 5-§. Хўжалик процессида вакил бўла олмайдиган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 53-моддасида хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар кўрсатилган бўлиб, уларга қуйидагилар киритилган:

а) хўжалик процессида вакилликни амалга ошириш учун шахс процессуал муомала лаёқатига эга бўлиши керак,яъни 18 ёшга тўлган,вояга етган бўлиши талаб этилади.Шунинг учун бу ёшга тўлмаган шахс хўжалик судида вакил бўла олмайди;

б) белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд васийлик ёки ҳомийлик тайинланган шахслар;

в) агар судья, терговчи, прокурор ва хўжалик суди аппарати ходимлари , хўжалик суди кўриб чиқаётган низо юзасидан томон бўлиб ҳисоблансаларгина, тегишли равишда суд, прокуратура ва хўжалик судининг вакили ҳамда қонуний вакил сифатида қатнашишга ҳақлидирлар.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар доирасини аниқланг.
2. Процессуал муомала лаёқати нима.
3. Муомалага лаёқатсиз деганда нимани тушунасиз.
4. Қачон судья, терговчи, прокурор ва хўжалик суди аппарати ходимлари хўжалик процессида вакил бўлиши мумкин.

## 6 - БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

### 1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқида исботлаш тушунчаси, унинг предмети. Далиллар тушунчаси.

Хўжалик процессуал ҳуқуқида **исботлаш деб**, Ўзбекистон Республикеаси ХПК га мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик суди томонидан ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган холатларни аниқлаш мақсадида амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг мажмуи тушунилади. Судда низоли хўжалик даъвоси қўзғатилганида, аввало тарафлардан исбот келтириш, яъни даъво талабининг асосли бўлишлигини ёки унинг асоссизлигини исботлаш талаб қилинади. Хўжалик процессида исботлаш воситалари далиллар бўлиб ҳисобланади.

Иш бўйича далиллар тушунчаси ХПК нинг 54-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, ХПК ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи холатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Бундай маълумотлар тарафларнинг баёнотлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

.

Булар ўз навбатида исботлаш воситалари сифатида қонунда белгиланган.

Хўжалик процессуал ҳуқуқида **исботлаш предмети** бўлиб, моддий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган фактлар ва юридик фактлар ҳисобланади. Уларни белгилаш низоли ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш ва ишни мазмунан тўғри ҳал этиш учун зарур хисобланади. Масалан, хўжалик суди қарз шартномаси бўйича пулни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришдан олдин, бундай шартнома ҳақиқатдан бормиди, шартноманинг предмети нимкадан иборат эди,шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати қандайлигини аниқлаштириши лозим.

Хўжалик судлари ишни кўришда тарафлар томонидан келтирилган ёки хўжалик суди ташаббуси билан талаб қилиб олинган далилларга асосланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтирилаётган ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади.

Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақли (ХПКнинг 55-моддаси).




**Назорат саволла**

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқида исботлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Исботлаш воситалари нима?

3. Хўжалик процессида далилларнинг таснифи.
4. Исботлаш предмети нима?
5. Қайси ҳолатларда далиллар исботлашга йўл қўйилади?
6. Қачон хўжалик суди қўшимча далиллар тақдим этишга йўл қўяди?

## 2-§. Исботлашдан озод этиш учун асослар.

Хўжалик процессида қонунчилик айрим ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларни исботлаш мажбуриятидан озод этадиган ҳолатлари мавжуд. Бу асослар ХПК да тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиб, улар иккига: а) ҳаммага маълум деб топилган ҳолатларга; б) аввалдан аниқланган фактларга бўлинади.

ХПКнинг 60-моддасида ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб топган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас деб кўрсатилиши билан хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, ҳудди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни судда кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун, умумий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурий эканлиги ҳамда жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги бўйича хўжалик суди учун мажбурий эканлиги юқорида кўрсатилган қоидада ўз ифодасини топган.

Исботлашдан озод қиладиган асосларнинг яна бир тури ҳуқуқ фанида белгиланган юридик фараз (юридическая презумпция) деб аталади. Юридик (ҳуқуқий) фараз деганимизда, ҳуқуқ нормаси билан белгиланган, муайян ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган ва тарафлардан бирини фараз қилинган фактик исботлашдан озод қиладиган асосни тушунамиз. Масалан, бир шахс (фуқаро ёки ташкилот) бировнинг ғайриқонуний ҳаракати туфайли зарар кўрса, шу шахс (даъвогар) зарар учун жавобгар бўладиган шахс ҳаракатида айб бўлиш-бўлмаслигини исботлашдан озод бўлади.

Фуқаролик процессидаги каби худди шундай қоида шартнома мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий меъёрларда ҳам белгиланган. Агар шартнома бўйича олинган мажбурият бажарилмаса, ёки лозим даражада бажарилмаса, бунинг учун айбли бўлган шахс мулкий жавобгар булади. Бундай шахс мажбуриятни бажармаслигида айби йўқлигини исботласагина жавобгарликдан озод қилинади[1].

### Назорат саволлари.

1. Исботлашдан озод этиш асосларини сананг
2. Ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлар деганда нимани тушунасиз?

3. Юридик фараз деганда нимани тушунасиз?
4. Қайси ҳолатларда далиллар таъминланади?

## 3-§. Далилларнинг таснифи (классификацияси).

Олдинги мавзуларимизда далилларга таъриф берганимизда, далил- бу қонунда кўрсатилган исботлаш воситалари орқали суд томонидан олинган маълумотлардир, деб айтган эдик. Суд томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган исботлаш воситаларига, яъни далилларга қуйидагилар киради:

-тарафлар ва учинчи шахсларнинг баёнотлари;

-гувоҳларнинг кўрсатувлари (иш быйича маълумотларга эга былиш);

-ёзма далиллар (хужжатлар, шартномалар, факс ва далолатномалар);

-ашёвий далиллар (низо быйича буюм, нарса, предмет ва мащсулотлар);

-экспертларнинг хулосалари.

Далилларни вужудга келиш манбаларига қараб **шахсий** ва **ашёвий далилларга** бўлинади.

**Шахсий далилларга:**

**а)** тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари;

б) гувоҳларнинг кўрсатувлари;

в) экспертларнинг ҳулосалари киради.

**Ашёвий далилларга** кўриладиган иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлган ашёлар киради.

Далиллар ифодаланиш шаклига қараб:

оғзаки;

ёзма ;

ашёвий далилларга бўлинади.

Далиллар тузилиши ва пайдо бўлишига қараб:

-дастлабки;

-ҳосила далилларга бўлинади.

Далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб далиллар тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Хўжалик процессида исботлаш воситаси бўлган тарафлар ва учинчи шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма далиллар, ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосаларининг процессуал ҳолати Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 6-бобида ўз ифодасини топган.

**Назорат саволлари.**

1. Далиллар деганда нимани тушунасиз?
2. Далилларга нималар киради?
3. Далилларни вужудга келиш манбаларига қараб турларини айтинг.
4. Шахсий далилларга нималар киради?
5. Ашёвий далилларга нималар киради?

6. Далиллар ифодаланиш шаклига қараб қандай турларга бўлинади?
7. Далиллар тузилиши ва пайдо бўлишига қараб қандай турларга бўлинади?

## 4-§. Далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилишлиги.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 58-моддасида далилларнинг даҳлдорлигига оид қоида белгиланган бўлиб, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларнигина кўриш учун қабул қилади, деб кўрсатилган.Бу норма ХПКнинг 55,70-моддаларида ифодаланган нормалар билан боғлиқ.Буларда ёзма ёки ашёвий далилни тақдим этадиган гувоҳни чақиртиришни ёки уни талаб қилиб олишни илтимос қилган шахс қайси ҳолатлар гувоҳ томонидан тасдиқланиши ёки ёзма ҳамда ашёвий далиллар билан тасдиқланишлигини кўрсатишга мажбур.

Суд нафақат, тарафлар томонидан келтирилган далилларни қабул қилиш-қилмаслик масаласини, балки қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосларни ҳал қилишда ҳам бу қоидага амал қилади. Бу қоиданинг моҳияти шундан иборатки, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларнигина далил сифатида қабул қилади ва текширади.

Далилларнинг дахлдорлиги масаласини тўғри ҳал қилиш-оз куч , кам вақт ва маблағ сарфлаб, ишнинг барча ҳолатларини тўла, холисона ва объектив аниқлаш имконини беради.

Судья ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш босқичида ХПК нинг 122-моддаси), процессда иштирок этиш учун таклиф қилинадиган шахсларни белгилаш билан бирга ишга дахлдор, иш учун зарур бўлган ҳужжатларнигина қабул қилиб ишга қўшади.

Далилларнинг ишга дахлдорлиги  масаласини судья якка ўзи ҳал қилади. Аммо, бу тўғридаги таклифлар суд мажлисида коллегиал кўрилса, қонунда кўрсатилган ҳолда масала коллегиал тартибда ҳал қилинади ва бу тўғрида ажрим чиқарилади. Суднинг далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 59-моддасида далилларга йўл қўйилиши тўғрисидаги қоида белгиланган. Бунда, ишнинг ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлса, бошқа далиллар билан тасдиқлаш мумкин эмаслиги айтилади.

Бу қоиданинг моҳияти шундан ибортки, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар фақат маълум исботлаш воситалари орқали олинган фактлар билангина тасдиқланиши мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда муайян ёзма ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин бўлган ҳолатлар бошқа исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас, хусусан, юк ташиш шартномасига мувофиқ,

юкни қабул қилиб олувчи юк ташувчи томонидан  ташиладиган юк йўқотилганлигини ёки кам келтирганлигини улар ўртасида тузилган шартнома ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаши шарт бўлади. Бунда, масалан, гувоҳларнинг оғзаки кўрсатмалари далил бўла олмайди.

**Назорат саволлари.**

1. Суд томонидан қандай далиллар қабул қилиб олиниши мумкин?

2. Далилларнинг дахлдорлиги масаласи қандай аҳамиятга эга?
3. Далилларнинг ишга дахлдорлиги масаласини ким ҳал қилади?
4. Далилларга йўл қўйилиши тўғрисидаги қоиданинг моҳияти нимадан иборат?

## 5-§. Далилларни таъминлаш.

Далилларни таъминлаш масаласи манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Далилларни таъминлаш маълум ҳуқуқий муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни бузилиши ёки йўқолиб кетиш хавфи бўлган тақдирда шу борадаги айрим тўсиқларни бартараф этишни кўзда тутади.

ХПКнинг 72-моддасида кўрсатилганидек, зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар ишни юритишга қабул қилган хўжалик судидан шу далилларни таъминлашни илтимос қилиши мумкин.

Ариза далилларни таъминлаш учун процессуал ҳаракатлар қилиниши лозим бўлган жойдаги хўжалик судига топширилади.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқлаш учун бу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, уларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Далилларни таъминлаш тартиби ХПКнинг 73-моддасида белгиланган бўлиб, хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

**Далилларни таъминлаш чоралари**




Ишда иштирок этувчи шахслар далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Далилларни таъминлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

**Назорат саволлари.**

1. Далилларни таъминлашнинг мақсади нимадан иборат?
2. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимос ким томонидан қилиниши мумкин?
3. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза қаерга тақдим этилади?
4. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада нималар кўрсатилиши лозим.
5. Далилларни таъминлаш тўғрисида суд қандай хужжат қабул қилади?

## 7 - БОБ. СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАР.

### 1-§. Суд харажатлари тушунчаси ва унинг турлари. Давлат божи ва уни тўлаш тартиби.

Хўжалик процессида суд харажатлари – ишни хўжалик судида кўриш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, тарафларга ва учинчи шахсларга юкланадиган пул суммасидир.

Хўжалик процессида суд харажатларининг мақсадлари қуйидагилардан:

-давлатнинг хўжалик судларига тааллуқли низоларни ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларини қисман қоплашдан;

-хўжалик судларига асоссиз мурожаат этиш ҳолатларини олдини олишдан;

-низонинг келиб чиқишида айбдор бўлган томонни жазолашдан иборат.

Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинланган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд харажатларининг икки турга ажратамиз:

1. Давлат божи.
2. Ишни кўриш ва суд хужжатларини юбориш билан боғлиқ чиқимлар.

Давлат божи судлар томонидан хўжалик ишини юритилиши муносабати билан қилинадиган харакатлар учун олинадиган ҳақ бўлиб кўрилади.

Давлат божининг миқдори қонун билан белгиланган бўлиб, қоида бўйича даъво қиймати, яъни даъвогарнинг мулкий манфаатининг пул билан ифодаланган суммаси миқдорига боғлиқ бўлади.

Ишнинг судда кўрилиши ва суд ҳужжатларини юборилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг иккинчи қисмини суд чиқимлари ташкил қилади. Уларга: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказиш,гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган ва бошқа харажатлар киради.

Давлат божи хўжалик судида ишни қўзғатиш учун тўланиши зарур бўлган тўлов бўлса, суд чиқимлари эса, манфаатдор шахсларни айрим ҳаракат ва талабларини бажариши билан боғлиқдир.

Агар давлат божи қонунда қатъий белгиланган бўлса, суд чиқимлари эса даъво қийматига боғлиқ бўлмай бажарилган сарф харажатларга асосан ундирилади. Булардан ташқари давлат божи давлат бюджети ҳисобига ундириладиган бўлса, суд харажатлари (чиқимлари) суднинг депозит ҳисобига тушадиган маблағ бўлиб ҳисобланади ва қонунда кўрсатилган тартибда сарф қилинади.

**Давлат божининг** миқдори ва унинг тўланиши тартиби Ўзбекистон Республикаси ХПК ва «Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгилаб қўйилган.

Давлат божининг миқдори унинг қиймати суммасига қараб белгиланади.

ХПК нинг 91-моддаси қуйидагилар учун давлат божи тўланишини кўрсатади, жумладан:

- даъво аризалари;
- ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар;
- низо предмети юзасидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалар;

- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;

- хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари;

- ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш варақасини бериш тўғрисидаги ариза;

- ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари.

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади, даъвогар кўрсатган қиймат даъво қилинаётган нарсанинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлмаса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

ХПКнинг 92-моддасига кўра даъвонинг баҳоси қуйидагича аниқланади:

10) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича-ундириладиган суммага қараб;

11) ижро этиш ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича-низолашаётган суммага қараб;

12) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича-шу мол-мулкнинг қийматитига қараб;

13) ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича-ер участкасининг белгиланган баҳода, баҳоси бўлмаса-бозор баҳосида чиқарилган қайматига қараб.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка (жарима, пеня) суммалари ҳам киритилади.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у хўжалик суди томонидан белгиланади (ХПКнинг 92-моддаси).

Хўжалик судларида кўриладиган ишлар бўйича давлат божи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарорига  мувофиқ қуйидаги миқдорларда белгиланган:

а) мулкий тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳоси: 1 млн. сўмгача бўлганда-даъво баҳосининг уч фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

1 млн. сўмдан ортиқ 10 млн. сўмгача бўлганда-даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида;.

10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда – даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида;

б) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан , шу жумладан , корхоналар  ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан,

шунингдек жамоа хўжаликларининг, ҳусусий корхоналар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат ташкилотлари халқаро бирлашмаларнинг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан-энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;

в) банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги аризалардан- энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида;

г) хўжалик шартномаларини тузиш,ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан –энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;

д) хўжалик суди қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаларидан-биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида, мулкий тусдаги низолар бўйича эса-талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдорида;

е) хўжалик суди ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатлари ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан хўжалик судлари томонидан ишларни бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун-ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

Даъвони қўзгатган пайтда унинг қийматини белгилаш қийин бўлса, давлат божини миқдорини судья тахминан белгилайди.

**Назорат саволлари.**

1. Суд харажатлари нима?
2. Хўжалик процессида суд харажатларининг мақсадлари нималардан иборат?
3. Суд харажатларининг турлари
4. Давлат божи нима?
5. Давлат божининг миқдори қандай аниқланади?
6. Суд чиқимлари нима?
7. Қачон давлат божи тўланади?
8. Давлат божи ставкалари қайси қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади?

## 2-§. Давлат божини қайтариш учун асослар.

ХПК нинг 93-моддасида давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтарилиши лозимлиги белгиланган бўлиб, хўжалик судининг

ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади, деб айтилган.

Давлат божи тўланган, лекин хўжалик судига келиб тушмаган ёки у қайтарган аризалар, апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилади:

-низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилганда ва даъвогар ушбу тоифадаги ишлар учун низони судгача ҳал қилиш(талабнома юбориш)ни белгиланган тартибига риоя этмаганлиги сабабли даъво кўрмасдан қолдирилганда;

-давлат божи жавобгардан давлат фойдасига ундирилиб бўлгандан кейин суд қарори тегишли тартибда бекор қилинган бўлса.

Давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар хўжалик судининг ҳал қилув қарори. ажрими,қарорида кўрсатилади.

Қонунчилик алоҳида ҳолларда, даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, суд  давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли эканлигини белгилайди.

Олдинги мавзуларимизда суд харажатларига ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ чиқимларни киритган эдик.

Уларга  қонун: суд хужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари, эксперт, гувоҳ, таржимон, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланадиган суммаларни киритади.

Қонунда кўрсатилганидек, экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга хўжалик судига келиш билан боғлиқ бўлган йўлкира, уй-жой ижараси ҳаражатлари ва кундалик ҳаражатлар учун ҳақ тўланади.

Экспертлар ва таржимонлар хўжалик судининг топшириғи билан бажарган иш уларнинг хизмат вазифаси доирасига кирмаса, улар бу иш учун ҳақ оладилар.

Хўжалик судига гувоҳ сифатида чақирилган фуқароларнинг судга келиши туфайли йўқотилган вақт билан боғлиқ харажатлари қопланади.

Ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган суммани хўжалик судининг депозит ҳисоб варағига олдиндан ўтказилади. Агар иккала томон илтимос билан мурожаат қилган бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказадилар. Агар қўшимча экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма экспертга суд томонидан депозит ҳисобидан тўланади. Бу сумма ишда иштирок этувчи шахслардан ХПКнинг 95-моддасига мувофиқ ундирилиб, суднинг депозит ҳисоб варағига ўтказилади. Экспертларга, гувоҳларга ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар хўжалик суди томонидан улар ўз вазифаларни бажарганларидан кейин тўланади.

Тўлаш тартиби ва тўланиши лозим бўлган суммалар миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади (ХПКнинг 94-моддаси).

**Назорат саволлари.**

1. Қайси ҳолатларда давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилади?
2. Суд ҳужжатлари бўйича давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилиши учун нима асос бўлади?
3. Давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учу насос бўлувчи ҳолатлар нималарда кўрсатилади?
4. Суд  давлат божини тўлашни кечиктириши мумкинми?
5. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга қандай ҳолларда суд томонидан ҳақ тўланади?

**3-§. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш.**

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика

бюджети даромадига ундирилади.

Агар низо ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган ҳужжатларни жунатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг натижасидан қатъи назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида ўзаро келишсалар, хўжалик суди шу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти беришлари билан боғлиқ суд харажатлари юқорида баён қилинган қоидаларга мувофиқ тақсимланади (ХПКнинг 95-моддаси).

Хўжалик суди томонидан тайинланган экспертиза ўтказилганлиги, гувоҳларни чақиртириш учун тўланадиган суммалар, далилларни ўз жойида бориб кўздан кечириш, суд ҳужжатларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш қоидалари давлат божи бўйича харажатларни тақсимлаш тўғрисидаги қоидалар билан бир ҳилдир.

**Назорат саволлари.**

1. Суд харажатлари тарафлар ўртасида қандай тақсимланади?

2. Суд харажатларидан тарафлар озод қилиниши мумкинми?
3. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзаро келишсалар хўжалик суди қандай ҳаракатларни амалга оширади ?
4. Далилларни ўз жойида бориб кўздан кечириш билан боғлиқ харажатлар ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида қандай тақсимланади?

## 4-§. Суд жарималари тушунчаси. Суд жарималарини солиш учун асослар

Суд жарималари –хўжалик процессуал қонунчилик нормаларини бузган шахсларга нисбатан хўжалик судлари томонидан қўлланиладиган пул жазосидир

Суд жарималари хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ва миқдорда республика бюджетига ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси ХПКга мувофиқ қуйидаги ҳолларда:

- агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача; (ХПКнинг 56-моддаси);
- даъвони таъминламаганлиги учун баҳоланадиган даъволар бўйича-даъво баҳосининг эллик фоизигача (ХПКнинг 77-моддаси);
- баҳоланмайдиган даъволар бўйича-энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача (ХПКнинг 77-моддаси);
- ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда( ХПК нинг 218-моддаси 1-банди);
- ижро варақада кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача (ХПКнинг 218-моддаси 2-банди) миқдорда суд жарималари қўлланилади.

Жариманинг миқдорини белгилашда хўжалик суди ишни ҳолати, низонинг тури, ҳаракатнинг оғир-енгиллигини инобатга олиши лозим.

Жарима солиш масаласи хўжалик судининг мажлисида ҳал этилади.

Жарима солиш масаласи кўрилаётган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган баюртма хат орқали хабар қилинади. Тегишли тарзда берилган шахснинг келмаслиги жарима солиш масаласини кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик судининг жарима солиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

**Назорат саволлари.**

1. Суд жарималари нима?

2. Суд жарималари қайси ҳолатларда ундирилади?
3. Суд жарималарини солиш тартиби қандай?
4. Жариманинг миқдорини аниқлашда суд нималарга эътиборни қаратиши лозим?
5. Жарима солиш қандай хужжат асосида расмийлаштирилади?

## 5-§. Суд жарималарини солинганлиги устидан шикоят қилиш тартиби.

Хўжалик суди томонидан жарими солиш тўғрисида чиқарилган ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.0

Жарима солиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими асосида ижро варақаси қарздор,яъни жарима солинган ташкилот жойлашган жойдаги солиқ органига юборилади. Агар ундирув фуқарога нисбатан қаратилган бўлса,суд ижрочисига берилади ва жарима мажбурий равишда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 101-моддаси 4-бандида хўжалик судининг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкинлиги белгиланган. Бунда шикоят (протест) апелляция инстанциясига келтирилади

Худди шу тартибда кассация ва назорат тартибида қайта кўрилишига йўл қўйилади.

**Суд харажатлари таркиби**

**Давлат божи**

**Ишни куриш билан боглик чикимлар**

**Хужалик суди тайинлаган экспертизани утказиш учун туланадиган сумма**

**Гувохни чакириш учун туланиши лозим булган сумма**

**Далилларни уз жойида куздан кечириш учун туланиши керак булган сумма**

| |
|---|
| **Суд хужжатларини юбориш билан боглик булган почта харажатлари** |

**Назорат саволлари.**

1. Суд жаримасини солинганлиги устидан шикоят қилиш тартиби қандай?
2. Суд жарималари қандай ундирилади?
3. Жаримани ундириш тўғрисидаги ижро варақаси қайси органга юборилади?
4. Фуқароларга нисбатан суд жаримасининг қўлланилиш тартиби қандай?

## 8 – БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

### 1-§. Процессуал муддатлар тушунчаси, турлари ва аҳамияти.

Хўжалик процессуал муддатлар-бу хўжалик судлов ишларини юритиш, хўжалик суди қарор(ажрим)ларини қайта кўриш,суд ҳужжатларини ижро этиш алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ қонунда ёки хўжалик суди томонидан белгиланган муддатлардир.

Хўжалик судлов ишларида қўлланиладиган муддатларни икки турга ажратиш мумкин:

- **қонун билан белгиланган муддатлар** (хўжалик суди учун, ишда иштирок этувчи шахслар учун, ишда иштирок этмайдиган шахслар учун);
- **хўжалик суди томонидан белгиланадиган муддатлар** (ишда иштирок этувчи шахслар учун, ишда иштирок этмайдиган шахслар учун).

Хўжалик судлари учун қонун билан белгиланган муддатларни ўз навбатида:

низоларни ҳал қилиш;

ишларни қайта кўриш (апелляция, кассация шикояти(протести)ни.суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни кўриш учун );

алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш (суд топшириғи тўғрисидаги ажримни ижро этиш учун ўн кунгача; даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун, даъвони кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ажримни чиқариш учун ўн кунлик; тарафларга ажрим, ҳал қилув қарори, қарорни юбориш учун белгиланган беш кунлик танаффус учун – уч кунлик) муддатларига ажратиш мумкин .

**Ишда иштирок этувчи ва ишда иштирок этмайдиган шахслар учун қонунда белгиланган муддатлар:**

суд буйруғи бериш тўғрисидаги кредиторнинг аризасига қарздорнинг ёзма фикр билдириши учун белгиланган ўн кунлик ;

қарздор суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш учун белгиланган ўн кунлик ;

апелляция ва кассация шикоят(протест)и келтириш учун белгиланган бир ойлик;

суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани тақдим этиш учун белгиланган бир ойлик;

ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган олти ойлик муддатларга бўлинади.

**Хўжалик суди томонидан белгиланадиган муддатлар,** амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар учун, ишда иштирок этмайдиган шахслар учун муайян процессуал ҳаракатларни

бажаришлари талаб этилган ҳолатларда белгиланади.Масалан, ишни кўришни кейинга қолдирилганда, хўжалик суди далилларни тақдим этиш муддатини аниқлаштириши лозим.

қонунчилик хўжалик судларида ишлар тўғри ва ўз вақтида кўрилиши лозимлигини белгилайди.

Хўжалик судларида ишларнинг ўз вақтида кўриб ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга.Хўжалик ишларининг ўз вақтида кўрилиши билан аввало,давлат органи бўлган хўжалик судининг зиммасига юклатилган одилсудловни амалга ошириш функцияси бажарилиб, Конституция билан кафолатланган суд ҳимояси таъминланади; бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар тикланади; хўжалик муносабатларидаги қонун бузилишига барҳам берилиб, охир оқибатда иқтисодиётга етказилган зарар қопланади.

Процессуал муддатлар қонун билан ёки суд томонидан белгиланганлигидан қатъий назар кунлар, ойлар ва йиллар билан ҳисобланади.

Одатда процессуал ҳаракатлар бажарилиши мумкин бўлган давр эътиборга олиниб, аниқ календарь куни билан белгиланади. Шу билан бирга бошқача тарзда ҳам белгиланиши мумкин, масалан, ХПКнинг 96-моддасида кўрсатилганидек, албатта содир бўлиши мумкин бўлган воқеани ёки ҳаракатни кўрсатиб ёҳуд муайян даврни кўрсатиб белгилаши мумкин.

Айрим ҳолларда процессуал ҳаракатларни бажариш вақти суд томонидан аниқ календарь санасини кўрсатиш, масалан, иш кўриладиган кунни ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш кунини кўрсатиш йўли

билан белгиланади. Муддатларнинг бундай аниқ кўрсатилиши тарафларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайёрланиш имкониятини ҳам беради. Процессуал муддатларни ҳисоблаш қоидаси ХПКнинг 96-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, процессуал муддатлар йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланади. Бу муддатнинг ўтиши белгиланган календарь кунининг эртасидан ёки воқеа содир бўлган куннинг эртасидан бошланади.[1]

ХПК нинг 97-моддасига мувофиқ, йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охирги йилининг тегишли ойи ва кунида тамом бўлади. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддатнинг охирги ойи ва кунида тамом бўлади. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охирги кунида, масалан, февраль ойининг 28 ёки 29 кунида тамом бўлади.

Муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолда, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни деб ҳисобланади. Процессуал ҳаракат белгиланган муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин.

Агар ариза, шикоят, ҳужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг оҳирги куни соат йигирма тўртгача почта ёки телеграфга топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Процессуал ҳаракатлар хўжалик судининг ўзида бажарилиши лозим бўлса, хўжалик суди учун белгиланган иш вақти тугайдиган соатда муддат тамом бўлган деб ҳисобланади.

Процессуал муддатларга узрли сабабларсиз риоя қилмаслик муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессуал муддатларга таъриф беринг.
2. Хўжалик судлов ишларида қўлланиладиган муддатларнинг турларини айтинг.
3. Қонун билан белгиланган муддатлар деганда нимани тушунасиз?
4. Суд томонидан белгиланган муддатлар қандай муддатлар?
5. Процессуал муддатлар қандай ҳисобланади?
6. Процессуал муддатларга риоя қилмаслик қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

## 2-§. Процессуал муддатларни тўхтатиш, тиклаш ва узайтириш учун асослар.

ХПК нинг 98-моддасига мувофиқ, иш юритиш **тўхтатиб турилиши** билан ўтиб кетмаган барча процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтатиб

[1] Шоращметов Ш.Ш.Ызбекистон Республикаси хыжалик процессуал щу=у=и.Дарслик.Т.: «Адабиёт жам\армаси»,2001 й.84-б.

турилади. Бу ҳолда муддат тўхтатилишининг бошланғич пайти хўжалик ишининг тўхтатилиши тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши ёки кучга кириши вақти бўлмасдан, балки ишнинг тўхтатилиши учун асос бўлган холатларнинг вужудга келиши факти ҳисобланади.

Хўжалик ишини юритилиши тикланган кундан бошлаб процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади. Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабаблар билан ўтказиб юборган бўлсалар, бу муддат тиклаб берилиши мумкин. Бунинг учун ишда иштирок этувчи шахснинг ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаб бериш тўғрисидаги хўжалик судига йўллаган аризаси асос бўлиб хизмат қилади.

Муддатнинг ўтказилиши сабаби ишнинг конкрет холатларига қараб, суд томонидан узрли деб топилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат қилиниши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва суд мажлисида иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда муддат қайси ҳаракатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, ўша ҳаракат қилиниши лозим ёки муддат қайси

ҳужжатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, шу ҳужжат берилиши лозим.

Процессуал муддатнинг узайтирилиши бу муайян процессуал ҳаракатлар қилиш учун янги муддатнинг тайинланишидир, суд томонидан тайинланган муддатлар ҳам узайтирилиши мумкин.

**Назорат саволлари.**

1. Процессуал муддатларни тўхтатиш, тиклаш ва узайтириш учун нима асос бўлади?
2. Процессуал муддатларининг ўтиши қачондан бошланади?
3. Процессуал муддатни тиклашга нима асос бўлиб хизмат қилади?
4. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза қайси хўжалик судига берилади?
5. Процессуал муддатнинг узайтирилиши нимани англатади?

## 9 – БОБ. Даъво тушунчаси ва элементлари. Даъво қўзғатиш ҳуқуқи.

### 1-§. Даъво тушунчаси, даъво элементлари ва турлари.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларда низолар вужудга келса ва улар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилмаса, ҳуқуқи ваqонуний манфаатлари бузилган тараф хўжалик судига мурожаат этишга ва бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга мажбур бўлади.Бу муносабат ,албатта,даъволи тарзда бўлади.

Бу муносабатда икки тараф иштирок этиб, улар даъвогар ва жавобгар деб аталади.

Даъво ишида муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо ҳал қилинади.Шунинг учун ҳам суд бу процесс давомида даъвогарнинг талаблари ҳамда жавобгарнинг эътирозларини қонуний ва асосли эканлигини текширади. Натижада суд даъвони (даъвогарнинг жавобгарга бўлган талабини) қаноатлантиради ёки қисман қаноатлантиради ёҳуд даъвони қаноатлантирмасдан уни рад этади.

Хўжалик ишлари бўйича даъво икки маънода тушунилиб, -моддий-ҳуқуқий маънодаги даъво, бунда аввало, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий ҳуқуқий талаби бўлиши тушунилади, масалан, пул маблағларини ундириш тўрисидаги талаби;

процессуал- ҳуқуқий маънодаги даъво, бунда даъвогарнинг хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқи тушунилади.

Даъвогарнинг даъво билан судга мурожаат этиши билан хўжалик судида иш қўзғатилишига асос солинади. Аммо процессуал маънодаги бу даъво ҳуқуқи моддий маънодаги даъво ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки хўжалик судида иш қўзғатиш учун моддий-ҳуқуқий талаб (даъво қўзғатиш учун асос) мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда, суд томонидан даъво аризаси қабул қилинишини рад этилиши мумкин

Даъволар икки элементдан иборат бўлиб:

а) даъво предметига;

б) даъво асосига бўлинади. Булар даъвонинг мазмунини ташкил этади.

Даъвонинг предмети даъвогарнинг талаби, яъни уни жавобгардан суд орқали талаб қилинаётган нарсаси бўлади. Даъво предмети бирон-бир нарсани ундириш тўғрисидаги талабдир. Масалан, мулкнинг топширилиши, хизмат кўрсатилиши ёки иш бажарилиши тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий ёки шахсий ҳуқуққа асосланган даъвогарнинг талаби бўлиши мумкин.

Даъвонинг асоси деб даъво талабини тасдиқлайдиган далилларга айтилади. Масалан, тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларини бузилиши, хусусан, сифатсиз маҳсулотнинг етказилиши, муддатнинг ўтказиб юборилиши ва ҳ.к.

Демак даъвони асоси бўлиши учун турли далолатлар эмас, балки фақат юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар асос бўла олиши талаб этилади.

Даъво элементларини аниқ белгилаш орқали, яъни даъвонинг предмети ва асоси бир-бирига мувофиқ келгандагина, хўжалик судларида иш қўзғашга асос пайдо бўлади.

**Даъволар қуйидаги турларга ажратилади:**

а) даъвони мақсади, предмети бўйича даъволар процессуал ҳуқуқий турларга;
б) ҳимояни объекти бўйича-моддий-ҳуқуқий;
в) хўжалик процессида манфаатни ҳимоя қилиш характери бўйича.

Даъвогарнинг қандай мақсадни кўзлашига, нима тўғрисида қарор чиқарилишини суддан илтимос қилишига ҳамда процессуал ҳуқуқий меъзонига қараб, даъволар икки турга:

а) ундириш (масалан,мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини олиши,фойдаланиш ҳуқуқин олиши ва бошқалар);
б) тан олиш тўғрисидаги даъволарга бўлинади.

Тан олиш тўғрисидаги даъво ўз навбатида икки турга бўлинади, жумладан:

а) Ижобий талаб-бунга кўра, даъвогар бирор мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи борлигини сўраб даъво қўзғатади;

б) Тан олиш (эътироф) этишни тан олмаслик, бунга кўра, даъвогар мулкка нисбатан маълум ҳуқуқи мавжудлигини рад этади.

Демак, эътироф этиш даъвосида даъвогар бирор нарсани олиб беришини, ундиришни талаб этмасдан суддан субъектив ҳуқуқини тан олишни ёки тан олмасликни сўрайди[1].

**Назорат саволлари.**

1. Даъво тушунчасини айтиб беринг.
2. Моддий ҳуқуқий маънодаги даъво деганда нимани тушунасиз?
3. Процессуал ҳуқуқий маънодаги даъво деганда нимани тушунасиз?
4. Даъвонинг элементлари 6нимадан иборат?
5. Қачон хўжалик судларида иш қўзғаш мумкин?
6. Даъвонинг қандай турларини биласиз?
7. Тан олиш тўғрисидаги даъволарнинг турларини айтинг.

## 2-§. Даъво талабларини қўшиш ва ажратиш.

Хўжалик процессуал қонунчилик ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча даъво талабларини бирлаштириш масаласини белгилайди. Бундай қоидани белгиланилишидан асосий мақсад, хўжалик судининг битта

---

[1] Батафсил =аралсин. Шоращметов Ш.Ш. Ызбекистон Республикаси хыжалик процессуал щу=у=и.Дарслик.Т.: «Адабиёт жам\армаси»,2001й.88-89-бетлар.

мажлисида  даъвогарнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча талабларни бирлаштириш, бирга кўриш ва ҳал этишдан иборат. Бу билан , биринчидан, ўзаро боғлиқ бўлган низоли муносабатларнинг кўрилиш муддатини қисқартиради,  иккинчидан,ортиқча суд харажатларининг олди олинади.

ХПКнинг 115-моддасида, даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли, эканлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга ушбу моддада, хўжалик суди айни бир шахслар иштирок этувчи  бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга ҳақли эканлигини белгилайди.

Хўжалик суди судьяси бир неча талабларни бирлаштириш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир қаторда,  аризани қабул қилиш вақтида, агар талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечтасини алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Хўжалик суди даъвони бирлаштириш ёки ажратиш тўғрисида ажрим чиқаради.

**Назорат саволлари.**

1. Даъво талабларини қўшишдан мақсад нима?
2. Даъво талаблари қайси ҳолатларда ажратилади?
3. Даъво талабларини қўшиш ва ажратиш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?
4. Даъво талабларини қўшиш ва ажратиш  тўғрисида қандай хужжат чиқарилади?

## 3-§. Даъвога нисбатан жавобгарнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи. қарши даъво тушунчаси.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ҳақида гапирганимизда, хўжалик процессида тарафлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари ҳақида гапирган эдик, яъни хўжалик процессининг тарафлари бўлган даъвогар ва жавобгарга тенг имкониятлар яратилиши лозим. қонунчилик шу нуқтаи назардан, агар даъвогарга бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзгатиш имконияти белгилаган бўлса, жавобгарга эса даъвогарга нисбатан қарши ҳимоя қилиниш воситаларига эга эканлигини белгилайди. Бундай процессуал воситаларга: а) эътироз билдириш ва б) қарши даъво қўзғатиш ҳуқуқларини киритади..

Бундай ҳуқуқни берилиши, хўжалик судлов ишларини юритишнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган  тортишувчилик тамойилининг ҳам таъминланганлигини кафолатлайди.

Жавобгар ўзига нисбатан қўзғатилган даъвони инкор этиши ва бунинг сабаблари (важлари)ни кўрсатиши мумкин. Даъвони бундай асослантирилган равишда инкор этишга эътироз деб айтилади.

Эътирозномада даъвогарнинг низоли ҳуқуқига, даъвогар олдида жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатлар кўрсатилиши мумкин.

Жавобгар манфаатини ҳимоя қилишнинг иккинчи процессуал воситаси қарши даъводир. Эътироздан қарши даъводан фарқи шундаки, бунда даъвогарнинг талабига қарши бошқа бирон-бир моддий-ҳуқуқий талаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 120-моддасига мувофиқ, қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

биринчидан, қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга, (қоплашга) қаратилган бўлиши керак;

иккинчидан, қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;

учинчидан, қарши даъво билан дастлабки даъво талаблари ўртасида ўзаро боғлиқликбўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тез ва тўғри ҳал қилишга ёрдам берган бўлиши керак.

қарши даъволар даъво қўзғатиш тўғрисидаги умумий қоидалар бўйича қўзғатилади. қарши даъво қўзғатилишида, умуман даъвога оид процессуал қоидаларга, чунончи: аризасининг мазмуни, давлат божи ва суд чиқимларининг тўланиши ва хоказолар тўғрисидаги қоидаларга риоя қилинади.

қарши даъво талаблари фақат биринчи инстанция суди томонидан кўрилаётган ишлар юзасидан берилади. Юқори судларда, жумладан аппеляция судларида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

**Назорат саволлари**.

1. Жавобгарнинг даъвогарга нисбатан қарши ҳимояланиш воситаларини айтинг
2. Эътироз билдириш ва қарши даъвонинг фарқи?
3. Қарши даъво қайси ҳолларда қабул қилинади?

## 4-§. Хўжалик судида даъво қўзғатиш тартиби. Даъво аризаси, унинг шакли ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ республикамизда суд ҳимояси кафолатланган.ХПК нинг 1-моддасида, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бу ҳуқуқ хўжалик судларида даъво қўзғатиш орқали амалга оширилади.

Даъво қўзғатиш :

3. манфаатдор шахсларнинг;
4. прокурорнинг;
5. қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган шахслар даъво аризасини хўжалик судига белгиланган шакл ва мазмунда тақдим этишлари билан хўжалик процессига асос солинади ва хўжалик процессининг мустақил биринчи босқичи бўлган судда иш қўзғаш бошланади..

Даъво аризаси ёзма шаклда тааллуқлилик ва судловлилик қоидаларига риоя қилинган ҳолда, ваколатли шахс томонидан имзоланган ҳолда хўжалик судига тақдим этилади. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши талаб этилади:

ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи,уларнинг почта манзиллари;

агар даъво баҳоланилиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;

даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;

ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;

даъвогарнинг қонукн ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бирнеча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса- уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;

низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар,агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига (ХПКнинг 114-моддаси):

белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;

даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусҳаларини юборилганлигини;

низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар киритилган.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

қонун талаб этган бу қоидаларга риоя этилмаган ҳолда тақдим этилган даъво аризалари суд томонидан қайтарилиши учун асос бўлади.

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қилади. Судья даъво аризасини қабул қилиш масаласини ҳал қилаётганда, даъво тақдим этиш учун ҳуқуқнинг мавжудлиги ва бу ҳуқуқни амалга ошириш шартларига риоя этилганлигига эътиборни қаратади ва бунинг натижасида қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

-даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш тўғрисида;
-даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида;
-даъво аризасини қайтариш тўғрисида.

ХПК нинг 116-моддаси қоидаларига мувофиқ қонунда белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилган ва хўжалик судига тақдим этилган даъво аризасини судья хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шартлиги белгиланган.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судида даъво қўзғатиш тартиби қандай?
2. Даъво қўзғатиш кимлар томонидан амалга оширилади?
3. Даъво аризасининг мазмуни нимадан иборат?
4. Даъво аризасига қандай хужжатлар илова қилинади?
5. Даъво аризаси ким томондан имзоланади?
6. Даъво аризасини қабул қилиш масаласини ким ҳал қилади?
7. Даъво аризасини қабул қилиш ёки қилмаслик юзасидан судья қандай хужжат қабул қилиши мумкин?

## 5-§. Даъво аризасини бериш тартибига риоя қилмасликнинг процессуал ҳуқуқий оқибатлари.

Даъво аризасининг ХПК нормаларида белгиланган шаклда ва тартибга риоя қилмаган ҳолда тақдим этилиши даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки даъво аризасини қайтариш учун асос бўлади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва даъво аризасини қайтаришни бир-биридан фарқлаш лозим. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш –бу яна шу даъво аризаси билан қайтадан хўжалик судига такроран мурожаат этиш имкониятини бермайди.

Даъво аризасининг қайтарилиши эса, даъво аризасини тақдим этиш бўйича йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин яна қайтадан хўжалик судига мурожаат этишга йўл қўяди.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари ХПК нинг 117-моддасида белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса;

айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёҳуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;

хўжалик судининг,умумий суднинг ,ҳакамлар судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

айни бир шахслар ўртасидаги ,айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса,хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Даъво аризаси хўжалик суди томонидан қайтарилиши учун қуйидаги ҳолатлар асос бўла олади:

даъво аризаси ХПК да белгиланган шакл ва мазмунга риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилган бўлса;

даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёҳуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасиининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёҳуд илтимоснома рад этилган бўлса;

шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш)тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали олинриши лозим бўлганда жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат

қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвўогардан ариза тушган бўлса.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисида судья томонидан ариза олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан ажрим чиқарилади. Бу ажрим устидан шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Даъво аризасидаги юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин, даъвогар қайтадан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**Назорат саволлари**.

1. Даъво аризасини бериш тартибига риоя қилмасликнинг қандай процессуал ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?
2. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асосларини айтинг
3. Даъво аризасини қайтариш учун қонунда қандай асослар белгиланган?
4. Даъво аризасини қайтариш билан даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ўртасидаги фарқни айтиб беринг.
5. Даъво аризасини қайтариш тўғрисида судья қандай хужжат қабул қилади?
6. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим қандай муддатда чиқарилади?

## 6-§. Даъвони таъминлаш.

Хўжалик судида даъвогар томонидан даъво қўзғатилгандан кейин ёки қўзғатиш вақтида талаб қилинаётган даъво предметининг йўқолиб кетиши ёки йўқ қилиб юборилиши хавфи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ишда иштирок этувчи шахслар суддан даъвони таъминлашни илтимос қилиб ариза бериш ҳуқуқига эга. Даъвони таъминлаш учун бўлган асослар ХПКнинг 76-моддасида белгиланган. . Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросининг қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

ХПКнинг 77-моддасига мувофиқ, қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

3) бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатлар қилишни тақиқлаш;

4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцепсиз) тартибда амалга ошириладиган ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;

5) мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш.

Даъвони таъминлаш чораларини кўришда қонун жавобгарнинг ҳам манфаатларини кўзлаб суд ишида иштирок этувчи шахсларнинг баёнотларини эшитиб, даъвони таъминлаш чораларининг бир турини бошқа тури билан алмаштиришга йўл қўйиш мумкинлигини белгилайди.

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ХПКнинг 78-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

**Назорат саволлари.**

1. Даъвони таъминлашга нималар асос бўлиб хизмат қилади?
2. Даъвони таъминлаш чораларини айтинг
3. Қандай ҳоллада даъвони таъминлаш чораларининг бир турини бошқа тури билан алмаштиришга йўл қўйилади?
4. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримнинг ижро этиш тартиби қандай?

# 10 - БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

## 1-§. Ишни судида кўришга тайёрлаш тушунчаси ва аҳамияти

**Ишни судида кўришга тайёрлаш** хўжалик порцессининг мустақил босқичи ҳисобланади. Бу босқич даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш билан суд муҳокамаси босқичларини ўзаро боғлаб турувчи бўғиндир,унинг мақсади хўжалик низосини тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишини таъминлашдан иборат.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи судья томонидан ҳар қандай ишни кўришда амалга оширилиши лозим. Бу қоидага риоя қилмаслик амалиётда ишларни кўрилишини чўзилиб кетишига, айрим ҳолларда эса нотўғри қарорларни қабул қилинишига олиб келади. Ишни кўришга пухта, тўлиқ тайёргарлик кўрилмаслиги натижасида судда ишни кўришни кейинга қолдиришга, бу эса ўз навбатида судья томонидан янги суд мажлисини ўтказишни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича қўшимча ҳаракатларни амалга оширишини,яна қўшимча вақт сарфлашини талаб этади. Бунинг натижасида судья томонидан кўриладиган бошқа ишларнинг ўз вақтида кўрилишига ва уларнинг сифатига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу билан бирга буларнинг ҳаммаси ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳам ортиқча вақт ва ҳаражатлар сарфлашига ҳам олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, **ишни судда кўришга тайёрлаш бу хўжалик процессининг мустақил босқичи бўлиб, ишларни ўз вақтида ва тўғри хал қилинишига қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидир.**

**Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг асосий вазифаси** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш;

низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳусусиятини иш бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш;

ишда қатнашувчи шахслар таркиби ҳақидаги масалани аниқлаш;

ишда қатнашувчи шахслар тақдим этиши керак бўлган далилларни аниқлаш.

Судга тайёрлаш ишларини олиб боришда судьяларнинг фаолиятида нуқсон, камчилик бўлмаслиги керак. Иш кўрилишининг сифати, хўжалик процессининг тез ва аниқ бўлишлиги кўп даражада хўжалик ишларини судда тўғри тайёрлашга боғлиқдир.

Ишни судда кўришга тайёрлашда судья билан бир қаторда ишда иштирок этувчи шахслар ҳам тортишувчилик тамойили асосида тайёргарлик ишларини олиб боришлари лозим.



Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи на фақат судья учун, балки процесс иштирокчилари учун ҳам тайёргарлик босқичи ҳисобланади.Чунки

айнан шу даврда даъвогар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча ишларни бажаради, ҳамма далилларни келтиради, ўз навбатида жавобгар ҳам, даъвога қарши эътирозларини судга келтиради, шунингдек эътирозларни асослаш учун топширилиши мумкин бўлган далиллар келтиради. Ишни кўриш учун тайёрлаш юзасидан барча процессуал ҳаракатлар судья томонидан қилинганидан сўнггина етарли даражада тайёрланган бўлиб ҳисобланади.

**Назорат саволлари.**

1. Ишни судда кўришга тайёрлаш нима?
2. Ишни суда кўришга тайёрлаш босқичида қандай процессуал ҳаракатлар амалга оширилади?
3. Ишни суда кўришга тайёрлашнинг асосий вазифалари ва аҳамияти.

## 2-§. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг процессуал ҳаракатлари.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи даъво аризаси қабул қилинганидан кейин бошланади. Судья тақдим қилинган материалларни ўрганар экан, энг аввало , даъво аризаси иш юритувига қабул қилинишига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар, яъни даъво аризасини қайтариш ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этиш учун асослар борми ёки йўқлигини аниқлайди. Судья ишни судда кўришга тўсиқлар йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина ишни судда кўришга тайёрлаш босқичига киришади. Ишларини судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилинадиган процессуал ҳаракатларнинг мазмуни қонунда белгиланган, унда ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши белгиланган:

ишда иштрок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

далилларни дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

гувоҳларни чақиртиради;

экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;

тарафларни муросага келтириш чораларини кўрали;

ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади;

даъвони таъминлаш чораларини кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш,уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

**Назорат саволлари**.

1. Ишни судда кўришга тайёрлаш муддати
2. Ишни суда кўришга тайёрлаш бўйича судья қандай ҳаракатларни амалга оширади?
3. Судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримида нималар кўрсатилади ?

## 3-§. Суд хабарлари ва чақириқлари.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади.

Процесснинг барча қатнашчиларини ҳабардор қилиш тайёргарлик босқичининг муҳим процессуал ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Уларга ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат юборилади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали ҳабардор қилинади ва чақирилади. Хабар бериш, чақириш қайси шаклда амалга оширилганлигидан қатъий назар,уни олувчига у қайси иш бўйича, ким (жавобгар, учинчи шахс, гувоҳ, эксперт...) сифатида чақирилаётганлиги, қайси манзилга, қайси вақтда етиб келиши лозимлиги, келмаслик оқибатлари,келганда тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар кўрсатилиши керак

Судга чакирув хатида куйидагилар курсатилиши керак:

А) Суднинг номи ва аник манзили ,

Б) Келиш жойи ва вакти,

В) Шахс кандай иш юзасидан чакирилаетганлиги,

Д) Шахснинг ким тарикасида чакирилаетганлиги .

Е) Ишда иштирок этувчи шахсларга иш буйича уларда булган хамма далилларни такдим этиш тугрисидаги таклиф ,

Ж) Чакирилувчининг узи булмаганлиги сабабли чакирув хатини олган шахснинг уни чакирилувчига топшириш мажбурияти,

З) Судга келмаслик окибатлари курсатилади,

Суднинг чакирув хатини  чакирилган шахс  олишдан бош тортса , чакирув хатини олиб келган шахс бу тугрида  чакирув хатига езиб уни судга топширади Чакирув хатини олишдан бош тортиш ишни куришга  тускинлик килмайди.

Агар жавобгарнинг хакикий турар жойи  номаълум булган такдирда эса жавобгарнингт маълум булган охирги турар жойдаги  почта булими , фукароларнинг узини узи бошкариш идоралари еки унинг охирги иш жойидаги иш берувчининг мансабдор шахсига топширилади ва бу хакда чакирув хатининг иккинчи нусхасига имзо куйдириб олинади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмасликлари кейинчалик ишнинг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида бекор қилиниши учун асос бўлади (ХПКнинг 170-моддаси).

**Назорат саволлари.**

1. Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида қандай хабардор этиладилар?
2. Суд хабарлари нима?
3. Суд чақириқлари нима?
4. жавобгарнинг хакикий турар жойи  номаълум булган такдирда чақирув хати кимга топширилади?
5. Суд хабарларининг суд чақириқларидан фарқини айтинг.

## 11 - БОБ. ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДДА КЎРИЛИШИ

### 1-§. Судда ишни кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Судда ишни кўриш ёки суд муҳокамаси босқичи хўжалик процессининг энг муҳим ва марказий босқичи бўлиб ҳисобланади. Чунки айнан шу босқичда хўжалик судлари ваколатига киритилган вазифа одилсудлов амалга оширилади. Бу босқичда суд- ишларни кыриш ва щал =илишда бевосита далилларни текширади ва баҳолайди, ишнинг фактик ҳолатларини белгилайди, тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқлаштиради, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаган ҳолда ишни мазмунан ҳал қилади.

Суднинг бу босқичдаги асосий вазифаси ишни тўғри ва тез кўриб ҳал этиш ҳисобланади.

Хўжалик судларида ишларни кўриш қонунда белгиланган муддатда амалга оширилишини талаб этади. Бу ща=да ХПКнинг 125-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кыра суд, ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриши ва ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим, алоҳида ҳолларда эса ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

**Назорат саволлари.**

1. Судда ишни кўриш тушунчаси
2. Судда ишни кўриш босқичида суднинг асосий вазифалари
3. Судда ишни кўриш муддатини айтинг.

## 2-§. Суд мажлисининг асосий босқичлари.

Хўжалик судида ишлар қоидага кўра хўжалик суди судьясининг якка ўзи томонидан ишда иштирок этувчи шахслар албатта хабардор қилинган суд мажлисида кўрилади.

Суд мажлисининг олиб борилиш тартиби ХПК нинг 126-моддаси қоидаларида аниқ белгилаб қўйилган. Суд мажлиси олиб борилишида эътибор берилиши лозим бўлган асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. суд мажлиси босқичларининг кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлилиги;
2. суд мажлиси олиб борилиши устидан хўжалик судининг раҳбарлиги;
3. суд мажлиси ўтказиш тартибини бузганлик учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг жавобгарлиги;
4. суд мажлиси боришининг принципиал ва муҳим масалалари юзасидан суд ажримларининг чиқарилиши;

5. хўжалик судлов ишларини юритишнинг бутун принципларини намоён бўлиши;
6. ишни муҳокама қилиш жараёни юзасидан баённома тузишнинг мажбурийлиги.

Хўжалик судининг мажлиси ўзаро боғлиқ бўлган уч босқичдан иборат:

- Тайёрлов;
- Ишни мазмунан кўриш;
- Иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиш.

Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига ҳос вазифа ва мазмунга эга бўлиб, суд мажлиси фақатгина маълум масалалар қамровини ҳал этишга қаратилган.

**Назорат саволлари.**

1. Суд мажлисининг олиб борилиши тартиби
2. Суд мажлиси олиб борилишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий қоидалар
3. Хўжалик суди мажлисининг босқичлари

## 3-§. Хўжалик суди мажлисини ўтказиш тартиби.

Ишнинг кўрилишида судда иштирок этаётган тарафлар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатлари қатъий ўрнатилган процессуал тартиб асосида олиб борилиши талаб қилинади.

Ўрнатилган умумий қоидага кўра, биринчи инстанцияда ишлар судья томонидан якка кўрилади. Аммо суд раисининг қарорига мувофиқ ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин. Иш ҳайъатда кўрилганда мажлисга хўжалик судининг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисининг **тайёрлов қисмида** қонун билан белгиланган тартиб асосида ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариб, тарафларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тўлиқ, ҳар томонлама, ҳолисона аниқлашни таъминлайди, кўрилаётган ишга алокаси бўлмаган ҳамма ҳолатларнини суд текширувидан чиқариб ташлайди.

Суднинг бу масалаларни ҳал қилиш юзасидан процессуал ҳаракатлари тубандагича тартибда амалга оширилади. Аввало судда раислик қилувчи:

7) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади;

8) ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда улар келмаганлигининг сабабларини тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

9) суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради;

10) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқариб юборади;

11) ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

12) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

13) мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди;

14) мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлайди;

15) мажлисга тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради. Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телеведение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади (ХПК нинг 126-моддаси).

.Хўжалик судида ишнинг **мазмунан кўрилиш** босқичи, яъни суд муҳокамасининг иш ҳолатларини текшириши кечадиган вақтда жараённинг боришига керакли йўналиш берадиган алоҳида процедура талаб қилади. БУ босқич хўжалик судлов ишларини юритишнинг бевоситалик ва узлуксизлик принципларига таянилган ҳолда амалга оширилади.

Ишни мазмунан кўриш қисмида суд даъво талабларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга киришиб, тақдим этилган далилларни тегишлилигини бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, эксперт ва мутахассисларнинг хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши шарт.

Хўжалик судида ҳар бир иш процесс нормал тарзда ўтганда, қоидага асосан, ишдаги барча ҳужжатлар кўрилгандан сўнг тезда ҳал қилув қарори қабул қилиш билан ниҳоясига етади. Ҳал қилув қарори

ишнинг барча ҳолатлари аниқлаштирилган ва кўрилаётган низо бўйича барча масалалар ўз ечимини топган деб тан олинганидан сўнг қабул қилинади. Раислик этувчи мазкур иш бўйича барча далилларни текшириб бўлганидан сўнг, ишда иштирок этувчи шахслардан уларда қўшимча ҳужжатлар мавжудлигини аниқлаштиради. Бундай мурожаатлар бўлмаган тақдирда иш текшируви тугалланганлиги эълон қилиниб, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

Суд мажлисининг оҳирги учинчи босқичи **ҳал қилув қарорини қабул қилиш** ҳисобланади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилишга оид асосий қоидалар ХПКнинг 135-136-моддаларида берилган. Бу нормаларга мувофиқ, «хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиш мумкин».

Ишни ҳайъатда кўрганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

14) далилларга баҳо беради;
15) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;
16) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;
17) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;

18) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди;

19) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Агар маслаҳат вақтида иш учун аҳамиятли янги ҳолатни аниқлаш ёки янги далилни текшириш зарур бўлиб қолса, хўжалик суди ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда текширишни янгидан бошлайди ва бу тўғрида ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд тешируви фақат қўшимча текшириш зарур бўлган ҳолатлар доирасидагина олиб борилади.

Агар иш ҳайъат тартибида кўрилса, суднинг ҳал қилув қарори судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва улар томонидан имзоланади Бунда судьялардан бири қабул қилинаётган қарорга норози

бўлса, ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён қилишга ҳақлидир.

Суднинг алоҳида фикри суд мажлисида ўқиб эшиттирилмайди, лекин ишга қўшиб қўйилади.

қабул қилинган ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилади .

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик суди мажлисини ўтказиш тартиби қандай?
2. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида судья қандай ҳаракатларни амалга оширади?
3. Хўжалик суди мажлиси қандай қисмлардан ташкил топган?
4. Суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда нималарни амалга оширади?

## 4-§. Тарафларнинг келишув битими.

Амалдаги хўжалик процессуал қонунчилик хўжалик низоларининг тарафларига улар ўртасида вужудга келган иқтисодий характердаги келишмовчиликларни суд ҳал қилув қарори қабул қилмасдан келишув битими тузиб, тартибга солиш имкониятини беради.

**Келишув битими - тарафларнинг низони ўзаро ён босиш асосида тугатиш ҳақидаги келишувидир.** Унинг аҳамиятли томони суд жараёни низонинг иҳтиёрий келишув асосида тартибга солинишидадир, яъни бу тарафлар ҳуқуқий муносабатларда ўзаро аниқликка эришганлигини билдиради.

Ишни тайёрлаш пайтидаёқ судья тарафларни муросага келтириш чораларини кўради,яъни тарафларнинг процессни келишув битими билан тугатиш мақсадлари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Суд муросага келтириш чораларини суд мажлисининг тайёрлов босқичида кўради.Низони келишув йўли билан тартибга солишни ташкил этиб, суд уни давлат мажбурловисиз тарафларни ўзаро тўғри келадиган шартлар асосида ҳал этилишини таъминлайди.

Амалдаги хўжалик процессуал қонунчилик диспозитивлик (суд процессидаги эркинлик) принципига кўра тарафларга хўжалик судлов ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузиш ҳуқуқини беради. Тарафлар келишув битиини фақат даъво иш юритуви бўйича тузишлари мумкин.

Келишув битимининг шартлари аниқ баён этилиши, унинг шартлари, мазмуни юзасидан кейинчалик тушунмовчиликлар, низолар келиб чиқмаслиги лозим. Келишув битими ёзма равишда расмийлаштирилади. Тарафлар уни имзолаб,хўжалик судига тасдиқлатиш учун тақдим этади.

Хўжалик суди тақдим этилган келишув битимини кўриб чиқиб, уни қонун ва қонун ости нормаларига тўғрилигини, учинчи шахслар манфаатларига зид эмаслигини тан олиб, тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва иш юритишни тугатади.

Бундай ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

**Назорат саволлари.**

1. Келишув битими нима?
2. Келишув битимининг расмийлаштирилиши

3. Хўжалик процессида тарафлар қайси ишлар бўйича келишув битими тузиши мумкин?

## 5-§. Иш кўришни кейинга қолдириш, иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш.

**Иш кўришни кейинга қолдириш -** иш бўйича навбатдаги суд мажлиси кунини белгилаб, низони мазмунан кўришни кечиктириш ҳисобланади.

Хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат билан ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади (ХПКнинг 131-моддаси).Айнан шу ҳусусияти билан ишни кўришни кейинга қолдириш суд мажлисидаги танаффусдан фарқланади. Танаффус эълон қилинганда ишни кўриш тўхтаган жойидан давом эттирилади.

***Иш юритишни тўхтатиш.*** Иш юритишни тўхтатиш-хўжалик ишининг судда ҳал қилинишига тўскинлик қиладиган муайян ҳолатларнинг рўй бериши туфайли иш юзасидан процессуал ҳаракатларнинг тўхталишини билдиради. Иш кўришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар турлича бўлиб, у судга ҳам, тарафларга ҳам боғлиқ бўлмайди ва қачон бундай тўсиқ бартараф қилиниши номаълум бўлади. Шунинг учун суд ишни аниқ маълум вақтга тайинлаш имкониятига эга бўлмайди. Шу сабабли процессуал ҳаракатларни вақтинча тўхтатади. Иш юритишни тўхтатиш асослари ***мажбурий*** ва ***факультатив*** асосларга бўлинади.

Иш юритишни тўхтатишнинг ***мажбурий асослари*** ХПКнинг 82-моддасида белгиланган. Бу қоидада кўрсатилишича, хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

4. ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда;
5. жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлар ҳаракатидаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Кучларининг ҳаракатидаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

6. фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

7. фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

Хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

Иш юритишнинг ***факультатив***, яъни қўшимча, мажбурий бўлмаган асоси ХПКнинг 83-моддасида белгиланган. Бу қонунда:

3) хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;

4) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

5) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

Иш юритишни тўхтатиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқариши лозим. Суднинг иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин (ХПКнинг 85-моддаси). Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганда, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки суднинг ташаббуси билан қайта тикланади.

Суд иш юритишни қайтадан бошлаганида ишда иштирок этувчи шахсларнинг умумий асосларга мувофиқ чақиради.

Иш юритилишини тўхтатилишини олдинги мавзуда кўрилган иш кўришни кейинга қолдиришдан (ХПКнинг 131-моддаси) фарқлай билиш лозим. Иш юритишни тўхтатилиш асослари ХПК да батафсил баён этилган. Улархўжалик судларининг ҳоҳиши билан ўзгартирилишига ёки кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. Иш юритишни кейинга қолдиришда эса ишни мазкур суд мажлисида кўриб чиқишга монелик қилувчи исталган асос мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин.

**Иш юртишни тугатиш**-бу хўжалик судининг иш юзасидан фаолияти даъвогарнинг худди шу иш буйича судга кайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан тугатилишидир. Иш юритишни тугатиш ўзининг мазмуни билан даъво талабини қўзғатган шахснинг ҳуқуқини судда ҳимоя қилишга эга эмаслигидан далолат беради, суд эса бундай ишларни ўз иш юритишига қабул қилишга ҳақли эмаслигини билдиради. Шунинг учун суд, тарафни суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга

бўлмаслиги сабабли иш юритишни ҳал қилув қарори қабул қилмасдан тамомлайди. Бу деган сўз манфаатдор шахсни шу иш бўйича қайтадан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш демакдир.

Амалдаги қонунчилик ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишнинг икки шаклини:

биринчидан, иш юритишни тугатиш;

иккинчидан, ариза(даъво)ни кўрмай қолдириш каби шаклларини назарда тутади.

ХПКнинг 86-моддасига мувофиқ суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

5. низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса;
6. умумий суд, хўжалик судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;
7. ҳакамлар судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлар судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлар судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлар судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно;
8. ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса;
9. ишда иштирок этган шахс бўлмиш фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;
10. даъвогар даъвосидан воз кечган ва хўжалик суди уни қабул қилган бўлса;
11. келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;

даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тугатишнинг юқорида санаб ўтилган асослари қатъий бўлиб кенгайтирилмайди ва унга бошқа асослар қўшилмаслиги керак.

Иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримида суд ҳаражатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги хўжалик судиниг қарори устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Агар иш юритиш ишнинг судга таааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд ариза берувчига қайси идорага мурожаат қилиш кераклигини кўрсатиши лозим.

Иш юритиш тугатилган тақдирда ҳудди шу тарафлар ўртасида ўша нарса тўғрисида ва ўша асослар бўйича қилинган низо юзасидан судга қайтадан мурожаат қилишга қонун йўл қўймайди.

Ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишнинг иккинчи шакли ариза(даъво)ни кўрмай қолдириш асослари ХПКнинг 88-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

6. умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлар суди айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

7. ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлар судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлар судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчи аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса;

8. даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

9. қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олиниши шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;

10. даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

11. даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса;

12. давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

13. юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса.

Хўжалик суди ариза (даъво)ни кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

қонунда кўрсатилган ҳолларда суд аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни бекор қилиши мумкин. Масалан: агар тарафлар суд мажлисига келмаганлик сабабларини узрли эканлигини тасдиқловчи

далиллар тақдим этган ҳолларда йўл қўйилади ва х.к.

Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (ХПКнинг 89-моддаси).

**Назорат саволлари.**

1. Қайси ҳолатларда иш кўриш кейинга қолдирилади?

2. Қайси ҳолатларда иш юритиш тўхтатилади?
3. Иш юритиш тўхтатишнинг асослари
4. Иш юритиш тугатиш асослари
5. Аризани кўрмасдан қолдириш асослари

# 12 - БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ.

## 1-§. Хўжалик судининг хужжатлари тушунчаси ва турлари.

Иқтисодиёт соҳасидаги ва бошқа низоли ишларни кўриб, ҳал қилиш натижасида хўжалик судлари суд ҳужжатларини қабул қилади. **Хўжалик судининг суд ҳужжатлари деб, бу суднинг иродасининг ёзма шаклда ифодаланиши тушунилади.** Хўжалик судлари **суд буйруғи, ҳал қилув қарори, қарор** ва **ажрим** шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади. Биринчи инстанция хўжалик судлари суд буйруғи, ҳал қилув қарори ва ажрим қабул қилади. Апелляция, кассация инстанцияси судлари қарор ва ажрим, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати қарор қабул қилади. Хўжалик судлари томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари бутун Ўзбекистон ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий.

Хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ичида суд буйруғи алоҳида аҳамиятга эга.

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздонинг мол-мулкига қаратиши ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғининг мақсади-кредиторларга қарздорларнинг ўзи низосиз деб тан олган талаблари юзасидан ижро кучига эга бўлган қарорларни олишни соддалаштиришдадир, шунингдек ундирувнинг қисқа муддатларда ва арзонроқ амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат.

Суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги талаб қўйилса;

ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган хўжалик судининг фаолиятини бир қанча босқичларга ажратиш мумкин:

-суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани берилиши;

-суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш;

-қарздорни хабардор қилиш;

-суд буйруғини бериш ёки уни беришни рад этиш;

-суд буйруғини бекор қилиш;

-суд буйруғини ижро этиш.

Кредитор суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани хўжалик судига беришда судловлиликнинг умумий қоидаларига риоя қилган ҳолда беради. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни, унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг рўйҳати, аризани қабул қилишни рад этиш асослари ХПК нинг 104;107;109-моддаларида ўз аксини топган.

Суд буйруғининг мазмуни ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

хўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана;

ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош харфлари, талаб нима ҳақидалиги;

қарздор ва кредиторнинг номи,уларнинг манзиллари;

ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;

неустойка, агартўланиши лозим бўлса;

қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусҳада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

Суд буйруғи берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида,қарздор узрли сабабларга кўра кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, шу судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли бўлади. Судья бундай ҳолда буйрукни бекор қилади, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

**Назорат саволлари.**

1. Суд буйруғи нима ?
2. Суд буйруғи судья томонидан қайси ҳолларда берилади ?
3. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган хўжалик судининг фаолиятини босқичлари
4. Суд буйруғининг мазмуни

## 2-§.Хўжалик судининг ҳал қилув қарори тушунчаси ва тузилиши

Хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ичида ҳал қилув қарори алоҳида ўрин тутади. Ҳал қилув қарори биринчи инстанция суди томонидан хўжалик низоларини мазмунан кўриб ҳал қилиб бўлингач қабул қилинади.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилиш билан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклайди. Натижада давлат томонидан

иқтисодиёт соҳасидаги ва у билан боғлиқ бўлган бошқа қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояси амалга оширилади.

Ишда иштирок этувчи даъвогарнинг ва жавобгарнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида иш мазмунан кўриб бўлингач, қабул қилинган ҳал қилув қарори даъвогарнинг даъво талабларини қондириши мумкин. Бунда суд даъвогар талаблари асосли, қонуний бўлсагина унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб даъвони қондиради. Агар даъвогарнинг талаблари қонуний ва асосли бўлмаса суд унинг даъвосини рад этади. Бу билан у жавобгарнинг ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя этади. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилар экан, уни давлат номидан, яъни Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади. Демак бундай ҳужжат умумхалқ иродасига қарши бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан хулоса қилиб ва ХПК нинг 135-моддаси қоидаларига таяниб, хўжалик судининг ҳал қилув қарорига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

**Ҳал қилув қарори- бу биринчи инстанция судининг ишни мазмунан кўриб бўлингач Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган, ишни мазмунан ҳал қиладиган ҳужжатидир.**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори тузилиши жиҳатдан тўрт қисмга ажратилади:

киpиш;

баён;

асослантирувчи;

хулоса.

Суднинг ҳал қилув қарори қисқа, шу билан бирга масаланинг ҳамма томонларини ўз ичига олиши ва равшан бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорининг **кириш қисмида** уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг **баён қилиш қисмида** даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача мазмуни ифодаланиши лозим.

. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва бу эътирозларга асос бўлган материаллар баён қилинади. Агар учинчи шахс мустақил талаб билан арз қилган бўлса, унда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганлари ва уларнинг талаблари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг **асослантирувчи қисмида** ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб

келтирилган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатларини кўрсатиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг **хулоса қисмида** ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса (қарор) қисмида суд қандай қарорга келган бўлса, ўша ёзилади. қарорнинг бу қисмида, агар даъво қондирилган бўлса, жавобгар нимани бажариши кераклигини қатъий, аниқ ва равшан кўрсатадиган буйруқ шаклида ёзилмоғи лозим. Агар даъво қисмангина қондирилса, суд қандай талаблар қондирилганлигини ва қандай талаблар рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши керак. Агар суд даъвонинг ҳаммасини рад қилишни зарур деб топса, қарор қисмида «даъво рад қилинсин» дебгина ёзилмасдан, балки қайси даъвогарнинг даъвоси, қандай даъво ва қайси жавобгарга нисбатан бўлган даъво рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши лозим.

Ҳал қилв қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ким томонидан тўланиши масаласи ҳам кўрсатилади.

Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида қарорнинг ижро қилиш тартибини, яъни ҳал қилув қарорини ижро қилиш усули ва муддатини ҳам кўрсатади.

Ҳал қилув қарорининг қарор қисми оҳирида суд тарафларнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишга ҳақли эканликларини ва шикоят қилиш тартибини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим.

Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунгача кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўйилиши лозим.

## 3-§ Хўжалик судида ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори суд мажлисида суд муҳокамаси тугаши билан алоҳида хонада қабул қилинади. Бу хона махсус суд маслаҳатхонаси, судьянинг хонаси ёхуд суд мажлиси зали бўлиши мумкин. Бунда бу хонада ишни кўрган суд таркибидан бошқа шахсларнинг бўлишига қонун йўл қўймайди. Бу қоида судьяларнинг мустақкиллигини таъминлаш мақсадида белгиланган.

Ҳал қилув қарорини қабул қилишда судья қонунга ва ички ишончига асосланади. Агар иш ҳайъатдан иборат таркибда кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Хўжалик судида ишни ҳайъат таркибида кўрилганда ва ҳал этилганда барча масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Бунда судьялар бетараф бўлишига қонун йўл қўймайди. Мажлисга раислик қилган судья охирги бўлиб овоз беради. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда норози бўлган судья, ўзининг фикрини алоҳида баён қилиб (бу фикр эълон қилинмайди), қарорга тикиб қўйиши мумкин. Аммо у ҳам кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳал қилув қарорига имзо қўяди. Ҳал қилув қарори имзоланиб бўлгач, шу куннинг ўзида ўқиб эшиттирилади.

Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунгача кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўйилиши лозим.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши қайси хўжалик суди томонидан қабул қилинганлигига боғлиқ.

Биринчи инстанция хўжалик судлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар унинг устидан шикоят ёки протест берилмаган бўлса, шикоят ва протест бериш муддати ўтгандан сўнг, яъни ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал ҳал қилув қарори, агар у бекор қиинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори тарафлар учун, шунингдек давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари, давлат ва жамоат ташкилотлари, юридик шахслар фуқаролар, барча учун бажарилиши мажбурий бўлган суд ҳужжатидир.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинадиган жойга бўлган талаб қандай?

2. Ҳал қилув қарори қайси инстанция хўжалик судлари томонидан қабул қилинади?
3. Хўжалик судида ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби қандай?
4. Ҳал қилув қарорини чиқаришда судья нимга асосланади?
5. Якка тартибда чиқарилган ҳал қилув қарорининг ҳайъат тартибида чиқарилган ҳал қилув қароридан фарқи нимада?
6. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши нимага боғлиқ
   Ҳал қилув қарори қачондан ижрога тақдим этилади ?

## 4-§. Хўжалик судининг ажрими, унинг тушунчаси, тури ва қонуний кучга кириши.

Хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ичида энг кенг қўлланиладиган ҳужжат ажримдир. Ажримда ишни кўриш давомида- судлов ишини қўзқатишдан то суд ҳужжатини мажбурий ижросигача юзага келадиган масалаларнинг суд томонидан ҳал қилиш натижалари ўз аксини топади.

**Ажрим- бу хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарордир.**

Ажримларни чиқаришга қўйилган мақсадга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- **тайёрлов** ажримлари. Улар ишни суд томонидан мазмунан ҳал қилишгача бўлган жараённинг боришини таъминлайди (масалан, даъво аризасини қабул қилиш(ХПК нинг116-моддаси,ишни судда кўришга тайёрлаш(ХПКнинг123-моддаси), ишни кўришни бошқа кунга қолдириш (ХПКнинг131-моддаси) тўғрисидаги ва бошқа ажримлар)
- **муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига ғов(тўсиқ) қўядиган чекловчи ажримлар.**(масалан,даъво аризасини қабул қилишни рад этиш(ХПК нинг117-моддаси),даъвони кўрмасдан қолдириш (ХПК нинг89-моддаси) тўғрисидаги ажримлар)
- **ишни кўриб чиқишни ва судлов жараёнини якунловчи хулосавий ажримлар**.Унга даъвогар даъвосидан воз кечганлиги сабабли иш юритишни тугатиш(ХПКнинг86-моддаси 6-банди),келишув битимини тасдиқлаш( ХПК НИНГ 132-моддаси) тўғрисидаги ажримлар киради.
- **Суднинг ҳал қилув қарори бўйича чиқариладиган ажримлар**.Уларга:ҳал қилув қарорларини тушунтириш,ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисидаги ажримлар киради.

**Суднинг апелляция ва кассация инстанциялари томонидан чиқариладиган ажримлар**. Уларга: апелляция шикоятини қайтариш (ХПК нинг 162-моддаси), апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш (ХПК нинг 163-моддаси), кассация шикояти ёки протестини қайтариш (ХПК нинг180-моддаси) тўғрисидаги ва бошқа ажримлар киради.

**Суд ҳужжатларини ижроси ёки қайтарма ижроси масалалари бўйича ажримлар**.Уларга мисол қилиб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш (ХПК нинг215-моддаси), ижро варақасини дубликатини бериш (ХПК нинг 216-моддаси) тўғрисидаги ажримларни келтириш мумкин.

**Процессуал санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ажримлар**. Масалан, жарима солиш тўғрисидаги ажримлар.

**Хусусий ажримлар**. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш, мансабдор шахсларни моддий ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш тўғрисидаги ажримлар(ХПК нинг 152-моддаси)

**Банкротлик ишлари бўйича қабул қилинадиган ажримлар.**

Ажримларни расмийлаштириш тартибига кўра икки гуруҳга ажратилади:

Алоҳида ҳужжат сифатида чиқариладиган ажримлар;

Оғзаки эълон қилиниб, суд мажлиси баённомасига ёзиладиган ажримлар.

ХПКнинг 151-моддасида белгиланган ҳолларда алоҳида ҳужжат тариқасида чиқарилади. Бошқа ҳолларда ажрим оғзаки равишда чиқарилади ва суднинг баённомасига киритилади.

Алоҳида процессуал ҳужжат сифатида расмийлаштириладиган ажрим ҳам ҳал қилув қарори каби тўрт қисмдан иборат:кириш; баёнот; асослантирувчи ва хулоса.

Алоҳида ҳужжат тариқасида чиқариладиган ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқариладиган сана, суд таркиби, низо предмети;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

ажрим чиқарилаётган масала;

хўжалик суди ўз хулосаларини чиқаришга олиб келган сабаблар, бунда таянилган қонун ҳужжатлари;

кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса.

Ажримларнинг баъзилари у қабул қилиниши билан, баъзилари шикоят қилиш, протест келтириш учун берилган муддат ўтганидан кейин, баъзи ажримлар иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради[1].

---

[1] +аранг: Шоращтетов Ш.Ш. Ызбекистон Республикаси хыжалик процессуал щу=у=и.,Т.: «Адабиёт жам\армаси». 2001й.,139-бет.

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарганда уни ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилганидан кейин беш кунлик муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.Хўжалик суди томонидан чиқарилган ажримлар юзасидан фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина шикоят қилишга йўл қўйилади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судининг ажрими тушунчаси
2. Хўжалик суди ажримларининг турлари
3. Тайёрлов ажримлари қандай ажримлар?
4. Чекловчи ажримларга мисол келтиринг.
5. Жарима солиш тўғрисидаги ажримлар қайси турдаги ажримларга мисол бўла олади?
6. Алоҳида хужжат тариқасида чиқариладиган ажримларда нималар кўрсатилади?
7. Ажримлар қачондан бошлаб қонуний кучга киради?

## 13 – БОБ. Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича хўжалик судларида иш юритишнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари.

### 1-§.Ташкилот ва фуқароларнинг банкрот(иқтисодий ночор)лиги тўғрисидаги ишлар, уларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги.

Хўжалик судларида суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири бу юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Аксарият хўжалик низолари даъво тартибида ҳал этилади. Аммо айрим тоифа ишлар мавжудки, уларда ҳуқуқ бўйича низо бўлмайди., шунингдек уларда даъвогар ҳам жавобгар ҳам иштирок этмайди. Ишда фақат аризачилар ва манфаатдор шахслар иштирок этиб, иш даъво тартибида қўзғатилмайди, балки ариза асосида қўзғатилади.Бундай тоифадаги ишлар қонунчилигимизда алоҳида тоифадаги ишлар деб юритилади.

Бундай тоифадаги ишларга :

1. ташкилот ва фуқароларнинг банкрот(иқтисодий ночор) лиги тўғрисидаги ишлар;
2. юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси 154-моддасига мувофиқ ташкилот ва фуқароларнинг банкрот(иқтисодий ночор) лиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси хамда «Банкротлик тўгрисида»ги қонунда белгиланган нормалар асосида кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган такдирда, агар карздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш хакининг беш юз каррасини ташкил этадиган булса, карздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш хакининг камида уттиз каррасини ташкил этадиган булса, хужалик суди томонидан кузгатилиши мумкин.

Карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза билан пул мажбуриятлари бажарилмаган холларда,

карздор;

кредитор;

прокурор мурожат этиш хукукига эга.

Мажбурий туловлар мажбурияти бажарилмаганлиги натижасида эса ариза билан хужалик судига мурожат этиш хукукига:

карздор

прокурор

давлат солик хизмати ва бошка ваколатли органлар эга.

Шуни эътиборга олиш лозимки, солик органи ёки банкротлик ишлари буйича давлат органи карздорни мазкур карздор кредиторларининг манфатларини кузлаб банкрот деб топиш тугрисида судга ариза билан

мурожаат килиш хукукига эга эмас. Факат улар давлат бюджетига мажбурий туловларни тулаш буйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билангина солик органлари хужалик судига карздорни банкрот деб топиш тугрисида ариза билан мурожат кила оладилар. Банкротлик ишлари буйича давлат органи факат пул мажбуриятлари буйича кредиторлар сифатида ва устав фондида давлатга карашли хиссага эга булган карздор юридик шахсларни банкрот деб топиш тугрисида давлат мафаатларини кузлаб ариза билан мурожат эта олади. Кредиторлар мафаатларини кузлаб факат прокурор карздорни банкрот деб топиш тугрисида ариза билан мурожат килиши мумкин.

Хужалик судида карздор ходимларнинг манфаатини улар томонидан вакил килинган шахс амалга оширади. Карздор ишчиларининг вакили булиб, мазкур карздорнинг ходим ёхуд карздор банкрот булиши муносабати билан ишдан бушатилган шахсгина булиши мумкин. (Банкротлик тугрисидаги конуннинг 2, 31-моддалари). Бунинг учун ушбу ходим карздонинг ишчилари манфаатини амалга ошириш учун тегишли ваколатини тасдикловчи хужжатларни такдим этиши лозим.

Карздорда банкротлик аломатлари мавжуд булса, узини банкрот деб топиш тугрисидаги ариза билан хужалик судига мурожат этишга хакли.

Ариза юкорида кайд этилган холатлар юзага келган пайтдан этиборан бир ойдан кечиктирилмай хужалик судига юборилиши керак. Ариза ушбу муддатда такдим этилмаганда, муддат тугаганидан кейин юзага келган карздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий туловлар буйича карздор рахбарининг тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидияр жавобгарлигига сабаб булади.

Кредитор карздорни банкрот деб топиш хакида хужалик судига ариза билан мурожат килинганда, конунчиликда белгиланган тартибда унинг талабларини банкротлик процедурасидан ташкари кондириш имконияти йуклигини тасдикловчи далилларни такдим килиши шарт булади.

Талабларни кондиришнинг имконияти йуклигини тасдикловчи далиллар булиб конуний кучга кирган суднинг хал килув карор ва бошка суд хужжатлари, карздор томонидан узининг мажбуриятларини бажармаганлик хакидаги далиллар, солиштирма хужжатлар ва олти ой давомида бажарилмаган карзнинг карздор томонидан тан олинганлигини тасдикловчи бошка хужжатлар хисобланади.

Конунчиликка кура банкротлик тугрисидаги ишлар хужалик судлари судловига таълукли экан хужалик суди судяси «Банкротлик тугрисида» ги конун ва Узбекистон Республикаси Хужалик Процессуал кодекси билан урнатилган талабларга риоя этилган холда берилган карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани кабул килиши шарт.

Бундай талабларга куйидагилар киради:

Ариза хужалик судига мурожат килиш хукукига эга булган шахс томонидан берилган булса;

Иш хужалик судига таалукли булса ёки ариза берилган хужалик суди судловига тегишли булса;

Ариза уни имзолашга хукуки булган шахс томонидан имзоланган булса;

Конунда белгиланган холларда ариза учун давлат божи туланганлиги, унинг микдори ва тартиби тугрисида маълумот;

Ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова килинган хужжатларнинг нусхалари юборилганлиги тугрисида маълумот;

Агар ариза вакил томонидан имзоланган булса, имзолашга ваколат берган шахснинг ишончномасини талаб килиш зарур аризанинг мазмуни конунда урнатилган талабларга мос булиши хамда «Банкротлик тугрисида» ги конуннинг тегишли моддаларига биноан тупланган хужжатлардан ташкил топган иловага эга булиши керак.

Судья карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза келиб тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан аризани кабул килиш ва банкротлик ишини кузгатиш ёки аризани кабул килишни рад этиш ёхуд кайтариш тугрисидаги масалани хал килади. Ариза иш юритишга кабул килинган такдирда ариза келиб тушган кундан эътиборан ун кундан кечиктирмай кузатувни жорий этиш хакидаги масалани хал килади. Аризани иш юритишга кабул килиш ва куриб чикишга тайёрлаш тугрисидаги ажримда кредиторларнинг талабларини кондиришга доир чора тадбирлар хам курсатиб утилиши мумкин.

Шундай холатлар хам булиши мумкинки, хужалик суди томонидан банкротлик хакидаги иш буйича иш юритиш кузгатилгандан сунг, хужалик судига бошка кредитор томонидан уша карздорни ночор деб топиш хакида ариза тушади.Бунда хужалик суди аризани кабул килишни рад этади.

ХПК нинг 117-моддаси 3-б кура ва айни пайтда аризачига кредиторлар йигилишида иштирок этиш хукукини курсатади.

Хужалик судига ариза бериш хукукига эга шахслар йук карздорни «банкрот» деб топиш хакида мурожаат килганда, карздорнинг йуклигини тасдикловчи хужжатларни аризага илова килишлари лозим, алока идораларининг хатларни топширишнинг имконияти йуклиги хакидаги хужжати, солик инспекциясининг солик органларига хисобот бермай куйганлиги хакидаги маълумотномаси ва карздор Республикадан ташкарига чикиб кетганлиги хакидаги ички ишлар органларининг хужжатлари, шунингдек, карздорнинг тадбиркорлик ёки бошка фаолиятни амалга оширмаётганлигидан гувохлик берувчи далиллар хам илова килинади. Бундан ташкари агар, карздор бошлиги озодликдан махрум килиш жойида булса (олти ойдан ортик), карздор мол-мулки йуклиги хакида далиллар мавжуд булганда, карздорни «банкрот» деб топиш хакидаги ариза худди шундай тартибда куриб чикилади.

**Назорат саволлари.**

1. Алоҳида тоифадаги ишларнинг ўзига ҳос томонлари нимадан иборат?
2. Алоҳида тоифадаги ишларга қандай ишлар киради?
3. Карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза билан пул мажбуриятлари бажарилмаган холларда ким мурожаат этиш ҳуқуқига эга?
4. Мажбурий туловлар мажбурияти бажарилмаганлиги натижасида ариза билан хужалик судига мурожат этиш хукукига эга бўлган шахсларни айтинг.
5. Банкрот деб топиш тўгрисидаги аризага қўйилган талаблар.
6. Банкрот деб топиш тўгрисидаги ариза қандай муддатда қабул қилиниши лозим?

## 2-§.Банкротлик тўгрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш,кўзгатиш,кўриш тартиби ва хусусиятлари.

Конунчиликка кура, банкротлик тугрисидаги ишлар хужалик судлари судловига тааллукли экан хужалик суди судьяси Узбекистон Республикасининг «банкротлик тугрисидаги» конуни ва Узбекистон Республикаси хужалик процессуал кодекси билан урнатилган талабларга риоя этилган холда берилган карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани кабул килади ва куриб хал этади.

Карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани кабул килиш ва банкротлик тугрисидаги ишни кузгатиш ёки аризани кабул килишни рад этиш ёхуд кайтариш тугрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай хал этади.

Судья карздорни банкрот деб топиш тугрисида берилган аризани уз иш юритишига кабул килади.

Судья карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани иш юритишига кабул килар экан, кузатувни жорий этиш ва муваккат бошкарувчини тайинлаш тугрисида ажрим чикариши мумкин.

Хужалик судининг карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани кабул килиш ва банкротлик тугрисидаги ишни кузгатиш хакидаги ажрими хужалик суди томонидан давлат солик хизмати органларига ва бошка ваколатли органларига, карздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Карздор юридик шахснинг узига нисбатан банкротлик тугрисида иш кузгатиш хакидаги ажримнинг нусхасини узининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларига) юбориш мажбурияти унинг узига юклатилади.

Кредиторларнинг талабларини кондиришга каратилган чора тадбирларни куриш хакидаги ариза, у келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан куриб чикилиши шарт. Ва унинг натижалари юзасидан шикоят килиниши мумкин булган чикарилади. Курилган чоралар ташки бошкарув жорий килингунга ёки карздорнинг банкрот деб топилишига ёхуд тугатишга доир иш юритишнинг якунланишига ёки келишув битимининг тасдикланишига ёки карздорни «банкрот» деб топишни рад этиш тугрисидаги хал килув карори чикарилгунга кадар амалда булади.

Карздор беш кунлик муддат ичида хужалик судига, аризачига ва ишда иштирок этаётган бошка шахсларга мазкур аризачига ва ишда иштирок этаётган бошка шахсларга мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга, шунингдек аризада курсатилмаган барча кредиторларни узига нисбатан банкротлик тугрисида иш кузгатилганлигидан хабардор килишга хакли, карздорнинг хужалик судига юбораётган ёзма фикрига мазкур ёзма фикрнинг нусхаси аризачига хамда банкротлик тугрисидаги ишда иштирок этаётган бошка шахсларга юборилганлигини тасдикловчи далиллар илова килиниши керак. Карздорнинг ёзма фикрининг йуклиги банкротлик ишининг судда куриб чикилишига тускинлик килмайди.

Шунингдек, карздорнинг эътирозлари йук булган такдирда кредиторнинг талаблари асослантирилган деб хисобланади. Суд томонидан карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза ХПКнинг ва «Банкротлик тугрисида»ги конуннинг талабларига мос равишда тузилганлиги тасдикланганидан кейин судья ХПКнинг 122- моддасида белгиланган ишни куришга тайёрлашга доир харакатларни амалга ошириш масаласини куриб чикади. Ушбу харакатларнинг кулланиш тартиби банкротлик тугрисидаги ишнинг хусусиятларини инобатга олган холда амалга оширилади.

## 3-§.Банкротлик тўгрисидаги ишлар юзасидан чикариладиган хал килув карорлари.

Судья аризачи томонидан карздорнинг туловларни амалга ошира олмаслигини тасдикловчи асослантириш учун келтирган далилларини дахлдорлигини текширади. «Туловларни амалга ошира олмаслигини асослантириш учун келтирилгин далилларнинг хужжатлар билан тасдиклиниши карздор мол-мулкининг инвентаризация килинганлиги тугрисидаги далолатнома, аудитор хулосаси ва бошкалар булиши мумкин». Кредитор томонидан келтирилган талабларни асослантирувчи исботларнинг хам дахлдорлик масаласи текширилади. Судья асосли карор чикариши учун материаллар етарли эмас деб хисобласа, кушимча далилларни такдим килишни талаб этиши мумкин. Масалан, аризачи Давлат солик инспекцияси булса, судья нафака фонди ва мехнат биржасидан карздорнинг бу ташкилотлардан карзи бор йуклиги хакида маълумот такдим этишини сурайди.

Карздор важларининг асосланганлигини текшириш натижалари тегишли кредиторлар йигилишида овозлар сонини аниклашга асос булиши мумкинлиги учун, суд бу важларни мазкур мажлиснинг биринчи йигилиши булиб утгунга кадар текшириши лозим, чунки Узбекистон Республикасининг «Банкротлик тугрисида»ги конунга мувофик кредиторларнинг биринчи йигилиши ишни судда мазмунан куриб хал килинишидан олдин утказилиши керак ва карздорнинг важларини текшириш натижасида суд томонидан бу хакда ажрим чикарилади.

Суд томонидан агарда кредиторларнинг биринчи йигилишида ташки бошкарувни олиб бориш хакида ёки келишув битимини тузиш ёхуд кредиторлар биринчи йигилишнинг кароридаги биронта хам курсатмаси хужалик судига бир хафталик муддатда такдим килинмаса, хужалик суди банкротлик белгилари мавжуд булганда карздорни «банкрот» деб топиш ва тугатиш буйича иш юритишни очиш хакидаги масалани хал килади.

Хужалик суди банкротлик тугрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Узбекистон Республикасининг Хужалик процессуал кодексига кредиторлар талабларни таъминлашга доир чора-тадбирлар куришга хакли хисобланади.

Кредиторларнинг таъминлашга доир, Узбекистон Республикасининг Хужалик процессуал кодексида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташкари хужалик суди битимларни суд бошкарувчиси розилигисиз тузишни такиклаб куйишга, карздорга кимматли когозларни, валюта кимматликларини ва бошка мол-мулкни саклаш учун шахсларга топширишни юклашга хамда карздорнинг мол-мулки сакланишини таъминлашга каратилган бошка чора-тадбирлар куришга хакли.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар тегишинча хужалик суди томонидан банкротлик тамоилларидан бирини жорий этиш тугрисида ёки хужалик суди томонидан карздорни банкрот деб топишни рад этиш хакида карор кабул килингунга кадар ёхуд хужалик суди томонидан келишув битими тасдиклангунга кадар амал килади.

Банкротлик тугрисидаги иш умумий тартибда курилганда карздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза иш юритишда кабул килинганлиги хакида ажрим чикарилган кундан эътиборан уч ойдан ортик булмаган муддатда куриб чикилади. Алохида холлардагина ишни куриш икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

## 4-§.Хўжалик процессида юридик ахамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўгрисидаги ишларни кўриш.

Хужалик судларига тегишли юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш тугрисидаги ишлар булиши учун хар кандай фактлар аникланмасдан, факат тадбиркорлик фаолияти туфайли иктисодиёт сохасида вужудга келадиган ишлар булиши талаб этилади.

Бундай холларда хужалик ишларини судья даъво ишларини юритиш тартибида куради. Судларда бу тартибда хам субъектив хукуклар ва конун билан курикланадиган манфаатларни химоя килиш максад килиб куйилади.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни белгилаш ( юридик шахснинг тугатилганлиги еки кайта ташкил этилганлиги) хакидаги ишларда хукук хакида низо булмайди, шу белгиси билан у даъво ишларини юритишда фарк этади. Бундай тартибда иш юритишдан максад манфаатдор шахсларнинг бирон-бир хукуклари вужудга келганлиги, узгарганлиги ёинки бекор булганлигини, яъни юридик фактларнинг мавжудлиги, ёки уларнинг йуклигини аниклашдан иборат булади.

Юридик ахамиятга эга булган ишларда хукук тугрисида низо булмагани туфайли тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар, учинчи шахслар хам булмайди, факат уз муддаосини айтиб, судга мурожаат килувчи аризачигина ва бошка манфаатдор шахслargина булиши мумкин.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш тугрисидаги аризалар ХПК нинг 112-моддасида назарда тутилган коидаларга мувофик расмийлаштирилади.

Хужалик суди юридик ахамиятга эга булган фактларни бу фактларни тасдиклайдиган тегишли хужжатларни аризачи бошкача тартибда олиш имкониятига эга булмаган ёхуд йуколган, ёки йук килиб юборилган хужжатларни тиклаш имконияти булмаган такдирда аниклайди.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш тугрисидаги ишлар хужалик суди томонидан ХПК да назарда тутилган тартибда курилади.

ФПК нинг 283-моддасида хам фукаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкий хукукларнинг келиб чикиши, узгариши ёки тугалишига сабаб буладиган фактларни, яъни юридик ахамиятга эга булган хукукий окибатлар тугдирадиган фактларни суд белгилаши курсатилган.

Хужалик процессуал конунчилигида юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш доираси аник курсатилмаган булсада, бирок суд амалиётидан келиб чиккан холда Олий хужалик суди узининг Пленум карорларида тахминий руйхатини бериши мумкин.

## 5-§.Юридик ахамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризаларни кабул килиш учун асослар ва аризанинг мазмуни.

Юридик фактнингбелгиланиши тугрисидаги ариза факат тубандагича холлардагина:

Биринчидан, агар бу факт шахсий ёки мулкий хукукларни вужудга келтирадиган, узгартирадиган ёки бекор киладиган булса;

Иккинчидан, бу фактни белгилаш суд ваколатига тааллукли булса;

Учинчидан, юридик фактни белгилаш тугрисидаги хужжатларда бошка тартибда ариза берувчи томонидан олиниши мумкин булмагандагина куриш учун суд томонидан кабул килиниши лозим.

Бирон-бир хукук берадиган ёки белгилайдиган хужжатнинг муайян шахсга тегишли булишлиги фактини белгилаш тугрисидаги аризани кабул килишда аризачининг хужжат берган тегишли ташкилотга, хужжатга узгартириш киритиш тугрисидаги мурожаат килган килмаганлигини аниклаш лозим. Агар хужжатга узгартириш киритиш тугрисидаги илтимос рад килинган булса, кандай асослар буйича рад килинганлиги курсатилиши керак.

ХПК нинг 155-моддасида курсатилганидек, юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш тугрисидаги аризалар даъво кузгатишнинг умумий тартиби асосида расмийлаштирилиши лозим.

Ариза хужалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Аризада куйидагилар курсатилиши керак:

14. ариза берилаётган хужалик судининг номи;
15. ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
16. агар ариза бахоланиши лозим булса, даъвонинг бахоси;
17. ариза талабларига асос булган холатлар;
18. талабларнинг асосларини тасдикловчи далиллар;
19. ундириладиган ёки низолашаётган сумманинг хисоб-китоби;
20. аризачининг конун хужжатларини далил килиб келтирган талаблари, бир неча жавобларга нисбатан такдим этилганда эса-уларнинг хар бирига куйилган талаблар;
21. ариза жавобгар билан судгача хал килиш тартибига риоя этилганлиги тугрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун конунда ёки шартномада назарда тутилган булса;
22. илова килинаётган хужжатлар руйхати.

Аризада уни тугри хал килиш учун зарур булса, бошка маълумотлар хам курсатилади.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш тугрисидаги ишлар аризачи турган жойда курилади. Булардан ташкари конунда бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниклаш тугрисидаги ишлар бундан мустасно эканлиги, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда курилиши юкорида айтиб утилган.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни судловини аниклаш учун белгиланиши лозим булган фактларнинг мазмуни ва турлари хисобга

олинади. Бундай холатларга эътибор бермаслик ишни кайтариш учун асос булади.

Бундай тоифадаги ишлар манфаатдор шахсларнинг иштирокида курилади.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни судда куришда суд ишни хамиша суд карорларини чикариш билан тамом килмаслиги хам мумкин, бунга асос булиб иш куриш жараенида уни хал этиш учун кандайдир тускинликларни вужудга келиши назарда тутилади. Бундай холларда суд ажрим чикариш билан якунлайди, айникса ишни куриш жараенида хукук тугрисида низо келиб чиккан холларни келтириш мумкин.

Юридик ахамиятга эга булган фактларни аниклаш буйича хужалик суди, агар иш мазмунан хал этиладиган булса хал килув карори шаклида чикарилади.Хал килув карори умумий талаблар асосида риоя килган холда чикарилади. Бирок юридик ахамиятга эга булган фактлар тугрисидаги хусусиятлар эътиборга олинади.

Суднинг хал килув карорида, суд томонидан аникланган факт,унинг кандай максадда аникланганлигига, шунингдек музкур фактни аниклаш учун суд кандай далилларга асосланганлиги курсатилиши лозим.

Тегишли органларда расмийлаштирилиши лозим булган фактларнинг аникланганлиги тугрисида суд чикарган хал килув карори бу органлар томонидан бериладиган хужжатларнинг урнига утмаган холларда ана шундай хужжат (факт)ни расмийлаштириш учун асос булиб хизтат килиши мумкин .

## 14- БОБ. Хўжалик судлари қарорларини апелляция тартибида қайта кўриш.

### 1-§.Хўжалик процессида апелляция тартибида иш юритиш тушунчаси. Апелляция тартибида шикоят бериш ва уларни субъектлари тушунчаси.

Хўжалик процессуал қонунчилиги бўйича хўжалик процессининг босқичлари: 1) хўжалик судида иш қўзғаш; 2) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш; 3)биринчи инстанция судида иш юритиш; 4) апелляция инстанциясида иш юритиш; 5) кассация инстанция судида иш юритиш; 6) назорат тартибда иш юритиш; 7) суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш, 8) суд ҳужжатларини ижро қилишдан иборат. Бу босқичлардан апелляция, кассация, назорат тартибида иш юритиш ва суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш инстанциялари-қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичлари бўлиб ҳисобланади. Эътироф этилган ҳар бир босқич ўзига ҳос ҳусусиятлари билан, яъни ишни қайтадан кўриш мақсади, субъекти, қайта кўриш объекти, мазкур суднинг ваколат доираси билан фарқланади.

Бу босқичларнинг асосий вазифаси ўзидан олдинги инстанцияларда қабул қилинган ҳужжатларнинг қонуний ва асослилигини текширишдан иборат бўлиб, нотўғри ва ноқонуний суд ҳужжатлари қабул қилинишини олдини олишдан иборат.

Апелляция инстанциясида иш юритиш билан суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи бошланади.

«Апелляция» сўзи лотинча сўз бўлиб-«мурожаат этиш» деган маънони англатади. Апелляция инстанцияси суд ҳужжатларини қайта кўрувчи инстанция сифатида биринчи маротаба 1997 йил қабул қилинган Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ киритилган. Унда иш биринчи инстанция суди томонидан кўриб ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин, бу қарордан норози бўлган тараф ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган (ХПК нинг 34-моддасида белгиланган) шахслар апелляция инстанциясига шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди(ХПКнинг156-моддаси).

Юқоридагилардан апелляция шикояти субъектлари доирасини ажратиш мумкин. Апелляция шикояти субъектлари сифатида ишда иштирок этувчи шахслар- тарафлар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар,низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан чиқмайдиган учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат органлари ва бошқа идоралар,прокурор, шунингдек ишда қатнашмаган, бироқ уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарори чиқарилган шахслар қатнашадилар.

.Апелляция шикоятининг объекти сифатида фақат биринчи инстанция хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ҳисобланади.

Хўжалик процессуал қонунчилик хўжалик судининг тўлиқ ҳал қилув қарorigагина эмас, балки қарорнинг бир қисмига ҳам апелляция шикояти

келтирилиши мумкинлигини белгилайди (масалан, қарорнинг хулоса қисмида суд харажатларининг тарафлар ўртасида тақсимланиши ҳақидаги қарорнинг ўзига).

Шундай қилиб апелляция инстанциясида иш юритиш деб, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини тарафлардан бирининг ёки ишдан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг шикоятлари асосида қайта кўрилиши тушунилади.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция хўжалик судининг апелляция инстанциясига берилади. Масалан, биринчи инстанция тариқасида ишни Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан кўрилган. Апелляция шикояти ҳудди шу Тошкент шаҳар хўжалик судининг ўзига тақдим этилади ва шу суд томонидан кўрилади. Бироқ, бунда судьялар таркиби бошқа бўлиши керак, яъни илгари ишни кўрган судья апелляция инстанциясига киритилмайди.

Апелляция инстанциясида биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорини қонуний ва асослилиги коллегиал тарзда текширилади. Бунда суднинг таркибига уч еки бошқа тоқ сонли судьялар киритилади, улар суд раиси томонидан белгиланади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессуал қонунчилиги бўйича хўжалик процессии қандай босқичлардан ташкил топган?
2. Суд хужжатларини қайта кўриш босқичларининг ўзига хос томонларини айтинг.
3. Хўжалик процессуал қонунчилигидаги апеллация инстанцияси ҳақида нималарни биласиз?
4. Апелляция шикояти қайси судга берилади?
5. Апелляция шикояти субъектлари таркибига кимлар киради?
6. Апелляция шикояти қандай таркибда кўрилади?

## 2-§. Апелляция тартибида иш юритиш учун уни қўзғатиш тартиби.

Апелляция шикояти биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин бир ой ичида езма шаклда шу қарорни қабул қилган хўжалик судининг ўзига берилади.

Апелляция шикоятида қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;

2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб раками ва хал килув карори кабул килинган сана, низонинг предмети;

4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва хал килув єарорини нотўгри деб хисоблашининг асослари, бунга далил бўлган конун хужжатлари хамда иш материаллари;

5) шикоятга (протестга) илова єилинаётган іужжатлар рўйхати.

Апелляция шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд іужжатлари устидан шикоят єилиш ваколатини тасдиєловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова єилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошєа шахсларга юборилганлигини тасдиєловчи далиллар илова єилинади. Бундан ташєари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиєловчи далиллар іам илова єилинади.

Агар апелляция шикояти қонунда белгиланган шаклда ва тартибда тақдим этилмаса хўжалик суди томонидан қайтарилиши мумкин(ХПК нинг 162-моддаси)

Судья апелляция шикоятини (протестини) єуйидаги іолларда єайтаради:

1) апелляция шикояти (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга іуєуєи бўлмаган шахс ёки мансаб мавєеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиєловчи далиллар илова єилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миєдорда тўланганлигини тасдиєловчи іужжатлар апелляция шикоятига илова єилинмаган бўлса, єонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган іолларда эса, бу іаєда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўјрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикояти (протести) иш юритишга єабул єилингани тўјрисидаги ажрим юборилгунга єадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни єайтариш тўјрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) єайтариш тўјрисида ажрим чиєарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) єайтариш тўјрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Бу ажрим судьянинг якка ўзи томонидан чиқарилиши мумкин. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Апелляция шикоятини қайтариш учун асослар бўлмаса, судья уни иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда апелляция шикоятини кўриш вақти ва жойи кўрсатилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Апелляция шикоятини берган шахс :

а) ариза берилгандан бошлаб хўжалик суди уни қабул қилгани ҳақидаги ажримни ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатгунча – шикоятни қайтариб олиши;

б) кўрсатилган ажрим жўнатилганидан то апелляция инстанцияси қарор чиқаргунча – шикоятдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Шикоятдан воз кечиш ёзма равишда амалга оширилади. Агар суд мажлиси вақтида бўлса, оғзаки эълон қилиниши мумкин. Бунда бу ҳақда мажлис баённомасига ёзиб қўйилади.

Шикоятдан тўлиқ воз кечилганда апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади. Аммо аризачи апелляция шикоятидан қисман воз кечганда иш юритиш тугатилмайди.

Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

**Назорат саволлари.**

1. Апелляция шикояти қайси суд томонидан кўрилади?
2. Апелляция шикоятида нималар кўрсатилиши керак?
3. Судья апелляция шикояти (протести)ни кандай ҳолларда қайтаради?
4. Судья апелляция шикояти (протести)ни қайтарганда кандай ҳужжат билан расмийлаштиради?
5. Апелляция шикояти (протести)ни қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят келтирилиши мумкинми?
6. Қандай ҳолларда апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади?

## 3-§. Апелляция инстанция судида иш юритиш.

Апелляция инстанциясида иш юритиш хўжалик судлов ишларини юритишнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун , апелляция инстанциясида ишни биринчи инстанция хўжалик судида кўриб чиқиш қоидаларига мувофиқ, апелляция инстанциясининг ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилади. Апелляция инстанциясида биринчи инстанция судларидан фарқли равишда ҳайъат таркибида кўриб чиқади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади. Олдинги мавзуларда айтиб ўтилганидек, апелляция шикоятини иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажримда апелляция инстанциясининг суд мажлисининг ўтказилиш куни ва вақти белгилаб қўйилади.

Суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Апелляция инстанциясининг суд мажлиси ўзаро боғлиқ бўлган уч босқичдан иборат:

тайерлов босқичи;

апелляция шикоятини кўриб чиқиш босқичи;

апелляция қарорини чиқариш ва эълон қилиш босқичи.

**Тайёрлов босқичида** суд қуйидагиларни бажариши керак: ишда иштирок этувчи тарафларнинг иштирокисиз кўриш имконияти масаласини ҳал этиш; ишда иштиок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ вамажбуриятларини тушунтириш ҳамда улар баён қилган илтимосномаларни ҳал этиш, шунингдек Хпк нинг 126-моддасида кўзда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш.

**Апелляция шикоятини кўриб чиқиш босқичида** суд мажлисига раислик қилувчи ёки аъзолардан бири маъруза қилиб, биринчи инстанция судида тарафлар сўраган талаблар ва далиллар мазмунини, апелляция шикояти, унга илова қилинган ҳужжатларнинг мазмунини тушунтириб беради. Шундан кейин апелляция шикояти келтирган тараф, ундан кейин эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, қўшимча келтирилган иш материалларини кўриб чиқилади. Шундан сўнг суд маслаҳатхонага қарор қабул қилиш учун кетади.

**Апелляция қарорини чиқариш ва эълон қилиш босқичи**га қўйиладиган талаблар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини қабул қилиш тартиби билан деярли бир хил. Фақат бунда қарорни коллегиал, кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинишига асосланилади.

**Назорат саволлари.**

1. Апелляция босқичида иш юритиш қандай амалга оширилади?
2. Апелляция инстанциясида иш юритишда суд мажлиси неча босқичдан иборат бўлади?
3. Апелляция босқичидаги суд мажлиси босқичлари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

## 4-§.Апелляция инстанция судининг ваколати.

Апелляция инстанция судининг ваколати деганда, апелляция инстанцияси судининг апелляция шикояти бўйича текширилаётган, ҳали қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорига нисбатан қонун билан ўрнатилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқларининг мажмуи тушунилади.

ХПК нинг 168-моддасида апелляция инстанциясининг ваколатларининг аниқ рўйхати берилган. Унга мувофиқ, апелляция инстанциясида суд ишни кўргач:

1. биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга,шикоятни эса қаноатлантирмасликка;

2. ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилишга;
3. ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;
4. ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;
5. ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва агар суд ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида иш кўрилган бўлса ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

**Назорат саволлари.**

1. Апелляция инстанция судининг ваколати деагнда нимани тушунасиз?
2. Апелляция инстанция суди қандай ваколатларга эга?
3. Апелляция инстанция суди ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақлими?
4. Апелляция инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қила оладими?
5. Апелляция инстанция суди қандай холларда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли?

## 5-§.Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар. Апелляция инстанциясининг қарори.

**Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларни ўзгартириш деганда-** ҳал қилув қарорига киритилган, аммо биринчи инстанция судининг ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир сўнгги хулосаларига таъсир этмайдиган тузатишлар тушунилади.

**Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларни бекор қилиниши-**бу апелляция инстанцияси суди томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракат бўлиб, биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриб чиқарган ҳал қилув қарорини ҳақиқий эмас деб топишга қаратилганлигидир.

Кўрсатилган процессуал ҳаракатлар апелляция инстанцияси суди томонидан қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Уларга:

иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Юқорида санаб ўтилган асослар хўжалик судлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг ноқонуний ва асослантирилмаган ҳолда қабул қилинганлигини англатади.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлиги апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши қарор қабул қилиниши билан якунланади.

Қарор уни қабул қилган барча судьялар томонидан, шу жумладан, алоҳида фикрга эга бўлган судья томонидан ҳам имзоланади.

Апелляция қарори ўз мазмунига кўра хўжалик судининг ҳал қитлув қарори каби тўрт қисмдан:

кириш;

баён қилиш;

асослантирувчи;

хулоса қисмларидан иборат.

қарорнинг **кириш** қисмида қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақами, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикояти берган шахснинг номи кўрсатилиши лозим.

қарорнинг **баён қилиш** қисмида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш масаласи қўйилишига сабаб бўлган асосларнинг, апелляция шикояти юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган важларнинг, мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришларининг мазмуни қисқача ифодаланиши лозим.

қарорнинг **асослантирувчи** қисмида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартирмай кучида қолдириш, бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги қарор қабул қилиш зарур деган хулосага келиши асосларини кўрсатиши лозим.қаронинг бу қисмида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган-қўлламаганлиги борасидаги ўз фикрини баён қилиши ва қарор чиқараётганда ўзи таянган нормаларни кўрсатиб ўтиши лозим.

қарорнинг **хулоса** қисмида апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижасида суднинг чиқарган хулосалари баён қилиниши керак. Бу ерда суд шикоят бўйича қандай қарорга келганини кўрсатиши лозим.

Апелляция инстанциясининг қарори судьялар томонидан имзоланиб мажлис ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади.

Апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**Назорат саволлари.**

Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларини ўзгартириш деганда нимани тушунасиз?

Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларини бекор қилиш деганда нимани тушунасиз?

Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш қандай асосларга кўра амалга оширилади?

Апелляция инстанцияси судининг қарори қачон қабул қилинади?

Апелляция инстанцияси судининг қарори қандай қисмлардан ташкил топган?

Апелляция инстанцияси суди қарорининг **хулоса** қисмида нималар кўрсатилади?

## 15 - БОБ. Кассация инстанцияси судида иш юритиш.

### 1-§.Хўжалик процессида кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқи ва тушунчаси.

Хўжалик судлари ҳужжатларини қайта кўриш шаклларидан бири бу ишларни кассация тартибида кўриш ҳисобланади. «Кассация» сўзи лотинча сўз бўлиб, «синдирмоқ», «бекор қилмоқ» деган маънони англатади.

Кассация инстанциясида иш юритиш биринчи марта хўжалик процессуал қонунчилигида, апелляция инстанцияси билан бирга, 1997 йилда қабул қилинган кодексда ўз ифодасини топди. қонунчиликка бу институтнинг киритилиши қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қонуний ва асослилигини текшириш, шу билан бирга ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини белгилашни назарда тутади.

Кассация инстанцияси хўжалик процессининг мустақил босқичи бўлиб, суд ҳужжатларини қайта кўришнинг бошқа шаклларидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, олдинги бобда гапириб ўтилган апелляция инстанциясидан қуйидагиларга кўра фарқлаймиз:

- апелляция инстанциясида иш қўзғашда қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти(протести) келтирилса, кассация инстанциясида эса, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари устидан кассация шикояти(протести) келтирилади.
- Апелляция инстанциясида ишни биринчи инстанция тариқасида кўрган хўжалик судининг ўзига апелляция шикояти келтирилса, кассацияда кассация шикояти юқори турувчи хўжалик судига келтирилади.
- Апелляция шикояти суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча бир ойлик муддатда тақдим этилса, кассация шикояти биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейинги бир ой ичида тақдим этилади.
- апелляция инстанциясида иш қайтадан кўрилганда мазмунан қайтадан кўрилиши мумкин бўлса, кассация инстанциясида эса,суд ҳужжатларининг фақат қонуний ва асослилигигина текширилади, холос.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанциясида иш юритиш деб, қонуний кучга кирган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг қарори устидан келтирилган кассация шикояти(протести)ни қонуний ва асослилигини текшириш тушунилади.

Кассация шикоятини келтириш ҳуқуқи суд ҳужжатлари қонуний кучга кирган кундан вужудга келади.

Кассация шикоятини ёки протестини келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (субъектлар) сифатида қуйидагилар: тарафлар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан чиқмайдиган учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат органлари ва бошқа идоралар, прокурор, шунингдек ишда қатнашмаган, бироқ уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарори чиқарилган шахслар қатнашадилар. Бу шахслар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан ёки апелляция инстанциясининг қароридан норози бўлиб, кассация инстанциясида ўзларининг талабларини ҳимоя қилишни сўраб кассация шикояти келтириш ҳуқуқига эгалар.

Хўжалик процессида қатнашган айрим шахслар кассация шикояти келтириш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар (гувоҳ, эксперт, таржимон).

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати (тоқ сонли судьялардан иборат ҳайъат) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Кассация шикояти(протести) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди шикоят(протест) тушган кундан эътиборан  беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига иш билан бирга қўшиб юборади.

Кассация шикояти ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин. қонунда белгиланган бу муддат хўжалик суди томонидан узайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин эмас.

**Назорат саволлари.**

Кассация сўзининг маъноси ҳақида гапириб беринг.
Кассация тартибида иш юритиш хўжалик процессуал қонунчилигига қачон киритилган?
Кассация инстанцияси хўжалик процесссининг қандай босқичи ҳисобланади?
Кассация ва апелляция инстанциялари ўртасидаги фарқлар нималардан иборат?
Кассация шикояти келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни айтинг.
Кассация шикояти(протести) қайси хўжалик судига берилади?

## 2-§.Кассация шикоятининг мазмуни, қайтариб юбориш ва рад этиш асослари.

ХПК нинг 177-моддасига мувофиқ кассация шикоятида қуйидагилар ўзининг аксини топиши лозим:

1) шикоят (протест) йўлланаётган хўжалик судининг номи;

2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) устидан шикоят (протест) берилаётган кал єилув єарорининг ёки карорни кабул єилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб раками ва хал килув карори, карор єабул єилинган сана, низо предмети;

4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал іуєує нормаларининг бузилиши ёки нотўјри єўлланилиши нимадан иборатлиги;

5) шикоятга (протестга) илова килинаётган хужжатлар рўйхати.

Кассация шикоятида (протестида) ишнинг холатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг хакикий муносабатлари тўгрисида хал єилув єарори ёки єарорда баён єилинган хулосалар ишнинг холатларига номувофиклигини далил єилиб келтиришга йўл єўйилмайди.

Кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд хужжатлари устидан шикоят єилиш ваколатини тасдиєловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича таєдим этилмаган бўлса, илова єилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошєа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдикловчи далиллар илова килинади.

Кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган шакл, тартибга риоя этилмаган ҳолда тақдим этилса, у хўжалик суди томонидан қайтарилиши мумкин.

Хўжалик процессуал қонунчилик кассация шикояти (протести)ни қайтариши учун бўлган асосларнинг рўйҳатини қатъий белгилаб қўйган. Уларга:

1) кассация шикояти (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга іуєуєи бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавєеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) іал єилув єарорини єабул єилган хўжалик судини четлаб ўтган іолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари жўнатилганини тасдиєловчи далиллар илова єилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миєдорда давлат божи тўланганлигини тасдиєловчи хужжатлар илова єилинмаган бўлса, єонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда

тутилган холларда эса, бу хакда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўјрисида илтимоснома бўлмаса;

6) кассация шикоятида (протестида) моддий ёки процессуал іуєує нормаларини бузиш ёки нотўјри єўлланиш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикояти (протести) иш юритишга єабул єилингани тўгрисидаги ажрим юборилгунга єадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни єайтариш тўјрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан кайтарилади. Агар шикоятни (протестни) єайтариш асослари кассация инстанциясида аниєланган бўлса, шикоятни (протестни) шу инстанция судининг судьяси єайтаради.

Кассация шикоятини (протестини) єайтариш тўјрисида ажрим чиєарилади.

Кассация шикоятини (протестини) єайтариш тўјрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиєарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят єилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Назорат саволлари.**

1. Кассация шикояти (протести)да қонунга мувофиқ нималар акс эттирилади?
2. Кассация шикояти (протести)да нималар акс эттирилиши мумкин эмас?
3. Кассация шикояти (протести)га нималар илова қилиб берилиши керак?
4. Кассация шикояти (протести)ни қайтариш учун қадай асослар мавжуд?
5. Кассация шикояти (протести) ким томонидан қайтарилади?
6. Кассация шикояти (протести)ни қайтариш тўғрисида қандай хужжат чиқарилади.

## 3-§.Кассация инстанция судида иш юритиш.

Кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилган кун ва вақтда кассация инстанциясининг мажлиси ўтказилади.

Кассация шикояти иш материаллари билан келиб тушганидан кейин бир ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўриб чиқилади. Биринчи инстанция судидан фарқли равишда кассация инстанциясида барча ишлар коллегиал тартибда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарорига берилган кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Президиуми томонидан бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Кассация инстанциясида ишни кўриш юқорида айтилганидек биринчи инстанция хўжалик судларида ишни кўриш қоидаларига мувофиқ, кассация инстанцияси ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўрилади.Бунда ишни кўриш қуйидаги қисмларга бўлинган ҳолда ўтказилади: тайёрлов, шикоят,протестни кўриш ва қарор чиқариш.

Биринчи инстанция суди ва апелляция инстанция судидан фарқли равишда кассация инстанциясида иш мазмунан кўрилмайди, балки фақат олдинги қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонуний ва асослилиги текширилади.

**Кассация инстанциясининг ваколатлари деб,** кассация шикояти бўйича текширилаётган қонуний кучга кирган суд ҳужжатларига нисбатан қонунда белгиланган кассация инстанциясининг процессуал ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқлари йиғиндиси тушунилади.

ХПК нинг 187-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли бўлади:

1) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг єарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса єаноатлантирмасдан єолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини ва(ёки) апелляция инстанциясининг єарорини тўла ёки єисман бекор єилиш іамда янги єарор єабул єилишга;

3) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг єарорини, агар єабул єилинган іал єилув єарори ва єарор етарлича асосланмаган бўлса, бекор єилиш іамда ишни іал єилув єарори ва (ёки) єарори бекор єилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун топширишга;

4) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг єарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг єарорини тўла ёки єисман бекор єилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўла ёки єисман кўрмасдан єолдиришга;

6) аввал єабул єилинган іал єилув єарорларидан ёки єарорлардан бирини кучда єолдиришга.

**Назорат саволлари.**

1. . Кассация инстанциясида шикоят (протест) қанча муддатда кўриб чиқилади?
2. Кассация инстанциясида шикоят (протест) кимлар томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?
3. Кассация инстанциясида нималар текширилади?
4. Кассация инстанциясининг ваколатлари деганда нимани тушунасиз?
5. Кассация инстанцияси суди хўжалик процессуал қонунчилиги бўйича нималарни ҳал қилади?

## 4-§. Кассация инстанция судининг қарорларини ўзгартириш, бекор қилиш асослари ва тартиби.

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш вақтида қуйи инстанция судиниг суд ҳужжатларининг қанчалар қонуний ва асосли эканлигини текширади.

Суд ҳужжатларининг қонунийлиги бу унинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинганлигини билдиради. Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатига амал қилганлиги ҳал қилув қарорида ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса.

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у тегишли тартибда имзоланмаган бўлса.

**Назорат саволлари**

1. Кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгатириш, бекор қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгатириш, бекор қилиш тартиби ҳақида гапириб беринг.
3. Кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгатириш, бекор қилиш асосларига нималар киради?

## 5-§.Кассация инстанция судининг қарорлари. Кассация инстанция судининг кўрсатмаларининг мажбурийлиги.

Суд ҳужжатининг қонунийлигини текшириш кассация инстанцияси томонидан қарор қабул қилиниши билан якунланади.

Кассация инстанциясининг қарори ҳам тўрт қисмдан: кириш; баён қилиш; асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Кассация инстанциясининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) єарорни єабул єилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб раєами ва єарор єабул єилинган сана, єарорни єабул єилган суд таркиби, мажлисда іозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

///2) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб раєами, іал єилув єарори, єарор єабул єилинган сана, уни єабул єилган судьяларнинг фамилиялари;

4) єабул єилинган іал єилув єарори, єарор мазмунининг єисєача баёни;

5) іал єилув єарори, єарорнинг єонунийлигини текшириш тўјрисида масала єўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикояти (протести) юзасидан мулоіазада баён єилинган важлар;

7) мажлисда іозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;

8) хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар асосланган єонун іужжатларини єўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, суд єарорни єабул єилишда амал єилган єонун іужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг іал єилув єарорини, апелляция инстанциясининг єарорини бекор єилганда ёки ўзгартирганда кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоятини (протестини)кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун топширилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва хўжалик суди томонидан бажарилиши керак бўлган іаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг таєсимланиши.

Кассация инстанциясининг қарори барча судьялар томонидан имзоланади.

қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг єарорда баён єилинган кўрсатмалари ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик суди у ёки бу далилнинг тўјрилиги ёки тўјри эмаслиги, бир далилнинг бошєаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилганида єандай іал єилув єарори єабул єилиниши тўјрисидаги масалаларни аввалдан іал єилиб єўйишга іаєли эмас.

**Назорат саволлари.**

1. Кассация инстанцияси ишни кўргандан кейин қандай ҳужжат чиқаради?
2. Кассация инстанцияси судининг чиқарган ҳужжатида нималар акс эттирилиши лозим?
3. Кассация инстанциясининг қарорлари тарафларга юборилиш тартибини тушунтиринг?
4. Кассация инстанциясининг қарорлари мажбурилиги деганда нимани тушунасиз?

# 16 - БОБ. Назорат тартибида иш юритиш.

## 1-§.Хўжалик процессида назорат тартибида иш юритиш тушунчаси ва уни кассация тартибида иш юритишдан фарқи.

Хўжалик процессида назорат тартибида ишларни кўришнинг хўжалик процессининг босқичларидан бири сифатида киритилиши суд ҳужжатларининг қонуний ва асослилигини текшириш ва биринчи инстанция, апелляция вакассация инстанция судлари томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этишга қаратилган.

Суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўрилиши-ишда иштирок этувчи шахсларнинг(шу билан бирга қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган бошқа шахсларнинг) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолати ҳисобланади.

Шундай қилиб, назорат тартибида қайта кўришнинг объекти бўлиб қонуний кучга кирган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция ва кассация инстанцияларининг қарорлари ҳисобланади.

Суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўрилиши бошқа суд ҳужжатларини қайта кўриш усулларидан, яъни апелляция, кассация инстанцияларида тубдан фарқ қилади:

Аввало, бу инстанция субъектлари доираси билан фарқланади. Агар апелляция ва кассация инстанцияларида шикоят(ротест) келтириш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи иштирокчиларга берилган бўлса, ишларни назорат тартибида кўрилишида қонунда белгиланган ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидангина берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси, унинг ўринбосарлари; Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарлари)

Апелляция ва кассация тартибида шикоят(протест) келтириш учун муддат белгиланган бўлса, назорат тартибида бундай муддат белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўрилиши деб, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари устидан қонунда белгиланган ваколатли мансабдор шахсларнинг келтирган протестларини Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати томонидан кўриб чиқилиши тушунилади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик процессида назорат тартибида иш юритиш тушунчаси ҳақида гапириб беринг?
2. Назорат тартитибида иш юритишнинг апелляция ва кассация тиртибида иш юритишдан фарқларини кўрсатинг.
3. Назорат тартибида иш юритиш қайси хўжалик суд даражасига берилган?

## 2-§.Назорат тартибида ишларни қайта кўришда протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди иқтисодиёт соҳасидаги низоларни кўриб ҳал қилувчи хўжалик судлари ичида энг юқори орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига қуйи хўжалик судлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари хўжалик судлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларини қонуний ва асослилигини текшириш ваколатига эга. Улар ғайриқонуний суд ҳужжатлари қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлганлари тақдирда , хўжалик судининг бундай ҳужжатлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ республикамизда қонунларни амалда қўлланилиши ва унга риоя этилишини давлат органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилишини назора қилиш прокуратура органлари ваколатига киритилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарлари ғайриқонуний деб ҳисоблаган суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга.

ХПК нинг 193-моддаси хўжалик судлари суд ҳужжатлари устидан протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди. Унга кўра: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик суди қабул қилган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

ХПК нинг 193-моддасида белгилаб қўйилган мансабдор шахслар томонидан протест келтириш учун асослар бўлган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига протест келтирадилар. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимида фақат Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатигина суд-назорат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати-Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибий тузилмаси бўлиб, хўжалик судлари тизимига кирган судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларини назорат тартибида қонуний ва асослилигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати - Олий хўжалик судининг судьялари орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми белгилаган миқдордаги судьялардан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари лавозими бўйича Раёсат таркибига кирадилар. Раёсатнинг мажлиси бир ойда камида бир марта ўтказиб турилади. Мажлисга Раёсат аъзоларининг кўпчилиги қатнашгандагина ўтказилишига рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг Регламенти асосида амалга оширади.

**Назорат саволлари.**

1. Назорат тартибида ишларни қайта кўришда протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини кўрсатинг?
2. Қайси қонунда хўдалик судларида назорат тартибида протест келтириш ваколати берилган шахслар ҳуқуқлари расмийлаштирилган?
3. Назорат тартибида ишларни қайта кўришда протест қайси хўжалик судига келтирилади.
4. Раёсатга кимлар аъзо бўлади.
5. Раёсат қачон ваколатли ҳисобланади.
6. Раёсат мажлиси қандай муддатда чақирилади.

## 3.-§.Ўзбекистон Олий хўжалик суди Раёсати томонидан протестни кўриш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига назорат тартибида протест келтириш учун ваколатли шахслар томонидан ишни кўрган суддан иш материалларини талаб қилиб олинади, уни ўрганиб чиқилади. Тегишли суддан иш материалларини талаб қилиб олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаммасига берилган.

Иш материлларини талаб қилиб олиш учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва уларнинг вакилларини аризаси, матбуотда эълон қилинган ахборотлар (маълумотлар), судьяларнинг тақдимномалари, суд амалиёти материалларини умумлаштириш натижасида олинган маълумотлар асос бўлади.

Назорат тартибида иш материалларини талаб қилиб олиш учун ва протест келтириш учун асослар мавжуд бўлмагани тақдирда, бу мансабдор шахслар аризачига унинг талабларини қаноатлантирмаслик сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб йўллайди.Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига иш материаллари билан бирга протест назорат тартибида кўриш учун юборилганда, унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Протест Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлисида кўриб чиқилади. Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси раислик қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий хўжалик

суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг ваєти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиєишга тўсиқ бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш юзасидан хулоса беради.

Ўзбекистон Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари ХПК ниг 199-моддасида ўз аксини топган бўлиб,

1) агар Раёсат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ёки апелляция ва кассация инстанцияларининг қарорларини қонуний ва асосли деб топса, келтирилаётган протестни эса аҳамиятга эга эмас деган хулосага келса, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиради

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман ноқонунийлигини ёки асослантирилмаганлигини аниқласа, бундай ҳужжатни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборади.

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилиши мумкин.

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдириши мумкин.

5) иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли бўлади.

**Назорат саволлари.**

1. Олий хўжалик суди Раёсати томонидан протестни кўриш тартибини тушунтириб беринг?
2. Олий хўжалик суди Раёсати мажлисларига ким раислик қилади ва унинг ваколатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Раёсат мажлисларига ишда иштирок этувчи шахслар жалб қилинадими?
4. . Ўзбекистон Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари деганда нимани тушунасиз?
5. Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида кўрганда қандай ваколатларга эга бўлади?

## 4-§. Назорат тартибида карор кабул килиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатининг қарори процессуал ҳужжат сифатида тўрт қисмдан:

кириш;

баён қилиш;

асослантирувчи;

хулоса қисмлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Раёсат аъзолари овоз беришда бетараф қолишларига қонун йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради. Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

ХПК нинг 202-моддасида ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги белгиланган бўлиб, ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қарорида баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир, деб кўрсатилган.

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди ҳал қилув қарорида, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошєаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори, қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

**Назорат саволлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қандай хужжат қабул қилади.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишни назорат тартибида кўриш юзасидан қабул қилган қарори неча қисмдан иборат.
3. Раёсатда қачон қарор қабул қилинган хисобланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори ким томонидан имзоланади.
5. Раёсат қарори қачондан бошлаб қонуний кучга киради.

## 17 - БОБ. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.

### 1-§. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчаси ва асослари.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш хўжалик процессининг суд ҳужжатларини қайта кўриш усулларидан бири ҳисобланади. Бу босқичнинг ҳам апелляция, кассация инстанциялари каби асосий вазифаси қабул қилинган суд ҳужжатларини қонуний ва асослилигини текшириш, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг адолатли ҳимоясини кафолатлашдан иборат.

**Янги очилган ҳолатлар** – бу ишни мазмунан кўриш вақтида мавжуд бўлган юридик фактлар бўлиб, аммо улар суд ҳужжати қабул қилиниш вақтида аризачига ва судга номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатлардир. Шунингдек бу юридик фактлар иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, яъни улар мавжуд ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига таъсир қилиши мумкин.

Янги очилган ҳолатларни суд ҳужжати қабул қилинганидан кейинги вужудга келган ёки ўзгарган, яъни суд ҳужжати қабул қилинаётганда мавжуд бўлмаган,ҳолатлар билан адаштирмаслик керак.

Янги очилган ҳолатларни, шунингдек ишни кўриш вақтида тақдим этилмаган янги далиллар билан ҳам адаштирмаслик керак. Янги далиллар ишни апелляция, кассация инстанциясида ёки назорат тартибида қайтадан кўриш учун асос бўлиши мумкин.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш хўжалик процессининг мустақил босқичи сифатида ўзининг қайта кўриш асосларига, объектларига, субъектларига ва қайта кўриш тартибига эга.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари ХПК да қатъий белгилаб қўйилган.унга мувофиқ суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахслар ёхуд улар вакиллари ёки судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

Масалан, янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш далилларни сохталаштириш, яъни гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатма бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилганлиги,ҳужжатларнинг ёки ашёвий далилларнинг сохталиги мавжуд бўлганида бўлиши мумкин. Бунда айнан юқорида кўрсатилган сабабларга кўра хўжалик суди ҳақиқатда бўлган ҳолатни, тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлай олмасдан суд ҳужжатини қабул қилади.

Шунингдек суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки уларнинг вакиллари ёҳуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги жиноий қилмишларини ҳам асос сифатида келтириш мумкин. Масалан, судья томонидан тарафлардан биридан низони унинг фойдасига ҳал қилиш учун пора олиш факти.Бу факт умумий юридикциядаги суднинг  пора олган судьяни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ҳукми билан аниқланади. Бу ҳукм янги очиган ҳолатни белгиловчи асос ҳисобланади ва хўжалик суди ҳужжатининг адолатсизлиги фактини белгилайди

Назорат саволлари.

1. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчаси
2. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг асосий вазифаси
3. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларини санаб беринг.
4. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга мисол келтиринг.

## 2-§. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби ва муддати.

қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

**Янги очилган щолатлар быйича =айта кыриш асослари (ХПК-240-м)**

Аризачига маълум былмаган ва маълум былиши мумкин былмаган щолатлар

Гувощнинг била туриб ёл\он кырсатмалар бергани, экспертнинг била туриб ёл\он хулоса бергани, татжимоннинг била туриб ноты\ри таржима =илгани, щужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу щол суднинг =онуний кучга кирган щукми билан ани=ланган ва но=онуний ёки асосланмаган суд щужжати =абул =илинишига сабаб былса

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёщуд судьяларнинг шу ишни кыриш ва=тидаги суднинг =онуний кучга кирган щукми билан ани=ланган жиноий =илмишлари

Ушбу щал =илув =арорини =абул =илишга асос былган хыжалик судининг щужжати ёки суднинг щал =илув =арори щукми ёщуд бош=а органнинг =арори бекор =илинганлиги

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ишларни қўзғаш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларга- тарафлар,учинчи шахслар,давлат органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларига

кўра, шунингдек прокурорга берилган. Бу ҳуқуқдан, шунингдек,ишда иштирок этувчи шахсларнинг ворислари ҳам фойдаланадилар.

Хўжалик судининг судьялари ва бошқа мансабдор шахслари янги очилган ҳолатлар бўйича иш қўзғатиш ваколатига эга эмаслар.

Бу шахслар иш билан танишаётганда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асосларни аниқлаганлари тақдирда ишда иштирок этувчи шахсларни, шунингдек давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиб даъво қўзғаган прокурорни бу ҳақда хабардор қилиб қўйиш ҳуқуқигагина эгадирлар.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризада: аризанинг қайси хўжалик судига тақдим этилаётганлиги, ишнинг ким томонидан қўзғатилаётганлиги, қайси суд ҳужжати қайта кўрилиши ҳақидаги масала кўтарилаётганлиги,қандай асослар мавжудлиги, янги очилган ҳолатлар фактининг қандай далиллар билан тасдиқланаётганлиги баён этилган бўлиши лозим.

Аризага унинг нусҳалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нуҳалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

**Назорат саволлари.**

1. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби ҳақида гапириб беринг.
2. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш муддати қанча?
3. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризада нималар акс этиши лозим?
4. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризага нималар илова қилинади?

## 3-§. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи судлар. Ишни қайта кўришни расмийлаштириш.

ХПК нинг 206-моддасига асосан биринчи инстанция судида қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган хўжалик суди томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини єайта кўриш хўжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанцияси томонидан амалга оширилади.

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда ўз мажлисида кўради. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.
Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

**Назорат саволлари.**

1. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи судлар доирасини кўрсатиб беринг.
2. қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза қайси суд томонидан кўрилади?
3. қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза қандай муддатда кўрилади?
4. Ишни қайта кўришни расмийлаштириш тартиби.

## 18-БОБ. Суд ҳужжатларини ижро этиш.

### 1-§.Хўжалик процесси тизимида ижро ишларини юритишнинг тутган ўрни.

қонуний кучга кирган хўжалик судининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари,фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларда белгиланган тартибда ва муддатда ижро этилиши лозим.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда хўжалик процессининг якунловчи, мустақил ва мажбурий босқичи бўлган суд ҳужжатларини ижро этиш босқичининг хўжалик процесси тизимида тутган ўрни ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ушбу дарсликнинг бир қатор мавзуларида хўжалик судлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларга, ҳусусан, ажрим, ҳусусий ажрим, суд буйруғи, ҳал қилув қарори, қарорларга тушунча, уларнинг мазмуни, қабул қилиниш тартиби, ўзгартирилиш ва бекор қилиниш тартибларига ва бошқаларга тўхталиб ўтилди, шу билан бирга уларнинг қонуний ва асосли бўлишлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Суд ҳужжатларининг қонуний ва асосли бўлиши адолатнинг қарор топишидир,яъни бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар тикланиб, одилсудлов амалга оширилганидир. Аммо ҳар қанча адолатли, қонуний, асосли суд ҳужжати қабул қилинмасин, агар у ижро этилмаса, бундай суд ҳужжати ҳеч қандай кучга эга бўлмайди.Ҳужжатлари ижро этилмайдиган суднинг обрўси ҳам, жамият аъзоларининг унга ишончи ҳам бўлмайди. Демак, ижро босқичи суд ҳужжатларини кучини белгилаб берувчи хўжалик процесси тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган босқич ҳисобланади.

Хўжалик суди ҳужжатларини ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни билан амалга оширилади.

**Назорат саволлари.**

1. Суд ҳужжатлдарини ижро этиш тушунчаси.
2. Хўжалик процесси тизимида ижро ишлаарни юритишнинг ўзига хос роли.
3. Суд ҳужжатларни ижро этиш асослари.

### 2-§.Ижро варақаси тушунчаси ва унинг мазмуни.

Хўжалик процессуал кодексида суд ҳужжатларини ижро этишнинг процессуал тартиби белгилаб қўйилган.

Суд ҳужжатларини ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

**Ижро варақаси деб** хўжалик суди томонидан берилган хўжалик суди суд ҳужжатида баён қилинган ундирувчининг мажбурий ижро этилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга айтилади.

Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин берилади. Пул маблағларини бюджет даромадига ундириш учун ижро варақаси қарздор турадиган жойдаги солиқ органига юборилади.

Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади.

Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро варақасини берган хўжалик судининг номи;

2) ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул єилинган сана;

4) ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;

5) суд ҳужжатининг хулоса қисми;

6) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;

7) ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.

Агар хўжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжатини ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Хўжалик процессуал кодексида ижро варақасини суд буйруғини ижрога тақдим этиш муддати ҳам белгиланган. Хўжалик судининг ижро варақаси, шунингдек суд буйруғи  суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан ижрога тақдим этилиши лозим.

Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул єилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Дубликатни бериш ҳақидаги аризада ижро варақаси йўқотилган ҳолатлар кўрсатилади ва аризачининг важларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундай далиллар банклар ёки бошқа кредит муассасаларининг маълумотномалари, алоқа органлари ёки суд ижрочисидан олинган маълумотномалар бўлиши мумкин. Ундирувчи ташкилотнинг ижро ҳужжати йўқолгани ҳақидаги ҳабарномаси унинг раҳбари ҳамда бош ҳисобчиси томонидан имзоланган бўлиши керак.

Ижро варақасининг дубликати йўқотилган ижро варақасидек кучга эга бўлади.

Дубликат берилган пайтдан бошлаб дастлаб олинган ижро варақаси ўз кучини йўқотади.

Дубликат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради, уни ундирувчи ва қарздорга юборади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Назорат саволлари.**

1. . Ижро варақаси тушунчаси ва унинг мазмуни.
2. Суднинг ижро варақасида нималар акс эттирилади?
3. Ижро варақавси суд томонидан кимларга юборилади?
4. Ижро варақасининг дубликати тушунчаси.
5. Ижро варақасининг дубликатини бериш тартиби ва расмийлаштириш.
6. Ижро варақасининг дубликатини олиш оқибатлари.

## 3-§. Ижро ишларини юритишнинг умумий қоидалари.

Одатда ижро жараёни ундирувчининг аризасига кўра қўзғатилади. Бунда ундирувчи ижро варақасининг аслини ёки унинг дубликатини суд ижрочисига юборади.

Суд ижрочиси суд ҳужжатини ижро этишга киришар экан, қарздорга қарорни беш кунлик муддат ичида ихтиёрий бажариш таклифини топширади ва агар у тегишли муддатда ихтиёрий ижро қилмаган тақдирда мажбуран ижро этилиши ҳақида огоҳлантиради.

Ижро этиш давомида суд ижрочиси қарздорларни ижро ҳужжатлари билан танишиш учун чақириш, шунингдек, улардан ижрода иштирок этмайдиган бошқа томонлардан ва шахслардан ижро учун зарур бўлган оғзаки ва ёзма хабар ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эгадир. Айни пайтда у қарздор эгаллаб турган бинога кириш ва унинг омборларини кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

Суд ижрочисининг қонуний талаблари давлатнинг бутун ҳудудида барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар. Тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ижрочисининг қонуний талабларини бажармаслик ёки унга ўз вазифаларини ва мажбуриятларини бажаришга ҳалақит бериш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Суд ижрочисининг қонуний талаблари қарздор- тегишли мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ҳар бир ҳолатда ҳолислар иштирокида далолатнома тузилади.

Ўз навбатида тарафлар(ундирувчи ва қарздор) ижро ҳаракатларини амалга ошириш пайтида қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Суд ҳужжатини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар суднинг ажримига кўра қарздор томондан қопланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб - бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.Суд ижрочиси бу ҳуқуққа хўжалик судининг ўзи ижро жараёнини олиб бораётган суд ҳужжатларига нисбатан эгадир.

Суд ижрочисининг ўзи мустақил тарзда суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Хўжалик суди ўз ташаббуси билан суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш,ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал этиши мумкин эмас.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза ижро этиш муддати ўтгунча берилиши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш уни ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш масалалари хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул єилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, хўжалик суди бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўла ёки қисман бекор қилиш тўғрисида суд ҳужжати қабул қилади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, жавобгар биринчи инстанция хўжалик судига тегишли ариза беришга ҳақли. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташкилотнинг, фуқаронинг аризаси бўйича хўжалик суди ундирилган пул маблағлари, мол-мулк ёки унинг қийматини қайтариш тўғрисида ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Суд ҳужжати (ижро варақаси) топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро

этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солади.

Суд ҳужжатида (ижро варақасида) кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

**Назорат саволлари.**

1. Ижро ишларини юритиш тартиби.
2. Ижро ишларини юритувчи ваколатли шахслар ва уларнинг ваколатлари.
3. Ижро ишларини юритишнинг умумий қоидалари.
4. Суд ҳужжатларини ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб ижро этиш тушунчалари.
5. Суд ҳужжатларининг ижро этиш усули ва тартиби .
6. Суд ҳужжатларини қайтарма ижроси учун асослар.
7. Суд ҳужжатларининг ижросини расмийлашгтириш тартиби.
8. Жавобгарлик тушунчаси.
9. Суд ҳужжатларини ижро этмаганлик оқибатлари.

## 19 - БОБ. ЧЕТ ЭЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ.

### 1-§. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш тушунчаси.

Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар хўжалик процессининг мустақил босқичи ҳисобланмайди. Хўжалик судлов ишларининг ҳар қандай босқичида чет эллик шахслар иштирок этиши мумкин. Хўжалик процессига чет эллик шахсларнинг кириб келиши шу босқичда ишларни кўришнинг ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлишини талаб этади.

Дунё иқтисодий интеграцияси, халқаро савдо муносабатларининг кенгайиши, давлатлараро ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиб бориши, турли давлатлар хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида вужудга келадиган хўжалик низоларини кўриш ва ҳал қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари ўз навбатида ҳорижий мамлакатлар ҳудудида хўжалик ва бошқа фаолият билан шуғулланиб, республикамиз ҳудудидан ташқарига ўзларининг товарларини олиб чиқадилар, хизматлар кўрсатадилар. Шунингдек хорижий хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида у ёки бу турдаги хўжалик фаолияти билан шуғулланиб, республикамиз хўжалик юритувчи субъектлари билан турли иқтисодий муносабатларга киришади.

Бундай ҳолларда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масалага айланади.Ҳудди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларин ҳимоя қилиш зарурияти туғилади.

Давлатларнинг турли ҳуқуқ тизимига эга бўлиши, улар ўртасидаги ҳамкорликка тўсиқ бўла олмайди.

Бу фарқ турли давлатларда иқтисодий низоларни кўрувчи органларнинг ваколатларини чекловчи ва аниқлаштирувчи халқаро шартномаларни тузиш вақтида бартараф этилади.

Ҳар бир давлат иқтисодий низолар бўйича одилсудловни амалга оширувчи органларининг ваколатлари чегарасини ўзи мустақил белгилайди.

Шунингдек ҳар бир давлат иқтисодиёт соҳасидаги низоларни ҳал қилиш борасидаги чет эл шахсларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги чет элликларга ҳам ўзимизнинг ташкилот ва фуқароларимиз билан тенг равишда ҳуқуқларини суд орқали

ҳимоя қилиш имкониятини беради. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 221-моддасида:

чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан баравар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар.

Судларида Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқароларининг процессуал ҳуқуқларига нисбатан махсус чеклашларга йўл қўйилаётган давлатларнинг шахсларига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати чеклашлар белгилаши мумкин.

**Назорат саволлари.**

1. Чет эллик шахслар иштирокида ишларни юритиш хўжалик процессидаги ўрни.
2. Чет эллик юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг суддаги ҳуқуқий муҳофазаси.
3. Чет эллик юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг хўжалик суддаги процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

## 2-§.Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни, башарти жавобгар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, фуқаро эса шу ҳудудда яшаш жойига эга бўлса, кўради.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни қуйидаги ҳолларда ҳам кўришга ҳақли:

1) чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулкка эга бўлса;

3) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши лозим бўлган ёки ижро этилган шартномадан келиб чиқса;

4) мол-мулкка етказилган зиённи қоплаш тўғрисидаги иш бўйича зиённи қоплаш тўғрисидаги талабни қўйишга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

5) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги асоссиз бойишдан келиб чиқса;

6) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;

7) бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса.

Биноларга, иншоотларга, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер участкаларини ўзганинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, башарти эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда кўрилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга даъволар бўйича ишлар, шу жумладан ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган ерда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан ХПК нинг 223- моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўриш учун қабул қилинган иш, гарчи иш юритиш давомида ишда иштирок этувчи шахсларнинг турган жойи ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар туфайли бошқа давлат судининг судловига ўтсада, мазмунан ҳал қилинаверади.

**Назорат саволлари.**

1. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунчаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштрокидаги ишларни қайси ҳолатларда кўради?
3. Процессда иштирок этувчи тарафларнинг процесс даврида жойи ўзгарганда иш бошқа суд судловига тегишли бўлса, суд қандай чора кўради?

## 3-§. Суднинг иммунитети ва топшириклари.

**Суд иммунитети деганда,** давлатни бошқа давлатнинг юрисдикциясидан чиқариш тушунилади. Бундан чет эл давлати унинг розилигисиз судга жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин. Бу қоиданинг асоси давлатнинг суверенитет тенглиги принципи ва суверенитет принципи ташкил этади. Суд суверенитети сўзининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

20) суднинг иммунитетидан- бу бир давлатнинг иккинчи давлат судловига тегишли эмас дегани;

21) даъвони олдин таъминлашнинг иммунитетидан;

22) суд ҳужжатини мажбурий ижро қилиш иммунитетидан.
Иммунитет принципи «одилсудловдан воз кечиш» деб тушунмаслик керак.Давлатга даъво унинг ўзини судларига берилиши мумкин, бошқа давлатнинг судларига эса фақат унинг розилиги билан тақдим этилади.[1]

ХПК нинг 224-моддасида айнан шу қоида ўзининг ифодасини топган. Унга кўра, хўжалик судида чет давлатга нисбатан даъво тақдим этишга, уни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишга, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ва унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки ҳалқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилади.

Ҳалқаро ташкилотларнинг суд иммунитети Ўзбекистон Республикасининг єонунлари ва ҳалқаро шартномалари билан белгиланади.

Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритишга Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди томонидан хорижий давлатлар судларининг суд топшириқларини бажарилиши ҳам киради.

Суд топшириқлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам сифатида қаралиб, ўзга давлат ҳудудида муайян процессуал ҳаракатларни( чақирув қоғозларини топшириш, экспертиза ўтказиш,ёзма далиллар олиш ва бошқаларни) ижро этишдан иборат.

ХПК нинг 226-моддасига асосан: хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлатлар судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки ҳалқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш хўжалик судининг ваколатига кирмаса.

Хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ХПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик судлари чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлар билан белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.

---

[1] +аранг: Рызиназаров Ш.Н. Ызбекистон Республикаси хыжалик процессуал кодексига шарщлар. Муаллифлар жамоаси: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаева ва бош=.-Т.: «И=тисодиёт ва щу=у= дунёси»,2002 й.,404-405-бетлар.

**Назорат саволлари.**

1. Иммунитет сўзининг маъноси.
2. Суднинг иммунитет ҳуқуқи тушунчаси
3. Суднинг иммунитет ҳуқуқи қайси нормалар асосида тартибга солинади?
4. Суд топшириқлари тушунчаси.
5. Суд топшириқларининг ижро этилмайдиган ҳолатлари.
6. Суд топшириқларини бажаришда қайси нормалар асос бўлади?

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.
7. Т.9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001
8. Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 156-173.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 174-222.
10. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 223-251.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
12. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сара изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи” 2006 йил 11 февраль.
13. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” 2006 йил 27 февраль.


## Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.: “Адолат”, 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – 2-сон.– 48-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. -Т.: «Адолат», 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – 9-сон. – 170-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2001. – 1-2-сон. -10-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2001, - 9-10-сон, -168-модда
8. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2001, - 9-10-сон, -169-модда
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005,- 1-сон, -3-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлтик тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – 5-сон. – 63-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекситон Республикаси хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари тўплами. 1995-1999. -4-сон.-Т.: “Адолат”, 2000.
12. Ўзбекситон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари қарорларини ижро этишни таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари тўплами. 1995-1999. -4-сон. –Т.: “Адолат” 2000.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005, -24-сон. -167-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005, -24-сон. -168-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005, -24-сон. -172-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори //Ўзбекистон

Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1998. – 4-сон. – 17-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. –15-16-сон.– 138-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – №15-16. – 138-м.

## Асосий адабиётлар

1. Отахонов Ф.Х. Хозяйственное процессуальное право. Учебное пособие. – Т., 2003. – 262 с.
2. Бурхонходжаева Х.В., Дўстов У.Н. Хўжалик процесси(схемаларда). - Т.: ТДЮИ, 2002 .
3. 3.Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи. –Т:.Адабиёт жамғармаси, 2001.

## Қўшимча адабиётлар

1. Бурханходжаева Х.В Хўжалик процессуал ҳуқуқи(услуби қўлланма). -Т.: ТДЮИ, 2003.
2. Дўстбобоев А.Б. Производство кассационной инстанции “Хозяйство и право”, 2000. №7. С.59-69
3. Отахонов Ф.Х. Роль хозяйственных судов Республики Узбекистан в укреплении законности в хозяйственных отношениях // Ж. Хозяйство и право. – 1998. № 11-12 . - с. 58-64.
4. Рузиназаров Ш.Н Законность и спаравидливость в правоприменительной деятельности хозяйсвенных судов Республики Узбекистан // Ж..Хозяйство и право. – 2002.

**М У Н Д А Р И Ж А**


## 1 – БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, ТИЗИМИ.

1-§. Хўжалик процесси тушунчаси ва унинг босқичлари ......................... 5

2-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи предмети ва унинг тизими .................... 7

3-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи фанининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. ........................................................................................ 7

4-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари тушунчаси ва турлари. ........................................................................................... 8

## 2 – БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг (принциплари) моҳияти ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тамойиллари хўжалик процессуал хуқуқи тамойилларида ўз ифодасини акс эттирилганлиги ҳақида. ......................................................................... 11

2-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқи асосий тамойилларининг таснифи. ........................................................................................... 12

3-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқида суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган тамойиллар. ........................................................................ 15

## 3 - БОБ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИГА ИШЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВЛИЛИГИ

1-§. Хўжалик судларига тааллуқли ишлар тушунчаси ва мезони. ........................................................................................... 20

2-§. Тааллуқлиликка қўйиладиган процессуал ҳуқуқий қоида талабларига риоя этмасликнинг оқибатлари. ......................................................... 23

3-§. Судловлик тушунчаси ва турлари.Ишларнинг турлари бўйича судловлилик. Худудий судловлилик ва унинг турлари.......................................................................... 25

4-§. Ишларни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш. ........... 28

## 4 - БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ВА УНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ.

1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат тушунчаси, унинг таркиби (элементлари). ................................................................... 29

2-§. Хўжалик процессида субъектлар тушунчаси ва таркиби. ....... 31

3-§. Хўжалик суди хўжалик процессининг иштирокчиси ва хўжалик судининг судьяларини четлаштириш (рад этиш) тартиби ............ 32

4-§. Хўжалик процессида тарафлар тушунчаси. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. ........................................................................ 34

5-§. Процессуал шерик иштирокчилик тушунчаси. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш.Процессуал ҳуқуқий ворислик....35

6-§. Хўжалик процессида учинчи шахслар. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар. ......................................................................................... 36

7-§. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар. ........................................................ 38
**5 - БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССИДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ШАХСЛАР**
1-§. Хўжалик ишларини судда кўришда прокурорнинг иштирок этиш асослари ва шакли ........................................................................ 40
2-§. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки ............................................................................................ 41
3-§. Хўжалик судида одилсудловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар. Судда вакиллик қилиш тушунчаси, асослари ва турлари. ....................................................................................... 43
4-§. Вакилликни расмийлаштириш ва вакилнинг ваколатлари. ..................................................................................... 46
5-§. Хўжалик процессида вакил бўла олмайдиган шахслар. ........ 47
**6 - БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР**
1-§. Хўжалик процессуал ҳуқуқида исботлаш тушунчаси, унинг предмети. Далиллар тушунчаси. ......................................................... 48
2-§. Исботлашдан озод этиш учун асослар.....................................50
3-§. Далилларнинг таснифи (классификацияси). ............................ 51
4-§. Далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилишлиги. ..................................................................................... 52
5-§. Далилларни таъминлаш. ........................................................ 53
**7 - БОБ. СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАР.**
1-§. Суд харажатлари тушунчаси ва унинг турлари. Давлат божи миқдори ва уни тўлаш тартиби. ................................................................ 54
2-§. Давлат божини қайтариш учун асослар. .............................. 58
3-§. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш. ............... 59
4-§. Суд жарималари тушунчаси. Суд жарималарини солиш учун асослар ва унинг тартиби. ......................................................................................... 60
5-§. Суд жаримасини солинганлиги устидан шикоят қилиш тартиби.............................................................................. 61
**8 – БОБ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР**
1-§. Процессуал муддатлар тушунчаси, турлари ва аҳамияти. ........................................................................................ 63
2-§. Процессуал муддатларни тўхтатиш, тиклаш ва узайтириш учун асослар. ........................................................................................ 65
**9 – БОБ. Даъво тушунчаси ва элементлари. Даъво қўзғатиш ҳуқуқи.**
1-§. Даъво тушунчаси, даъво элементлари ва турлари. ............. 67
2-§. Даъво талабларини қўшиш ва ажратиш. ............................. 68
3-§. Даъвога нисбатан жавобгарнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи. қарши даъво тушунчаси. ............................................................ 69
4-§. Хўжалик судида даъво қўзғатиш тартиби. Даъво аризаси, унинг шакли ва мазмуни. ..................................................................... 70

5-§. Даъво аризасини бериш тартибига риоя қилмасликнинг процессуал ҳуқуқий оқибатлари. ................................................ 72
6-§. Даъвони таъминлаш. ........................................................... 74

**10 - БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

1-§. Ишни судида кўришга тайёрлаш тушунчаси ва аҳамияти. ........................................................................... 76
2-§. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари. ........................................................................ 77
3-§. Суд хабарлари ва чақириқлари. ........................................ 78

**11 - БОБ. ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДДА КЎРИЛИШИ**

1-§. Судда ишни кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти ......... 79
2-§. Суд мажлисининг асосий босқичлари. .............................. 80
3-§. Хўжалик суди мажлисини ўтказиш тартиби. .................. 81
4-§. Тарафларнинг келишув битими. ...................................... 84
5-§. Иш кўришни кейинга қолдириш, иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш. ........................................................................... 85

**12 - БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ.**

1-§. Хўжалик судининг хужжатлари тушунчаси ва турлари................................................................. 90
2-§.Хўжалик судининг ҳал қилув қарори тушунчаси ва тузилиши. ......................................................................... 91
3-§ Хўжалик судида ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби. .......................................................................... 93
4-§. Хўжалик судининг ажрими, унинг тушунчаси, тури ва қонуний кучга кириши. ....................................................................... 95

**13 – БОБ. Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича хўжалик судларида иш юритишнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари.**

1-§.Ташкилот ва фуқароларнинг банкрот(иқтисодий очор)лиги ҳақидаги ишларни кўриш. ......................................................................................... 98
2-§. Банкротлик ҳақидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш, қўзғатиш, кўриш тартиби ва хусусиятлари...............................................................101
3-§. Банкротлик ҳақидаги ишлар юзасидан чикариладиган ҳал қилув қарорлари…………………………………………………………..102
4-§. Хўжалик процессида юридик ахамиятга эга булган фактларни белгилаш ҳақидаги ишларни кўриш. .......................................................................104
5-§.Юридик ахамиятга эга булган фактларни белгилаш тугрисидаги аризаларни кабул килиш учун асослар ва аризанинг мазмуни................. 104

**14 - БОБ. Хўжалик судлари қарорларини апелляция тартибида қайта кўриш.**

1-§.Хўжалик процессида апелляция тартибида иш юритиш тушунчаси. Апелляция тартибида шикоят бериш ва уларни субъектлари

тушунчаси. ..........................................................................................107
2-§. Апелляция тартибида иш юритиш учун уни қўзғатиш
тартиби. ........................................................................................ 108
3-§. Апелляция инстанция судида иш юритиш. ........................... 110
4-§.Апелляция инстанция судининг ваколати. ........................... 111
5-§.Апелляция инстанциясида ҳал қилув қарорларини ўзгартириш
ёки бекор қилиш учун асослар. ..................................................... 112
**15 - БОБ. Кассация инстанцияси судида иш юритиш.**
1-§.Хўжалик процессида кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқи ва
тушунчаси. ........................................................................... 115
2-§.Кассация шикоятининг мазмуни ва қайтариб юбориш
асослари. ........................................................................................ 117
3-§.Кассация инстанция судида иш юритиш. ............................... 118
4-§. Кассация инстанция судининг қарорларини ўзгартириш,
бекор қилиш асослари ва тартиби. ............................................. 120
5-§.Кассация инстанция судининг қарорлари. Кассация инстанция судининг
кўрсатмаларининг мажбурийлиги. ............................. 121
**16 - БОБ. Назорат тартибида иш юритиш.**
1-§.Хўжалик процессида назорат тартибида иш юритиш тушунчаси ва уни
кассация тартибида иш юритишдан фарқи. ................... 123
2-§.Назорат тартибида ишларни қайта кўришда протест келтириш ҳуқуқига
эга бўлган шахслар. ...................................................... 124
3-§.Ўзбекистон Олий хўжалик суди Раёсати томонидан протестни кўриш
тартиби. ........................................................................... 125
4-§. Назорат тартибида карор кабул килиш тартиби.
........................................................................................... 127
**17 - БОБ. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини
янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.**
1-§. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги
очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчаси ва асослари. ....... 129
2-§. қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича
қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби
ва муддати. ........................................................................... 130
3-§. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги
очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи судлар. Ишни қайта кўришни
расмийлаштириш.. .......................... ......................... 132
**18-БОБ. Суд ҳужжатларини ижро этиш.**
1-§.Хўжалик процесси тизимида ижро ишларини юритишнинг
тутган ўрни. ........................................................................... 134
2-§.Ижро варақаси тушунчаси ва унинг мазмуни. ................ 134
3-§. Ижро ишларини юритишнинг умумий қоидалари. ....... 136
**19 - БОБ. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар
ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган
Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар
Иштирокидаги ишларни юритиш.**

1-§. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш
тушунчаси. ........................................................................................ 139
2-§.Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судининг ваколатлари. ..................... 140
3-§. Суднинг иммунитети топшириқлари................................................... 141

## С О Д Е Р Ж А Н И Е

**1-ГЛАВА. ПОНЯТИЕ, ПРЕДМЕТ, СИСТЕМА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА.**

1-§. Понятие и стадии хозяйственного процесса……………………….5

2-§ Предмет и система хозяйственного процессуального права…………7

3-§.Соотношение хозяйственного процессуального права с другими правовыми дисциплинами………………………………………………7

4-§. Понятие и виды источников хозяйственного процессуального права………………………………………………………………………8

**2-ГЛАВА. ПРИНЦИПЫ ХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА.**

1-§. Сущность принципов хозяйственного процессуального права и о принципах хозяйственного процессуального права отражающих в себе принципы Конституции Республики Узбекистан……………………..11

2-§. Характеристика основных принципов хозяйственного процессуального права……………………………………………………………………..12

3-§.Принципы связанные с судопроизводством в хозяйственном процессуальном праве………………………………………………15

**3-ГЛАВА.ПОДВЕДОМСТВЕННОСТЬ И ПОДСУДНОСТЬ ДЕЛ ХОЗЯЙСТВЕННЫМ СУДАМ.**

1-§. Понятие и критерии подведомственности дел хозяйственным судам……………………………………………………………………..20

2-§. Последствия несоблюдения требованиям процессуально правовых правил подведомственности……………………………………………23

3-§. Понятие и виды подсудности. Территориальная подсудность и его виды…………………………………………………………………….25

4-§. Передача дел из одного хозяйственного суда в другой…………………………………………………………..………28.

**4-ГЛАВА. Хозяйственно - процессуальное правоотношение и его субъекты.**

1-§. Понятие хозяйственного процессуального правоотношения, его элементы……………………………………………………………….29

2-§. Понятие и состав субъектов в хозяйственном процессе……………..31

3-§. Хозяйственной суд – участник хозяйственного процесса. Отвод судей хозяйственного суда. ………………………………………………..32

4-§. Понятие сторон в хозяйственном процессе. Права и обязанности сторон. ………………………………………………………………34

5-§. Понятие процессуального соучастия. Замена ненадлежащей стороны. Процессуальное правопреемство. ……………………………………..35

6-§. Третьи лица в хозяйственном процессе……………………………...36

7-§. Третьи лица не предъявляющие самостоятельные требования к предмету спора………………………………………………………………….38

**5-ГЛАВА. ДРУГИЕ УЧАСТНИКИ В ХОЗЯЙСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИЕ ЗАЩИТУ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ ЛИЦ.**

1-§. Основания и формы участия прокурора в рассмотрении хозяйственных дел в суде………………………………………………………………….40

2-§. Участие государственных и других органов в хозяйственном процессе……………………………………………………………………...41

3-§.Лица помогающие в осуществлении правосудия в хозяйственном суде. Понятие ,основы и виды представительства в суде……………………….43

4-§.Оформление представительства и полномочия представителя………46

5-§. Лица, которые не могут быть представителями в хозяйственном суде……………………………………………………………………….47

**6-ГЛАВА. ДОКАЗЫВАНИЕ И ДОКАЗАТЕЛЬСТВА В ХОЗЯЙСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ.**

1-§. Понятие доказывания в хозяйственном процессе, его предмет. Понятие доказательства. ……………………………………………………………………48

2-§. Основания  освобождения от доказывания……………………………50

3-§. Классификация доказательства…………………………………………51

4-§.Относимость  доказательства и допустимость средствам доказательств…………………………………………………………………………52

.5-§.Обеспечение доказательств………………………………………………53

**7-ГЛАВА. СУДЕБНЫЕ РАСХОДЫ И ШТРАФЫ.**

1-§. Понятие судебных расходов и его виды. Размер и порядок уплаты государственной пошлины…………………………………………………………54

2-§.Основания для возвращения государственной пошлины………………..58

3-§.Распределение судебных  расходов между сторонами…………………59

4-§.Понятие судебных штрафов .Основания для наложения судебных штрафов и его порядок…………………………………………………………60

5-§.Жалоба по наложению судебных штрафов………………………………61

**8-ГЛАВА. ХОЗЯЙСТВЕННЫЕ ПРОЦЕССУАЬНЫЕ СРОКИ.**

1-§. Понятие процессуальных сроков ,его виды и значение…………………63

2-§.Основания для приостановления ,восстановления и продления процессуальных сроков. ……………………………………………………65

**9-ГЛАВА. Понятие и элементы иска.**

1-§ Понятие .элементы и виды иска.. ………………………………67

2-§.Соединение и разделение требований иска. ……………………………68

3-§.Право на защиту .ответчика против иска. Понятие встречного иска. ……………………………………………………………………………69

4-§.Порядок возбуждения иска в хозяйственном суде. Исковое заявление ,его форма и содержание. …………………………………………………70

5-§.Правовые последствия несоблюдения порядка предъявления искового заявления. …………………………… ………………………………..72

6-§.Обеспечение иска……………………………………………………..74

**10-ГЛАВА. Подготовка дела к рассмотрению в суде.**

1-§. Понятие и значение подготовки дела к рассмотрению в суде………76

2-§. Действия судьи по подготовке дела к рассмотрению в суде…………77

3-§. Судебные извещения……………………………………………..78

**11-ГЛАВА. Рассмотрение дел в хозяйственном суде.**

1-§. Понятие и значение рассмотрение дел в хозяйственном суде………..79

2-§.Основные стадии судебного заседания …………………………………..80

3-§.Порядок проведения судебного заседания ………………………………81

4-§.Мировое соглашение сторон………………………………………………84.

5-§. Отложение, приостановление и прекращение рассмотрения дел………85

**12-ГЛАВА.Судебные документы хозяйственного суда.**

1-§. Понятие и виды судебных документов хозяйственного суда…………90

2-§.Понятие о решениях хозяйственного суда………………………………91

3-§.Порядок принятия решения в хозяйственном суде………………………93

4-§.Определение хозяйственного суда, его понятие, виды и вступление в законную силу……………………………………………………………………95

**13-ГЛАВА. Особенности производства по отдельным категориям дел.**

1-§.Рассмотрение дело о банкротстве (несостоятельности) организаций и граждан………………………………………………………………………..98

2-§. Подготовка дел к рассмотрению в суде, возбуждения дела и разбирательство дел о банкротстве в хозяйственном суде………………………………101

3-§. Вынесенное решение о банкротстве………………102
4-§. Рассмотрение дел хозяйственных процессов имеющих юридических фактов…………………………………………………………………104
5-§. Основания для принятия заявления установливающие юридических фактов и содержание заявление…………………………………………104
**14-ГЛАВА. Пересмотр судебных решений в порядке апелляции.**

1-§. Понятие производство дел в порядке апелляции в хозяйственном процессе. Понятие предъявления апелляционной жалобы и его субъекты…………………………………………………………………107

2-§.Порядок возбуждения дела в порядке апелляции………………………108

3-§.Производство в апелляционной инстанции суда………………………110

4-§.Полномочия апелляционной инстанции…………………………………..111

5-§.Основания для изменения или отмены решений апелляционной инстанции…………………………………………………………………112

**15-ГЛАВА. Производство в суде кассационной инстанции.**

1-§. Право и понятие кассационного обжалования в хозяйственном процессе……………………………………………………………………115

2-§.Содержание кассационной жалобы и основания его возвращения……117

3-§.Производство в суде кассационной инстанции. Полномочия кассационной инстанции суда…………………………………………………118

4-§. Основания и порядок изменения и отмены постановлений в кассационной инстанции суда …………………………………………..120

5-§.Постановления суда кассационной инстанции. Обязательность предписаний суда кассационной инстанции………………………………121

**16-ГЛАВА. Производство в порядке надзора.**

1-§.Понятие производство в порядке надзора в хозяйственном процессе и его различие от производства суда кассационной инстанции…………………123

2-§.Лица имеющие право принесения протеста в пересмотре дел в порядке надзора……………………………………………………………………..124

3-§.Порядок рассмотрения протестов в Президиуме Высшего Хозяйственного суда. ………………………………………………125

4-§.Хозяйственные суды рассматривающие протесты в порядке надзора. …………………………………………………127

**17-ГЛАВА.Пересмотр вступивших в законную силу актов хозяйственного суда по вновь открывшимся обстоятельствам.**

1-§. Понятие и основы пересмотра вступивших в законную силу актов хозяйственного суда по вновь открывшимся обстоятельствам. …………129

2-§.Порядок и срок подачи заявления по пересмотру вступивших в законную силу актов хозяйственного суда по вновь открывшимся обстоятельствам…………………………………………………130

3-§. Суды по пересмотру вступивших в законную силу актов хозяйственного суда по вновь открывшимся обстоятельствам. Оформление дел по пересмотру…………………………………………………………….132

**18-ГЛАВА. Исполнение судебных актов.**

1-§. Роль исполнительного производства в хозяйственном процессе……134

2-§.Понятие и содержание исполнительного листа…………………………134

3-§.Общие правила исполнительного производства……………………….136

**19-ГЛАВА.Производство по делам с участием иностранных организаций, международных организаций и осуществляющих предпринимательскую деятельность иностранных граждан, лиц без гражданства.**

1-§. Понятие производство по делам с участием иностранных организаций, международных организаций и осуществляющих предпринимательскую деятельность иностранных граждан, лиц без гражданства………………..139

2-§.Полномочия хозяйственного суда Республики Узбекистан с участием иностранных лиц………………………………………………………140

3-§.Судебный иммунитет и поручения……………………………………141